


# ХУРШИД ДУСТМУҲАММАД

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2011

Қиссалар



Сўроқ

*Сўроққа тутилмай туриб, ўзларингни ўзларинг сўроқ қилинлар.*

Ҳадис

**Ш**абнамнинг ой-куни тўлганидан уч ой ўтди ҳамки, ҳали кўзи ёрмади. Шўрлик гумбаздек корни кўз-кўз бўлишидан, хотин-халажнинг «Вой, келин, туя гўшти еганмисиз?» деб ҳол-жонига кўймай сўроқлайверишидан безиб остона ҳатлаб кўчага чикмас, ёлғиз қолса бирдан дард тутиб қоладигандек ваҳимага тушар – қайнонасининг ёнидан нари жилмас, кейинги пайтда серкатнов бўлиб қолган онасининг кўзларидаги ваҳима шарпасини кўргани сайин ўзини баттар қаёққа кўйишни билмас, дам дўхтирга, дам синчию фолчи, табибу ҳоказога зир қатнар – ҳомиладорлик ўн икки ойга чўзилиши мумкинлигини бу яқин-орада инсон зоти эшитмаган, яккаю ёлғиз юпанчи, ишонгани – эри эса... келинг, ошиқмайлик, яхшиси, воқеани бир бошдан ҳикоя қилайлик.

## 1

Бозор қорни оч – қулоғи тинч кўча чангитиб юрганди ялло қилиб – уйландию, балога қолди. Ҳай, энди, уйланигани ҳам майли-я (бизнинг шароитларда йигит кишига уйланишдан бўлак юксакрок орзу-ҳавас қаерда!), тракторини тариллатиб юравермайдими, дўппини чаккасига кўндириб!.. Йўқ, у одам қуригандай Аминвой гуппининг йўриғига учди, пахта зоводига юкчи бўлиб ўтдию, «ғалва» отлиқ тубсиз жарнинг қоқ ўртасига икки оёқлаб сакради-кўйди. Ундай деса гуппида нима гуноҳ? Бозорнинг ўзи, «Уйланишга уйландим-у, бўғзимгача қарзга ботдим, ака», дея ҳасрат қилди. Гуппи аввалига лабининг бир чеккаси билан беписанд кулди – «Қарз узилади – хотин ёнга қолади, жиян», деди димоғидан курт ёғиб. Мақолгами-маталгами ўхшаб кетадиган бу ҳикмат

илгари Бозорнинг қулоғига кў-ўп хуш ёқарди, мана энди, унинг таъмини ўз оғзида татий бошлагач, ҳикматнинг тахири чиқиб кетди. Шу боис, «Чўтладим, ака, ҳозирги топиш-тутишим билан етти йилда қарздан узилар эканман. Шундаям емай-ичмай жамғарсам», деди зорланиб у. «Унда, – деди гуппининг ҳожатбарорлиги тутиб, – пахта зовутга ўт – икки сезонда қарздан қутуласан, қаддингни тиклаб оласан! Юкчилик ёқмаса, сўнг тагин тракторингни ҳайдайвурасан».

Бу ёғи ҳамирдан кил суғургандек енгил кўчди: Аминвой ёрдамани дариг тутмади – Бозор тракторини топшириб, заводга борди – юкчилик қила бошлади. У ўзини дунёнинг пасту баландидан анча хабардор, тенгқурлари орасида билармонлардан санаб юрарди, заводга келгач эса оламда сиру синоат ўша ердаги пахта ғарамларидек тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётганини кўрди – кўзи мошдек очила бошлади. Йўқдан йўндириб, бирни ўн, ўнни юзга дўндирадиган, юлдузни бенарвон урадиган ишбилармонлар гавжум шаҳарларда, ажнабий юртларда яшайди деб ўйларди Бозор, кўрсаки, таниган-билган ҳамқишлоқлари орасида ҳам пихи қуйруғига қайрилганлари талайгина экан. Бундайларни кўргани сайин Бозор «Тракторнинг «тар-тар»ида гунгу сўқир бўб юраверган эканмиз-да», деб таажжубнинг зўридан бош чайқар, дам-бадам «Мана энди биздан ҳам кўрасиз!» дегандек нималарнингдир режасида ўзини ўтга-чўққа урар, лекин кўп ўтмай дами чиққан тўпдек бўшашиб қолар эди...

Одамлар «Ҳарбийда ундок-ҳарбийда бундок» деб зорланишади-ю, хизматга янги келган ёш-ялангни ўзимизда ҳам етти қават кўрпачага ўтказиб кўйишмайди, аксинча уни энг оғир юмушлар билан сийлашади. Бу урфдан Бозор ҳам бенасиб қолмади. Заводга келганида ишчиларга қўшилиб пахта ғарамларига майдон ҳозирлашда кўмаклашди, терим бошландию, қўл-қўлга тегмай қолди. Бозорни «ёш» дейишди, «янги» дейишди, хуллас уни тунда пахта қабул қилувчилар тўдасига қўшиб кўйишди. Бозор чидади, чидадигина эмас, хомтама хаёлларга учиб, елиб-югуриб тер тўкаверди. Хўроз учинчи ё тўртинчи қичқирганида тегирмон тортгич хачирдек

чангга беланиб, йўлни пахта даласининг ўртасидан солар – ҳолдан тойган эса-да, шахд-шиддати баданига тинимсиз куч-қудрат ато этаётган девдек пахтаси иккинчи ё учинчи сафар шилиб-қиртишлаб терилган ғўзаларни «шарт-шурт»латиб эгат оралаб уйига етиб келгунича тонг ёришай деб қолар эди.

Бозор башарти шу тахлит кунни тунга улаб юрaversa, уйига пахтазор орқали қатнайверса, ким билсин, ишлари жўнашиб кетар, қарзлари узилар, хотини ёнга қолар, бола-чақа орттирар ва яна тракторининг дийдорига тўйиб, даври даврон суриб яшаб ўтармиди дунёдан... Асло! Инсон зоти зинҳор-базинҳор беташвиш, беғалва умргузаронлик учун келмайди бу ёруғ дунёга, балки у йўқ ерлардан бошига дўлдек ёғадиган балоқазоларни излаб-истаб топади, балога гирифтор бўлади, пешонасига «шақ!» этказиб уради-да, «Хах, аттанг-а, ўшанда!..» деб ҳамма айбу қарохатни шайтонга тўнкаб, сувдан курук чикмоқ пайига тушади. Ахир Бозоркул биродаримиз ҳар кун-ҳар тунда пахтазор оралаб заводга қатнаётган бўлса оёғи узилиб тушмаётган эди – ҳа, энди ғарам тепасида белигача, баъзан кифтигача ботиб-кўмилиб пахта тепкилагач, толикса-толиқар, яна пиёда йўл юриб оёқлари унча-бунча қакшаса-қакшаётган эди, лекин қуш уйқусида ширингина ором олиб ётган Шабнамнинг пинжиги кирганида – ҳали келинчаклик мушқу анбарлари аримаган Шабнамгинасининг маст қилувчи бўйлари уни ўз «коми»га тортганида бутун чарчоклари аъзои баданидан мойдай эриб чиқиб кетаётган – эртасига яна кўкка сапчийдиган саман тойчоқдек ирғишлаб юрган эди. Мутлақо, ўла қолсак қаноат қилмаймиз, тезроқ ва эртароқ ҳаловатга етишнинг янаям осонроқ йўлларини ғаламисларча истаб топамиз!..

Бозорвой ҳам ўзимиз янглиғ одамзоднинг ношукр бандаси-да, заводдан чиқиб пахтазор томон юрган жойида тракторчилардан бири, «Юр, жўра, кўчанг бошига ташлаб ўтаман», деб қолди. Бозор севинди. Уйига пича эртароқ етиб олиш илинжида гижинглаб бориб тракторчининг ёнига сукулди. Кўчалари бошига келишди ҳам, Бозор трактордан сакраб тушиб тор кўчага ичкарилаб

уйининг ёнгинасига борганди ҳамки, шундоққина бошининг тепасида нимадир чарақлаб ёришди, азбаройи қоқ тунда қишлоғига қуёш ағдарилиб тушаётгандек бўлди. Бозор ҳаётда унча-бунчага кўрқадиган йигит эмасди, шу боис қоқ тунда туйқус чарақлаган бу шуълага парво қилмади, бироқ... кўркмасликнинг сира иложи йўқ – Бозор бундайин ҳолатга дуч келаётган инсон қавмининг биринчи вакили эди. У ўтақаси ёрилиб беихтиёр қочарга жой мўлжаллаганида боши узра ниманингдир майин ғувури эшитилди – бирдан вужудидан кўрқув ҳисси йўқолди – тепага қаради – рўпарасида ўзига иккита келадиган дароз, кумушдек оқ зирҳли либосга ўранган ғалати одамнусха махлуқни кўриб тек қотди. Шу пайт бўлса керак деразадан хотинининг ипақдек майин товушда, «Бозор ака, нима у?» дегани эшитилди. Бозор кўрқув туйғуси йўқолганини тушунолмай, «Ётавер, ҳозир кирарман», деб овоз берди.

– Кимсан? – сўради одамнусха махлуқ.

– Бозорман, – деди Бозор. – Бозоркулман.

– Кимнинг ўғлисан?

– Алимқул бобонинг... отам қайтиш қилган... – деди Бозор кўркмасида, анг-танг бўлиб.

– Касбинг? Нима иш қиласан? Қачондан буён ишлайсан? Оиланг борми? Боланг-чи?

Одамнусха махлуқ саволларни қалаштириб ташлади, Бозор «барини эслаб қололмасман» деб ҳайиққан эди, йўқ, ҳартугул, сўроқ шиддатига ҳамоҳанг жавобни уддалади:

– Хлопзаводда ишлайман. Юкчимаан. Яқинда жойлашдим. Хотиним бор. Болам йўқ.

У жавобни ўринлатдим деб ўйлаганди, чамаси одамнусха махлуқ қоникмадими, қайта савол қотди:

– Заводга қачон жойлашдинг?

Бозор ўйга толди. Шу чоғ уйининг деразаси шарақлаб очилиб Шабнамнинг ҳавотирли овози эшитилди. Бозор «Жим тур!» – демоққа лаб жуфтлаганида тепада – шуъла сочаётган жисмининг гувиллаши тезлашди – рўпарасида муаллақ бўй чўзиб турган ножинс махлуқ арқон пиллапоядан кўтарилаётди: «Биз «Холис» сайёрасиданмиз. Саволга жавоб топиб кўйгин», деди мулойимлик билан...

Шуларнинг бари кўз очиб-юмгунчалик лаҳзада со-  
дир бўлди. Бозор эс-хушини йиғиб, олислашиб бораётган  
ёруғ шуъла изидан анграйди. Қишлоқ итлари безовта ув  
тортди. Бозор чўчиб уйғонган одамдек ҳовлиқаётганига  
қарамай ғалати мажолсизланиб бир-бир босиб ҳовлига  
кирди – ичкаридан югуриб чиқаётган Шабнам айвон  
остонасида эрини ағдариб юбораёзди.

– Ким, Бозор ака? Нима деяпти?! – хавотирланиб  
сўради Шабнам эрига ёпишиб.

– Учадиган одамлар!.. Учадиган!.. – Ҳаяжонини бо-  
солмай деди Бозор.

– Қанақа учадиган? Сизда нима юмуши боракан? –  
сўрайверди баттар таҳликага тушиб Шабнам.

– Деразани бекор очдинг-да, чўчитиб юбординг  
уни, – деди Бозор астойдил афсусланиб, – Ҳол-аҳвол  
сўради, холос... «Уچار баркаш» деган гап чикдию, ўша-  
лар!..

## 2

Эрталаб ҳовлига чикқан Шабнам кўчадаги ғала-  
говурга беихтиёр кулоқ солди.

– Ҳе-е, тунда ташқарилагандим, қарасам, манов Чу-  
чук момонинг уйи теппаси кундек яруғ!.. Ой қулаганми  
дедим!..

Шабнам инкиллаб бўлса-да, илдам юриб, дарво-  
за ёнига борди. У йўлакда туриб кўшни Фотма бийи-  
нинг ваҳима кўтаришига кулоқ солмоқчи эди – дарвоза  
тавақасини қандай очиб қандай кўчага чикқанини бил-  
май қолди.

– Кўзим минан кўрдим-а! Сўнг, ўша чироғ осмонга  
учди-ке-етди!.. Ўлай, агар...

Тўдалашган хотин-халаж, бола-бақра ҳайрат-тааж-  
жубларга тўла хитоблар билан кўчани бошига кўта-  
ришаётганида Фотма бийи тўсатдан тунги чирокни қай-  
тиб кўргандек бақириб юборди:

– Ана! Ана, айналайлар, манов келиннинг эри бор-ку,  
Бозоркул – ўша сўйлашди! Кўзим минан кўрдим-а! Ана,  
келин айтсин, келин!..

Тўдалашганлар гув этдию, шундайига ҳам ўнғайсиз-  
ланаётган Шабнам кўчкининг орасида қолди.

– Тўғри, – деди Шабнам дўнгдек қорнини кафтла-  
ри билан паналамоққа беҳуда уриниб, – у киши, ишдан  
келаётгандилар... Уйимиз ёни ёришиб кетди, кўзим  
қамашиб уйғондим... Деразадан қарасам, гаплашаяпти-  
лар... «Уچار баркаш» эмиш...

– Во-ой!..

– Тавба-а!

– Нимани гаплашибди Бозорвой?

– Улар нима дебди?

Шабнам эрининг «ваҳима кўтариб юрма, тагин» де-  
ганини эслаб гапни қисқа қилди:

– Ҳол-аҳвол сўрабди, холос...

Бировникида сичқон болаласа етти иклимга тар-  
қайдиган Пахтақайнардек қишлоққа «учар баркаш»  
кўнадию, ваҳима кўтармай бўладими! Келгиндилар ово-  
заси бола-бақра, хотин-халажни кўяверинг, нақ тўшакка  
қадалиб ётган чолу кампирларни ҳам оёққа турғазди.  
Пахтақайнар шов-шув, миш-мишга кўмилди: кимсан  
Бозоркул деганникига осмондан келгиндилар тушган-  
миш!.. Ҳол-аҳвол сўраганмиш!.. «Ёрдам берамиз» де-  
ганмиш!..

Чучук момо кун обдон ёйилганда янгиликдан дарак  
топди. У алпанг-талпанг югургилаб ўғлининг уйига ки-  
риб борди. «Ҳой-чи, ҳой, нима бўлли? Айт-чи, айт!» деб  
туриб олди. Тарашадек қотиб ухлаётган Бозор енгил-  
елпи жавоб билан қутулмади, охири момосини жеркиб  
ташлади.

– А-айт, нима худо урди сени? Бутун қишлоқ сени  
гапирёбди! – деди уввос солиб Чучук момо.

– Э, осмондан тушгичларга йўликдим!.. Ҳеч нарса  
демади... Қайтиб учиб кетди... – деди Бозор кўзини оч-  
май.

– Нимага тушибди? Нега сенга йўликади? – дея ижи-  
килади момо.

– Самолётида тушган... Тунда ёлғиз эдим... Шунга  
менга йўликқан-да... Боринг, ухлай!..

Ухлаш қаёқда! Овоза етти иклимга болалаб кетадию,  
Бозорбек жаноблари «қилгиликни қилиб қўйиб» хотир-

жам ухлайверадиларми?! Биринчилар қатори маҳаллий рўзнома муҳбири дарвоза қоқиб келди. «Ўғлингизни уйғотинг, энажон, эртанги газитга чиқарамиз», деди у Чучук момони тезлаб. Момо ўғлининг тепасига кириб чиккунича ҳовлида ёнбошига жомадоннусха халта осган ўспирин пайдо бўлди. «Радиодан эшиттирамиз», деди у ҳам ҳовликиб.

Бозор ортиқ ётолмади – турди, ювинди. «Шундоқ, шундоқ» дея бор гапни бўямай-бежамай айтди. Иккала муҳбир қанот қоқиб чиқиб кетди ҳовлидан. Савол-жавоб битгунича ҳовлига тумонат йиғилганди. Бозор лоф эмас, бир ўн беш дафъа қайтарди-ёв кўрган-нетганини!.. Шабнам шўрлик этакдаги уйга камалиб олди. Ҳовлида, дарвозахонада одам сийраклашадиганга ўхшамади. Кўчага мошин келиб тўхтади. Раисники экан. Шофири кириб, «Юр, ука, раис сўроқляпти», деди Бозорга. Ҳаётда раисга юзма-юз келмаган Бозорнинг капалаги учди – ичида нимадир «тирс» этиб узилгандек бўлди. Чикди. Мошинга минди. Хотини ҳамон ичкарида, кўчада момоси, кўни-кўшни чувиллаб чапак уриб қолишди.

Қабулхонадан ўтиб ўйма гулли эшикни очганида раис ўрнидан тура солиб Бозорга пешвоз чикди, у билан кўш кўллаб кўришди, невараси тенги йигитни юқорига чорлаб, «Айт, болам, бир бошдан айт!» деди сабри чидамай. Бозор аввалига айб иш қилган боладек тутилиб дудуқланди, сўнг, раис бованинг тагини хўл қилиб кўйган гўдакдек жавдираб ўтиришини кўриб дадиллашди. Кўрганларини бамайлихотир, оқизмай-томизмай баён этди. «Яна айт. Шошмай, бир бошдан айт», деди раис. Бозор айтди. Раис тафсилни иккинчи қайта тинглагач, «Ё, пирим!» деб туриб кетди. Хонани гир-гир айланди. Бир кўнгли Бозорни ёнидан жилдирмай олиб ўтирмоқчи эди, котиба эшикдан бош суқиб, «Сизди Раҳматов чақирбди. Шофири келли», деди Бозорга.

Раис кузатувида ҳовлига чиққан Бозорнинг кўзи Аминвой гуппига тушди. Гуппи гўё хориждан жаҳон мусобақасининг ғолиби бўлиб қайтган шогирдини кутиб олаётгандек Бозорнинг хумдек калласини бағрига босди, обдан омонлашди, раис билан сўнгра сўрашди. Бозорни қўлтиқлаб мошинга ёнма-ён ўтирди. «Астарок

хайда», деди у шофёрга катта йўлга чиқишгач. Мошин йўл ёқалаб йўрғалай бошлади. Аминвой гуппининг саволи – Бозорнинг ҳикояси тугай демасди, ниҳоят, гуппи, «Бирпас тўхтат», деди шофёрга. Шофёр жон-жон деб тўхтатди мошинни. Бозор қайта бошдан ҳикоя қилди, шофёрнинг саволлари ҳам жавобсиз колмади. Гуппи дам ишониб-дам ишонмай Бозорнинг елкасидан кўлини узмас, гоҳ кулиб-гоҳ жиддийлашиб бош чайқар, дилидагини тилига чиқаришга муносиб сўз тополмай мошинга сиғмай ўтирарди.

– Э, ўзинг покиза йигит экансан-е, Бозорвой, – деди тиржайиб гуппи. – Ўзиям, бекорга зовитга жойлаштирмадим-да, сени, акаси!.. Додинг худога етгани шу-да!.. Худонинг шахсан ўзи ҳолингдан хабар олгани одам жўнатибди-я!.. Авлиё экансан, Бозор!..

Раҳматов ташқарида экан – мошиннинг эшигини ўзи очди. Бозорни қарийб Аминвойнинг кучоғидан суғуриб олди. Қалтабақай кўлларини чўзиб Бозорни бағрига босмоқчи эди, қорни халал берди – худди жонли ўйинчоқ топиб олгандек йиғилган завод аҳли издиҳоми орасидан уни етаклаб қабулхонага бошлади.

– А, бу заводди тўхтатиб кўйдинг-ку, уккағар! – деди Раҳматов тилла тишларини чиройли йилтиратиб. – Эртадан бери ҳеч ким ишламаяпти. Бор гапми, ўзи? Қани, гулла, тезроқ!

Директорнинг қатида турган Фаол мошхўрдага қатик бўлди:

– Раҳматоб!.. Бозорбой ташқарида, жамоанинг ҳузурда ошқора айтгани дурустмиди...

Раҳматов Фаолга чапақай қараш қилдию, индамади. Унинг бўғзида қотган гапни хонада савлат тўкиб юринаётган Аминвой айтди:

– Жамоани кўйинг, Абдуфаол, – деди у беписандлик билан, сўнг овозини мулойимлаштириб Бозорга деди: – Айт, бошла, олдин ўзимиз эшитайлик!

Бозор айтди – бир бошдан, раисга айтгандек, халойиққа айтгандек сўзма-сўз такрорлади. Раҳматов ҳам, Фаол ҳам бақа бўлиб қолди. Бозор хонадан чиқаётганида ҳамон жойидан қимирламай ўтирган Раҳматов уни тўхтатди:

– Бозорбой! – деди у мерганқараш қилиб. – Кайфинг йўқмиди, ишқилиб? Тагин шармандамиз чиқиб юрмайлик, жиян!

– Йўғ-э! – деди Аминвой гуппи Бозор учун жавоб бериб. Сўнг масхаралаб ҳиринглади: – Бозорвой нимасига ичади, ака.

Фаол гуппининг киноясини тушунмай-нетмай унинг гапини маъқуллади:

– Бозорвой оғзига олмайдиган кадрларимиздан, Раҳматоб...

Раҳматов гўштдор жағини, юмалоқ қорнини силкилатиб мамнун кулди.

### 3

Бозорнинг ажабтовур ҳикоясини радиодан эшиттиришди, рўзномада сурати билан босишди – ҳафта-ўн кун на ҳушида, на уйқусида ҳаловат топди у. Бозорнинг номи пахтақайнарликлар оғзидан тушмади, ўша кунларда ўғил кўрганларнинг ярмидан ортиғи янги меҳмонга «Бозорбой» деб исм қўйди. Лекин айна терим палласи эмасми, одамлар яна пахтага чалғиди, миш-мишлар сўна бошлади. Фақат кўча-кўйда учраган таниш-билишлар Бозорвойга энди одатдагидан бўлакча қарашар, у билан фавқулудда сеҳрли одамдек муомала қилишарди. Завод ишчилари нари турсин, ҳатто Раҳматовдек зот ҳам у билан тўхтаб сўрашадиган, ўнақай келса, бирпас-яримпас суҳбатга тутадиган одат чиқарди. Бошқа бирон рўшноликдан дарак йўқ. Бозор ўша-ўша – гоҳ йўловчи тракторларда, гоҳ пахтазор оралаб завод билан уйи орасида пиёда қатнайверди. Учар махлукларни унутиб яна фикри хаёли, ташвиши хотинининг қадам олишига қараб қолган кунларда...

Бу сафар у пахтазор оралаб қайтаётганди, уйига етишига ярим чақирим қолганди чоғи – туйқус тепасида чакмоқ чакқандек нимадир қарсиллади. Бозор бош кўтариб қаради – ёруғнинг зўридан кўзини чирт юмди. Юмдию, нега, қандай куч таъсирида чўккалаб қолганини билолмай, гарангсиди – нукул кўркмаётганига тааж-жубланар, ҳайратининг тагига етолмасди. Шу пайт таниш овозни эшитди:

– Қачон жойлашдинг ишга?

Бозор сомеларча чўк тушган кўйи тепага қаради, арқон пиллапояга тармашиб турган баҳайбат одамнусхани кўриб унинг турқи тунов кундаги келгиндиниқига ўхшамаслигини пайқади. У махлукни бошдан-оёқ назардан ўтказмоқчи эди, негадир ғайришуурий бир алфозда шошилиб жавоб қилди:

– Уч ойю ўн кун бўлди.

– Яъни? – сўради келгинди.

– Июннинг йигирмасида.

– Бурун қаерда ишлар эдинг?

– Тракторчи эдим.

– Нега юкчиликка ўтдинг?

– Ўзим...

Бозор шундай дедию, тили тутилди.

– Сўзлайверсанг-чи? – деди махлук.

– Уйлангач... ўтдим, – деди Бозор.

– Нега Шабнамга уйландинг?

– ...

– Шу қизга уйланишдан бирор мўлжалинг бормиди?

– Й-йўқ...

– Уйланганлар пахта заводида ишлайдими? – сўрайверди махлук.

– Йўқ, мен... биз...

Юқорида муаллақ турган баркаш ғувуллади, бир оёғини арқон пиллапоядан узмай савол ёғдираётган махлук шошилди чоғи, бидирлади:

– Турмуши оғирлашганлар ишлайди, заводда. Шундайми? Сен қийналдингми? Тракторчилик ярамай қолдими? Энди дурустми ишинг?.. Дурустми, ишқилиб?..

Бозор саволларни илғаб олгунича қишлоқ томонда шовкин-сурон кўтарилди – хотин-халаж, бола-бақра дод солди, нималардир даранглади, итлар акиллади, сўнгги дақиқада одамнусха махлукнинг майин-мулойим оҳангда, «Омон бўл, Бозорбой» дегани қулоғига элас-элас чалинди. Бозор – у бош кўтариб нигоҳлари билан баркашни кузата олмади – ёруғдан қамашган кўзларини бир юмиб очганида қишлоқ томондан «Бозор!.. Бозор ака!.. Бо-зор а-ка!»лаб ҳаллослаб югуриб келаётган Шаб-

намнинг овозини таниди. «Югур-ма, Шабнам!.. Қўрқма! Қўрқма!» деб бақирди жон ҳолатда Бозор қад ростлаб, у қад ростлаб улгурмай хотини етиб келдию, ўзини эрининг устига ташлаб кучоқлаганича ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди.

Бозор дағ-дағ титраётган хотини билан етаклашиб йўл ёқасига чиққанида бир қатор тизилган кўни-кўшнилар ҳамон овози борича бақириб-чақирар, кўлига тушган нарсани бир-бирига уриб шовкин кўтаришарди. Бозор билан Шабнамнинг қораси кўрингач, тарақ-туруқ тинди, чувир-чувир бошланди, ҳар ёқдан саволлар ёғилди. Шабнам эрини биров тортиб оладигандек унинг биласига икки кўллаб тармашган, ҳамон қалтирар, қийналиб нафас олаётганига қарамай нукул, «Ҳеч нарса демабди!.. Гаплашмабди!» дер, эри учун жавоб бериб уни тортиб-сургаб уйга киришга ундар эди. Ўғлининг дамо-дам тўхтаб қолаётганини кўрган Чучук момо:

– Сен не ёмонлик қибсан уларга, ули-им?.. Кир, уйга-а! – деб зор қақшади.

Уйга киришгач, Шабнам эрининг ранг-рўйини кўриб багтар кўриб кетди, уни саволга тутди, «Кўрқяпман, Бозор ака, улар нега сизди сўроқ қиляпти?» деб йиғлади. Бозор рангида ранг қолмаган, қалт-қалт титраётган хотинини тинчлантирди. «Чўчиди, бирон қор-ҳол бўлмасайди!» деган хавотирда хотинининг қорнига дамбадам кўз ташлади, момоси кўллари қалтираб дераза қанотларини зичлаб ёпаётганини, ҳовли этагидаги уйига бормай айвонда чўк тушганча бир нималарни шивирлаётганини кўриб зўрма-зўраки кулди, «Кўйсанглар-чи, ҳеч гап йўқ. Тозза қизиқувчи экан учар махлук, нукул ҳол-аҳвол сўрайди-я!» деди ярим таажжуб, ярим ҳангома оҳангида.

Эртасига эрталаб газетчи бола келди, Бозорни йўқлади, Чучук момо уни совуқ қаршилади, «Кўй, улим, Бозор ухляпти», деди норозиланиб. «Яна учар келгиндиларга йўлиқибди, деб эшитдим» деди у хиралик қилиб. «Мен эшитмадим – биззи ўз ҳолимизга кўй», деди юзини терс буриб момо. Мухбир, «Келин-чи, келин – у ҳам кўрган эмиш», деб эзмалик қилаётганди, момо: «Э, кели-

ним касал, ўзи, зўрға юрибди!» деб қувиб солди. Мухбир кетди. Кейинидан раиснинг шофёри келди – момо уни изига қайтарди, аллақайтдан ўғлининг жўраси келди – унга ҳам ўзи жавоб қилиб юборди – «Ҳақ!» деб дарвоза ёнида тиззаларини кучоқлаб ўтирди.

Тушга яқин велосипед минган бола дарвоза ёнида айланиша бошлади, момо уни олдига солиб ҳайдамоқчи эди, бола, «Бозорбой акани Опа чақиряпти, шўрога. Тез борар экан», деб уловидан тушмай жўнаб қолди.

Бозорнинг энсаси қотса-да, иложсиз, борди. У қишлоқ шўросининг раисаси – Опанинги ёнида мелиса ўтирганини кўриб ортиқ ажабланмади ҳам. Опа билан мелиса обдан Бозорни кўкларга кўтаришди, Бозор туфайли Пахтақайнар қишлоғининг донғи дунёга таралганини оғзиларидан бол томиб изҳор қилишди. Ҳангома маромини туйқус мелиса бузди:

– Ука, дунёнинг ишларини тушуниб бўлмай қолди, – деди у қирра бурнининг учидаги терни артиб, қалам-дафтарини оларкан. – Ҳар қалай, бор гапларни хужжатлаштириб қўяйлик. Тағин бир ишқал бўб юрмасин...

Бозор ўйланиб қолди.

– Хизматчилик, ука...

Опа мелисанинги гапини маъқуллаб бош ирғади. Бозор дўриллаб ёд бўлиб кетган ҳикоясини бошлади. Икки оғиз айтиб улгурмай Опа унинг гапини бўлди:

– Аввалгисини эшитмаган одам қолмади, укажон, бу киши кечагисига қизиқяптилар.

Бозор шундагина ҳали ҳеч кимга учар баркаш қаердан келганини айтмаганини эслади.

– Ҳикоя қилиб жонимга тегдию, Опа, – деди у, – учиб келгичлар қаерлик эканини айтмабман.

– Қаерлик эди?! – Ҳайқириб юборди Опа кўзлари олайиб.

– Айтганмиди?! – сўради ҳовлиқиб мелиса.

– «Холис» сайёрасиданмиз» деганди... мутлақо ёдимдан кўтарилибди...

– «Холис» сайёрасидан?! – баравар сўради Опа билан мелиса. Сўнг Опа илова қилди: – «Холис» сайёраси қаттайкан?

Бозор бош чайқаб елкасини қисди.

Мелиса унинг айтганларини батафсил хатга битди. Шундан сўнг суҳбат кечаги ташриф тафсилотига кўчди.

– Ўша махлуқларнинг оёғи ерга тегдими? – сўради мелиса. – Бозордан «ҳа» жавобини олгач, худди кўз ўнгидаги жиноятчи қочиб кетаётгандек шошқалоқланди: – Шунисини айтмайсанми, ука! Тошини чамаладингми келгиндининг?

– Юз йигирма-юз ўттиздан ошмас! – деди Бозор.

– У ҳолда... оёғининг изини топсак бўлармикан?

– Йўқ, – деди Бозор бўшашиб, – пахтазорнинг қаеридан излаймиз, уни...

– Сиз тахминан кўрсатсангиз бас. Биз махсус изтопарларни чақиртирамиз. Келади, текширади. Тангадек из бўлса ҳам – топилади.

Бунга Бозорнинг ўзи ҳам қизиқди.

– Ўша жойни ўраб, текширилса-чи? – гапга аралашди Опа. – Зора топилса? Бутун дунё одамлари учун томошагоҳга айланарди-да, ўзиям!..

– Чикмаган жондан умид, – деди мелиса жонланиб. – Бу ёғи Бозорбойда қолган...

Шу пайт телефон чўзиб-чўзиб жиринглади. Опа истамайгина дастакни қулоғига яқинлаштирдию, сапчиб ўрнидан туриб кетди. Бети дам кизариб-дам оқариб кўйлак ёқаларини, сочларини тузатган бўлди. Телефондан овоз эшитилиши билан қуюқ саломлашди.

– Ҳозир шуни гаплашаётгандик. Ҳа-ҳа, – деди у хийла жиддий тортиб. – Марказдан... Милициядан ходим... Ҳа, шу ерда... Бозорбой ҳам шу ерда...

Чамаси Опа билан гаплашаётган киши Бозорни танимади шекилли, Опа, «Анув, учар махлуқлар билан учрашган йигитимиз-чи» деди. Сўнг Бозордан ҳозир эшитганларини чала-ярим ҳикоя қилди, пировардида, «Кеча келгиндилар кўнган жойда текшириш ўтказсак... Ҳа, ҳа, пахтазорни ўраб оламиз-да...» Опа шундай дедию, бирдан ранги гезариб кетди. Дами ичига тушиб, зумда бояги шашти-шиддатидан асар қолмади. Қўли бўшашиб дастакни қулоғидан узди. Эркак кишининг дарғазаб пўписаси эшитилди:

– Айни терим пайтида аҳолини чалғитасизларми?! Пахтазорни пайҳон қилиб-а?! Йўқ ердаги чўпчакка учиб ўтирибсиларми, кап-катта одамлар?!.

Дастак қулоғидан қисқа-қисқа садо келди. Опа нафаси ичига тушиб ўзини оромкурсига ташлади. Мелиса «нима гап, ким ўзи ҳайкирган?» дегандек дам Опага, дам Бозорга аланглади. Бозор «менга барибир» дегандек ғўдайиб ўтираверди. Жимликни Опа бузди:

– Оқсоқолнинг ёрдамчиси... Улар учун пахта теримидан муҳимроқ гап-сўз йўқ...

Мелиса «Ол-а» дегандек бош чайқади. Сўнг чора топгандек Опага қараб деди:

– Марказдан кўнғироқ қилдирсак-чи, Оқсоқол раҳбарларнинг раёини қайтаролмас, ахир?

Опа ҳафсаласизлик билан кулди.

– Қўйинг, – деди у пича дадилланиб, худди Оқсоқолнинг ёнини олаётгандек. – Теримга зиён етадиган жойда Оқсоқол ҳеч кимдан ҳайиқмайди...

#### 4

Босим ёмғир шаррос қуйиб теримчиларни уй-уйига қамади. Бозор уйда эканлигидан онаси ҳам, хотини ҳам хурсанд – оқшом жамулжам ўтиришганида Шабнам бир гапириб-ўн қулар, у туну кун, лаҳза сайин ортиб бораётган ваҳимасини ҳам унутган эди. Ундан кам ташвишланмаётган Чучук момо келинининг руҳи енгиллигини кўриб севинди, «соғ бўлмаса қулармиди», деб ичида худога шукрлар қилди.

Улар алламаҳалгача гурунглашиб ўтиришгандек эди, қутилмаганда Чучук момо кўзғалди, «борай, ётаман» деди. Ўғлининг, «Ўтиринг, она, ҳали барвақт-ку» деганига, «Сен уйда бўлсанг хавотиримиз йўқолади болам, уйимга бориб хотиржам ётай» деб жавоб қилди. «Ўрнингизни тўшаб берай, эна» деб ортидан эргашган келинни изига қайтарди: «Қоронғида юрманг, дейман-ку, болам, сиз эҳтиётингизни қилинг, ўрнимни ўзим эплайман».

Шабнам дастурхонни йиғиштириб ичкарига кирганида Бозор ўринга чўзилган эди. «Ҳа, куниминан



ухлаб уйкуга тўймадингизми?» – деди қув қараш қилиб хотини. «Йўқ, яна уйку босяпти», деди Бозор кўзини юмиб. Шабнам эшикни ёпди, дераза пардаларини туширди, сўнг энгил-бош илинадиган ишкоф рўпарасида чўнқайиб узоқ тимирскиланди. Эри – ухлаш қаёқда! – ўзини мудраётгандек кўрсатиб ётганини сезганди... Ўз навбатида Бозор ҳам хотини атайин ўзини банд қилиб кўрсатаётганини, у шу тахлит равиш қилаётганини фаҳмлаганди...

У аста ўрнидан турди-да, оёқ учида юриб келиб Шабнамнинг елкасидан кучди. Шабнам шундай бўлишини кутганди, кутса-да, ҳуркак оҳудек чўчиб тушди. «Вой! Мени ишдан қўйманг, Бозор ака!» деди шикоятмуз зорланиб – Бозор бунинг шикоят ёхуд норозиланиш эмаслигини яхши биларди – у қаллиғининг кулоғига, «Ётақол, Шабнам» деб шивирлади. «Йўқ, мен ҳали-вери ётмайман» деди Шабнам ҳам шивирлаб. «Ётмайсанми?» деб сўради ёлғон иддао аралаш Бозор. «Ётаверинг, юмушим бошимдан ошиб ётибди», деди Шабнам ҳамон аёлларга хос ясама қувликни бўшаширмай. Бозорнинг тоқати тоқ бўлди – «Юмушинг кўпми?.. Ётмайсанми? Ётмайсанми-а?» деб қайлиғининг бўйнига лабини босди, қўйиб юбормай унинг сочларини ҳидлади. Энди, «Кўйинг, қўйворинг» деб ўтирган Шабнам ҳам чидолмади – у даст ўгирилиб ўзини эрининг кучоғига... Шабнам ўзини эрининг кучоғига ташламаганига, улар бир-бирларига бундайин навозишлар қилишмаганига ҳам йиллар бўлгандек эди. Бундай сурурли-тогли дамларда Бозор билан Шабнамдан бахтиёрроқ одамлар бўлмас эди дунёда... Ташқари зулмат оғушида, ичкарида – нимкоронғи хонада табиатнинг бир жуфт эрка фарзанди маъсум ва масрур туйғулар гирдобига фарқ бўлгандан бўлар... Шабнам қачон, қай алфозда ўрнига ётиб қолганини сезмасди – кўзлари юмук, ихтиёрсиз, «қўйиб юборинг...» дерди, ҳозир ташқарида шивалаётган ёмғирдан-да майинроқ шивирлаб... Кўзлари сархуш юмилган Бозор томонидан ғайришуурий бир мақомда «қўйиб юбормайман» деган жавоб бўларди... Аслида дўрилдоқ овози шундай дамларда жуда майин-мулойим

эшитиларди Бозор акасининг. Бул жуфт вужуд ҳаводан-да энгил, шамолдан-да озодроқ хис қиларди ўзини... Энди ундай эркалалашлар-эркаланишлар йўқ, тўғрироғи, улар ўрнини гоҳ пинҳона, гоҳ ошқора «ох-у-уф»лар, ташвишли боқишлар эгаллаганди.

– Ухлаяпсизми? – сўради Шабнам эрининг тепасига келиб.

«Ухлаш қаёқда! Ухлаш қаёқда! Ухлаш!..» Бозор зўр бериб ўзини босди, хотинига оғир гапириб юбормаслик учун вазминликни йўқотмай кўзини очди.

– Ётақол, Шабнам... Дамингни ол, – деди меҳрибонлик билан. – Ётгин, мен чироқни ўчираман...

Бозор чироқни ўчириб келиб жойига ётди. Хотинининг кафтини сўлокмондек кафтлари орасига олиб силади, бармоқларини қисиб унга далда берди. Шабнам чуқур хўрсинди. Бозор унинг юз-кўзини, бўйнини силади, хотинининг юзи шишгани пайпаслаганда ҳам билинаётганидан кўнглига ваҳм тушди – Шабнамнинг пишиллаб нафас олишига кулоқ солиб, унга сездирмай хўрсинди.

– Ҳаммаси яхши бўлади, Шабнам... – деди.

Хотини индамади, эри ёнида эканидан хотиржамлик боис дарҳол кўзи илинган эди. Бозор уйку элитган Шабнамнинг корнини силаб-сийпалаб худога зорланди: «Ўзинг мадад бергин. Хотинимга раҳминг келсин. Ўзинг...» Шу пайт... хотиржамлаша бошлаган кўнглининг аллақерларига тўсатдан мубҳам бир хавотир кўлагаси куюқ соя ташлаб ўтди – Бозорнинг жисми-жони кулоққа айланди. Унинг кулоғига ёмғир шивир орасидан элас-элас бегона гувур садоси чалинди. Бозор чўчиб тушди. У ғайришуурий таҳликада хотинининг юз-кўзи аралаш кўрпа тортди. Сўнг нафас олмай, «чурк» этмай ётавермоқчи эди, ётаверса – ташқаридаги гувиллаш узоқлашадигандек эди назарида – кимир этмади, дам «менга шундай туюлдимикан?» деган ўйда янаям кулоғини динг қилди. Шунда дераза ойнаси чирсиллаб қандайдир босим зўридан синиб кетаёзди. Бозор сапчиб турмоқчи эди, ташқаридан келган овозни эшитиб бетини ёстикка босди.

– Турмуши оғирлашганлар ишлайди заводда, шундай-ми? Сен кийналдингми? Тракторчилик ярамай қолдими? Энди дурустми, ишинг?.. Дурустми, ишкилиб?..

Бозорнинг назарида оёқ-қўли музлаб қолгану фақат мияси ундан холи – бегона куч таъсирида жимирлаб ишлаётгандек эди. У тақдирга тан бергандек ошиқмай ўрнидан турди, ғимирлаб-пайпасланиб кийинди, Шабнамнинг эркаланиб, «Ки-им, Бозор ака?..» деганига тил учида, «Завуддан келишибди, мен ҳозир қайтаман», дедию, илдам ташқарилади.

Агар ҳовли, кўча кундек ёришиб турганида бунчалик ажабланмас эди Бозор. Аксинча – чор-атроф сим-сим зимистон эканини кўриб ҳайрон қолди. Шунга қарамай, дарвозани кия очиб кўчага чиқди. Чикдию, илк учрашувда тўқнаш келган дароз келгиндининг кумушдек оқ шарпасига кўзи тушди, ундан икки-уч одим нарида хийла пастрок, хипча бел, хушқомат яна бир одамсимон махлук турарди.

– Жавоб беравер, – деди «таниш» келгинди Бозор кўринган заҳоти.

Бозор теварак-атрофга, юқорига аланглади, учар баркашнинг қораси кўринмаганига тушунолмади, иккала келгиндини саросар кўздан ўткази туриб, боягина тўшакда ётган чоғидагидек вужудига титроқ югурди, бироқ у титрай бошлаганини англаб улгурмай қалтироғи босилиб, беихтиёр жавоб беришга киришди:

– Ҳа, турмушим оғирлашганди... Тракторчилик сабилнинг тушуми оз... Завуддан ҳам ҳали-вери барака бўладиганмас...

– Заводга кимнинг кўмаги билан жойлашдинг?

– Аминвой акамнинг...

– У – ким орқали?

– Бўласи завудда ҳисобчи...

– Қачон барака бўлади, Бозорқул? – сўроққа қўшилди хушқомат махлук.

Бозор унинг кўзи ўрнидаги мунчоқдек тешикчаларга, сўнг ярқираб кўринаётган тангадек қулоқларига разм солди. «Аёл киши», деган ўй кечди хаёлидан.

Сўнг:

– Билмадим, дарак йўқ, – деди у умидсизланиб.

Анчагина тепадан – қоронғилик қаъридан таниш ғувиллаш эшитилди. Келгиндилар жўнаб қолишини билган Бозор шошилинича уларга савол қотди. Аёл махлук узун, хушбичим оёқларини пиллапояга бир-бир қўйиб юқорилагунича унинг дароз шериги гўё Бозорнинг саволини эшитмагандек, шунчаки гапираётган оҳангда гўлдиради:

– Бизлар – «Холис» сайёрасиданмиз!.. «Холис» сайёрасиданмиз!.. Мақсадимиз – сизларга ёрдам... Мақсадимиз – ёрдам... Мақсадимиз...

Зум ўтмай келгиндилар ташрифидан дарак берувчи аломатлардан асар ҳам қолмади – на шарпа, на самовий товушлар... Бозор мажхул бир кайфиятда юриб бўғот панасига ўтди – у шу чокқача ёмғир остида бош яланг, юпун турганига, хийла ивиганига қарамай на ёмғирни, на-да этни жунжиктирадиган совукни сезганига ҳайрон бўлди. «Холис» сайёраси қаерда экан?» деб хаёлланди, ўйлаб ўйига етолмади. Шунда бирдан ташриф буюрувчилар бу сафар дабдабаю-асасасиз – чироғини ёқмай келганини эслаб севинди. Бозор эл-юрт орасида гап-сўзлар кўпайишидан юраги безиллаб қолганди...

## 5

«Қачон барака бўлади?» деб сўради-я!.. Ачиниб, худди ҳамдардлик изҳор қилаётгандек сўради... Ердами, «Холис» сайёрасидами, қаерлик эканидан қатъи назар, аёл аёл-да!.. Кўнгли бўш бўлади... Саволни эшитиб Бозор ялтоқланди, ўзининг бечораҳоллигини намоиш қилмоқчидек умидсизланиб, мискин бир оҳангда жавоб қайтарди. Не муддаода «Билмадим, дарак йўқ» деди? Ёки шундай деса ўша махлуқлар «Ол, Бозорбой, бундай одамга ўхшаб яшагин» деб ярим қоп тилла-пилла ташлаб кетади деб ўйладими? Ундай деса «Мақсадимиз – сизларга ёрдам», деб қуруқ такрорлагани-такрорлаган, нақдидан эса дарак йўқ.

Бозор неча кунгача шу хаёлда юрди. Баъзан хаёл олиб қочганда кўнглига қил сиғмас, ёлғиз қолгиси, ба-шарти учар мавжудотлар яна келгудай бўлса, улардан талай нарсаларни сўраб олишни кўнглига тугар, бу ёқда

бирортаси билан ўйларини дардлашишга иккиланар, шунда у жилла курса Аминвой акага бориб маслаҳат солишни кўнглига тугди, тугдию, ниятидан қайтди, ўтган сафарги ташрифлар овозаси энди-энди сусайган – кейинги ташрифни ҳеч ким сезмагани ғалати бўлди-да! – шу боис Бозорбойнинг ўзи гап болалаб кетишидан эҳтиётланиб юрарди. Фақат у бир-икки одамдан гурунг асносида «Холис» сайёрасини суриштирди. Ҳеч ким уни билмади – елка қисиб кўя қолишди.

...Оқшом завод дарвозаси ёнида бош ҳисобчи Давлатовга дуч келганида хаёлида шундай ўйлар бормиди-йўқми – эслолмади. Давлатов унча-бунча одам билан саломлашмас, ҳатто бутун кишлокда шунча шов-шув қахрамони бўлган Бозорнинг саломига ҳам оғрингандай бош ирғаб ўтиб кетарди. Бозор дуч келганда Давлатовнинг салобати босаётганини сезса-да, ўзини ата-йин дадил тутишга уринар, ҳатто эпини қилса унга беписанд – тил учида салом беришга уринарди.

Бу сафар Бозорнинг товуши чикмади, бош ирғади, холос. Гўё Бозор – заводнинг бош ҳисобчисю, Давлатов – оддий қора ишчи!.. Бироқ қутилмаганда Давлатов мутлақо ўзга мақомда алик олди. У юм-юмалок, семиз афтини ёнбошга кийшайтириб Бозорга ғилай қараш қилди, ҳатто Бозор томон бир-икки қадам юрди ҳам. Бозор шундагина хушини йиғди, кимга (Аминвой гуппининг бўласи-я!) беписанд-беътибор қараётганини, кимсан Давлатовдек зоти олийга бетакаллуфлик қилаётганини пайқаб қолди ва илдам қадам ташлаб унга пешвоз чикди. Кўришиш учун қўл чўзиш-чўзмаслигини билолмай талмовсиради. Шунда Давлатов калта, йўғон қўлини чўзиб унинг билагидан тутиб четга тортди. Бозор «Бош ҳисобчининг менда қандай гапи бўлиши мумкин?» – деб ўйлай бошламасидан Давлатов тўсатдан сўради:

– Уккағар, анавилар келяптими?

У шундай деб юзига қўшилиб кетган даҳани билан кишибилмас осмонга ишора қилди. Бозор дабдурустдан муддаони тушунмади. Бош ҳисобчига саволомуз чимирлиди.

– Келгиндиларингни сўраяпман? – деди Давлатов пишиллаб, зарда аралаш.

Бозор «келгиндиларингни» деган сўзни эшитиб кулиб юборди – Давлатов кулмади. У худди бесўнақай корни билан деворга қапиштириб қўймоқчидек Бозорга яқин келди, бироқ корни Бозорга тегиб қолганидан унинг қулоғига энгаша олмади.

– Қизиталоклар қанақа гаплашади? Одамга ўхшаганми, ўзи, уларинг?

Бозор кулимсиради – Давлатов кулимсирамади. Аксинча, у шу чокқача қўл бериб кўришишни ўзига эп кўрмаган боланинг кулиб-кулиб тушунтиришларини жон қулоғи билан тинглади. Бозор гапира туриб, «Учар одамлар жуда мулойим, нуқул хол-аҳвол сўрайди», деб икки-уч такрорлагани сайин, айниқса эмин-эркин, гўё латифа айтаётгандай гапиргани сайин Давлатов эркинрок нафас ола бошлади, бетига қон югуриб Бозорбойнинг билагини қўйиб юборди – ўзининг кимлигини тўсатдан эслаб қолгандек жиддий тортди, «Ҳай, шайтон!» деб Бозорга ишшайди-да: «Майли, боравур, бор», деб кўчага чиқиб кетди. Бироқ ҳамма унутаёзган ҳодисага Давлатов не боисдан қизиқиб қолганини, ҳатто Бозорбойни махсус тўхтатиб сўроққа тутганини, Бозорнинг гапини тинглай туриб неча турфа товланганини, хусусан, хайрлашаётиб аянчдан ишшайганини – ҳа-ҳа, «Ҳай, шайтон!» деган ҳазиломуз сўз оғзидан қандайдир бир азоб-уқубат билан чикди, ўша уқубат таъсирида Давлатов илжаймади, тиржаймади, балки ишшайди – аянчли ишшайди ва ноиложликдан, бола олдида ночор кўринишни ўзига эп билмаганидангина, «Майли, боравур, бор» дея олди. Ахир Бозор атайин ўйлаб, муҳокама қилиб шундай хулосага келгани йўқ, балки хў-ў шом қоронғисидан, ғарам тепасидан пахта зичлаётиб кимдир орқадан – овлоқ томондан «Бозор!.. Бозорқул!» деб овоз берганида – овоз эшитилган замони беихтиёр фаҳмлаб етди! Фаҳмлаб улгурмай яна беихтиёр оғзидан «Давлатовми?!» деган хитоб отилиб чикди, чикдию, бояги суҳбат асносида бош ҳисобчининг башараси бир неча бор докадек оқариб кетгани кўз ўнгида суратланди.

Бозор ғарам ёқасига яқинлашиб энкайди, «Шу пайтда Давлатов завудга келармиди, келса орқадан чақирармиди!» деган ўйда бўйнини чўзиб, «Ким?» деб кичкирди. Ҳарчанд уринмасин қоронғида ғарам пойида биқиниб-пусиб турган кўлагани таниёлмади.

– Туш, Бозор!.. Туш! – деди овоз эгаси.

«Давлатов!» деб юборди Бозор ва бирдан шошиб қолди – кўлидаги паншахасини улоқтирганича юқорига пахта чиқараётган лентали кўтарма краннинг тумшуғига тармашиб пастлади. Лапанглаганча югуриб орқага ўтди. Кўлагага яқинлашаётиб Давлатовнинг товуши қалтираб-хавотирли эшитилганига эътибор қилди.

– Ҳа, ака? – деди у гўё кўлаганинг хаёти хавф остида қолгану, уни халос этмоқ қасдида важоҳат билан югуриб бориб.

Давлатов «ҳеч ким кўрмаяптимики», деган ҳадикда ён-атрофга аланглаб олди-да, Бозорга қаттиқ тикилди.

– «Учар баркаш» деганинг бор гапми ёки майнавозчиликми?! – сўради у дўк уриб.

Бозор бош ҳисобчининг бемаврид пўписасини тушунолмайд елка қисди. Сўнг Давлатов бошини елкасига қийшайтириб кўзини лўк қилиб дўлайишини кўриб жавоб берди:

– Бор гап, ака... Нимаиди, тинчликми?!

– Дўриллама!..

– Дўриллаётганим йўқ – овозим шундай.

– Нияти нима уларнинг? Ер юзида Пахтақайнардан бўлак жой қуриб кетганми, шетга тушмаса?!

– Билмасам, – деди Бозор зўрма-зўраки қулимсираб.

– Менга кара! – деди Давлатов Бозорни еб юборгудай ўқрайиб. Бозор ҳисобчининг зимистонда чақнаб турган кўзидан, дам-бадам чўғдек йилтираётган тилла тишидан нигоҳини узиб ерга қаради. Давлатов дўк ураётган эса-да, унинг вужуди қандайдир хавотирдан тўкилай-тўкилай деяётганини пайқади. Хавотирли қалтироқ бош ҳисобчининг овозига ҳам кўчди: – Чиндан билмайсанми?

– Чиндан, – деди Бозор Давлатовнинг афтига тик қараб.

– Чинингми?!

– Чиним...

– Шунча ҳангамалашиб, сўрамадингми, уққағардан?!

Бозор атрофни гулдиратиб қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишдан ўзини базўр тийди. «Давлатов мастмикан?» деган шубҳага бордию, ичкиликнинг бадбўй иси келмаётганини сезиб ҳайрат-таажжуб аралаш ўзини босди. Ва бош ҳисобчининг иддао оҳангига тамомила зид мақомда гапирди:

– Қандай ҳангамани айтяпсиз, ака? Улар нукул сўрайди... Сўрагани-сўраган...

Давлатов жим туриб қолганини кўрган Бозор ўнғайсизликдан кутулиш учунгина илова қилди:

– Боя ҳам айтдим-ку, шуни...

Бозор гапини тугатиб улгурмай Давлатовнинг айикдай гавдаси тулкиникидай бўлиб қолди. Ичидан ҳаво чиқиб кетган пуфақдек бўшашиб ҳам ҳадик, ҳам пўписа аралаш пишиллади:

– Гап – орамизда, бола!.. Учинчи бир итнинг қулоғига етгудай бўлса мана шу ғарамга тириклайин бостириб юбораман. Тушундингми?!

Бозор орқага тисланди. У Давлатовни бу қадар увол ва бечора аҳволда кўришни хаёлига келтирмаган, хусусан шундай абгор ҳолатда уни бир туртиб ағдаришга кўзи етса-да, бош ҳисобчининг ҳуши ўзида эмаслигига ишонч ҳосил қилиб, эҳтиётини кўрди. Давлатов унинг энгига тармашди ва ўзига томон тортди. Ва фавқулодда товуши мулоқимлашди:

– Кеча тунда ташқарилагандим. Ҳовли бурчагига борсам иккита одамбашара махлук! Теракдай-теракдай!.. Афт-башараси кўринмади!.. – Давлатов шундай деб туриб худди ҳаво етишмагандай оғзини катта-катта очиб нафас олди, сўнг ўзига анграйиб турган Бозорга жавдираб тикилганча гапида давом этди: – Эсим оғиб қолай деди, Бозор!.. Ғўлдираб, овозим чиқмаса де!.. Кейин, бирдан худо мадад бердим, тўсатдан ботирландим, чўчимай-нетмай тиккасига боравурдим. Бирови гапга тутди!..

– Йўғ-э! – деб юборди Бозор баралла.

– Ўл, йўғ-э! – сўкинди Давлатов оғзидан тупук сачратиб. – Оёғинг ёкмади, бола! Бу келгиндиларинг бир ғалвани бошламасайди, деб кўрқаман.

– Нима, бирон зиён етказдимиз?! – норозиланиб сўради Бозор.

– Йўқ. Зиён етказмади.

– Хавотирланманг, ака. Учиб келгичлар мутлақо бе-зиён. Важажанинг маърузасини эшитганман. Улар ерга фақат яхши ниятда келади.

– Важажанг ким?

– Билмайман... бу ерлик эмас, аллакатлик олим...

– Сендан ҳам заводни сўраганмиди?

– Бола-чақани, оиламни ҳам суриштирган.

– Мендан ҳам... нукул заводдан айлантиравурди...

– Сиз минан мендан завудни сўрайди-да!.. Кўйчивондан – сурувни, боғбондан – мева-чевани суриштиради. Сўрагани – сўраган!..

– Падарига кусур-э!.. Кулоғингда бўлсин, ука, гап – ўртамизда! Бирон ишқал чикса – тайсалламай етказ менга. Уқдингми?!

Бозор саросимага тушган бош ҳисобчини тинчлантиришга уринди.

– Хотиржам бўлинг, ака, келса икки-уч келади, кейин йўқолиб кетади.

Давлатов нечоғли тинчланди – Бозорга қоронғи эди, у зулмат қаърида лапанглаб ғойиб бўлаётган бош ҳисобчининг орқасидан разм солиб турди-да, негадир кўнгли номаълум бир хавотирни туйиб, қаттиқ энтикди...

## 6

Бозорнинг эти жунжикди. Бу овлоқ ва пастқам жойда кўпдан буён ёлғиз тургану, шуни туйқус сезиб қолган одамдек ўзи сезмаган, ақл-идрокидан йироқ бир ҳадикнингми, ҳадик шарпасинингми таъсирида ён-верига аланглади – худди ўзини таъқиб этувчилар назаридан холи қолмоқчидек бошини елкалари орасига тортиб энқайганича келган изига югурди – то уч каватли уйдек баландликдаги пахта ғарамининг тепасига чиқиб

олгунича юраги така-пука бўлди – хаёли минг ёққа қочди. У Давлатов ҳақида, унинг айтганлари ҳақида ўйламасликка уринди, ишга чалғимоқчи – жаҳд билан пахтани ғарамга босишга киришмоқчи эди – паншахасини қолдирган жойни чамалаб аланглаётган пайт пахта узатаётган лентали краннинг нимасидир қарсиллаб синди, узатгич-лента «варр-варр»лаб юқорига лахта-лахта пахта сочди-да, айланишдан тўхтади. Бозор ёйиб, зичлаб улгурмаган пахта уюлиб кетгани боис кран тўхтаганига севинди ва ғарам ёқасига бориб, «Нарзикул амак!» деб шеригини чақирди. Қоронғида Нарзикул амакининг «Ҳозир!» дегани эшитилди. Бозор дадилланиш ниятида шекилли, паншахани каптарвознинг матрапидек боши узра айлантирди, икки-уч кур айлантиргач, паншахани пахта уюмига санчди, санчдию, иш билан ўзини чалғита олмаётганига кўзи етгандек оғзига келган кўшиқни чалакам-чатти хиргойи қила бошлади. Бошладию... икки терак бўйи тепаликда таниш гувурни эшитди. Бозор шу заҳоти, заррача ўйламай-нетмай оёғини жуфтлаб туриб тепкиланмаган пахта уюмига сакради – бўйчан ва залворли гавдаси ботиб белигача, сўнг ҳикилдоғигача пахтага ғарк бўлди. Димиқиб қолмай деган хавотирда қўлоёқларини ёйди, бетига сиқимлаб пахта ташлаб ўзини кўмди. Паналаниб улгурганмиди-йўқмиди – шундок манглайининг рўпарасида тумшуғи қайрилма пўлат поёбзал кийган оёқни кўрди. Бозор дамани чиқармади. «Миямни мажақлаб ташламаса бўлгани!» деб кўнглидан кечирди. Шу алфозда пўлат оёқ пахтага – тагин тепиб-зичланмаган пахта уюмига ботиб кетмаётганига ажабланди. Бир замон қўлтиғида нимадир ғимирлади, Бозор эс-хушини йиғиб улгурмай – ўша ғимирлаган нарса уни даст кўтарди – Бозор бесўнақай гавдасининг оғирлигини ҳис қилмай қолди – фазогирлардай учи-иб ғарам юзасида пайдо бўлди.

– Бунча қаттиқ ишламасанг? – сўради темир ниқобли махлуқ.

– Ишш... мен... – дудуқланди Бозор.

– Димиқиб қолмайсанми, бу аҳволда? – яна сўради келгинди.

Бозор дағ-дағ қалтираётганидан тили калимага келмади. Одамнуса мавжудот буни тўсатдан пайқаб, тепага – қоронғилик томон қараб кулди – кулгиси аллақандай ёқимли мусикадай эшитилди. Шарпаси элас-элас сезилаётган учар баркаш томонда бир гала қуш учиб ўтгандек бўлди – Бозорнинг қалтираши таққа тўхтади, бирдан хотиржам тортиб кўрқув ҳиссини унутди, учар махлук қолиб унинг ўзи савол ёғдира кетди:

– Бошқаларниқига ҳам тушяпсизларми? Қачонгача тушасизлар? Давлатовни хавотирга қўйибсизлар-да? Сизларни асли нималар кизиктиради, ўзи?

Бозорнинг шу топда оғзига кучи етмай ёғдираётган саволлари келгинди жондорлар учун жавоб ўрнида ўтаётганига унинг фаҳми етмаётган эди. Агар улар индамаса Бозор яна қанча қовун туширарди – ноаён, ҳар қалай у хушқомат келгиндининг мурожаатини дарҳол фаҳхламади:

– Бозорқул Алимқул ўғли! – деб иккинчи бор такрорлади хушқомат келгинди.

Бозор жим бўлди. Қатор-қатор саволларига келгиндилар пинак бузмай тошдек қотиб туриши, бу етмагандай яна гап очаётгани унинг ғашини келтирди, бироқ у алжирашдан тўхтаган эди.

– Эслаб кўр-чи, тракторчилик қилаётганингда Оқсоқолнинг топшиғирини бажарганмисан?

Бозор хушқомат келгиндининг оғзидан Оқсоқолнинг номини эшитиб лол бўлиб қолди. У хипча белли махлукнинг ҳиссиз, мазмунсиз мунчоқ кўзларига тик қарашга уринди – уддалай олмади. Дароз махлук саволни такрорлади:

– Оқсоқолнинг топшириғини бажарганмисан?

Бозор гапини йўқотиб қўйди, сўнг дадиллашди ва:

– Йўк, – деди қисқа қилиб.

– Яхшилаб ўйлаб кўряпсанми? – деди хипча белли келгинди унга ҳамдардлик билдираётгандек майин овозда.

Бозор шу пайтгача Оқсоқолнинг юз-кўзини кўрмаган эди, у билан гаплашиш эмас, э-э, Бозорбойдек бўз йигитлар учун Оқсоқолдан лоақал бирон юмуш юзаси-

дан топшириқ олишнинг ўзи арши аълодаги саодат-ку, ахир!... Шундай экан, Бозор нега ўйланади, нимасини хаёл қилади, «Йўк» деб қутулмайдими... у эса худди «Оқсоқолдан топшириқ олган бўлишим ҳам мумкин, қани, хотирлаб кўрайчи» деган қабилда ўйга толди. Шу чоғ ғарам киргоғига қўйилган нарвон тепасида Нарзиқул кўринди. У ғарам устига чиқиб икки қадам босдию, эхонаси чиқиб кетди!

– Дод! Вой, дод! – деганча чаппарости ағдарилиб ғарам ёқасига бориб қолди. «Ҳозир йиқилиб, ўлади!»– деган ўй Бозорнинг хаёлини чақмоқдек тилиб ўтди. Ўтдию, хушқомат махлук шошилмай-нетмай қўл чўзиб амакини осонгина тутиб қолди. «Бир ўлимдан сақлади!» деб кўнглидан ўтказди Бозор. Дароз бўйли махлук тепага қараб кулимсиради – шунда Бозор унинг қарийб елкаси-кифти кенглигидаги йўғон бўйни мойсираган ошиқ-мошиқдай сезилар-сезилмас ғичирлаганини аниқ эшитди, қоронғилик қаъридан қушлар галаси учиб ўтгандек бўлди – Нарзиқул тинчланди. Унинг ҳарс-ҳарс нафас олиши эшитиларди, холос.

– Бозор... Бозор... – деди у димиқиб ўлаётган одамдек алаҳсираб.

Лекин Бозор алай-балай деб улгурмай Нарзиқулнинг ўзи сўроққа тутилди.

– Сен кимсан? – сўради дароз келгинди.

– Мен... Нарзиқул...

– Кимнинг ўғлисан?

– Отам... Қодирқул... ёши саксонда... пронтовой...

– Оиланг?

– Бор...

– Болаларинг?

– Бор...

– Нечта?

– Ўн икки...

– Маошинг?

– Икки юз... га учма-уч...

– Ўн беш оғизни шу ҳисобдан боқасанми?

– Яқинда киз чиқардим! – деб юборди Нарзиқул.

– Тўйни қайси сармоядан қилдинг? – сўради дароз махлук.

Бозор сўроқ бу қадар чўзилганига ажабланди, «Тўйни айтишга бало борми?» деб ичида жеркинди.

– Бу кишининг жавобини тафтиш қиляпсизми? – меҳрибонлик билан сўради нозик қоматли махлуқ.

Бозорнинг дами ичига, ўзи пахтанинг орасига тушиб кетди. Бу орада Нарзиқул амаки яна қовун туширди:

– Невара тўйиними? – деб, келгиндилар сўрамаган нарсани гуллади.

Бозор бетини пахтага босиб «Алжимамай ўл!» деб ичида сўкинди, бошини кўтариб хипча бел махлуқнинг тепага қараб кулимсираганини кўрди – у гап нимада эканлигини англаб етмай юқоридан мусика оҳанги қуйилди ва Бозор қалт-қалт титрай бошлади – нафаси бўғзига тикилиб, тушида аждаҳога рўпара келган гўдакдек босинқираб қўл-оёғини кўтариб ташлади. Шайтонлаб қолди. Тутқаноқ тутгандек типирчилаб, кўзи олайиб оғзи кўпирди. Хушқомат махлуқ уни бир зум кузатиб турдида, бетини осмонга қаратиб боягиндай кулимсиради – Бозор шу заҳоти тинчланди. Тутқаноғи тинган бемордек мадорсизланиб юзтубан чўзилди.

– Сармойани қайдан олгансиз?

Нарзиқул Бозорнинг талвасасини бепарво кузатганича саволни тушунмай, анграйди.

– Нарзиқул Қодирқул ўғли! – чақирди дароз махлуқ.

Нарзиқул шамдек қотиб тураверди.

– Нарзиқул Қодирқул ўғли! – яна чақирди махлуқ.

Бу сафарги чақириқдан сўнггина Нарзиқул амаки бирдан жон кирган тентакдек оғзига келганини алжишга тушди:

– Ўлимдан хабарим бор, бундам хабарим йўқ!.. Йўқ!.. Худо урсин, сармоя нимаиканини билмайман!.. Жўжабирдай жонман! Жўжабирдай!.. Менга раҳмингиз келсин!.. Яқинда ўғлимни уйлайман... Раҳмингиз кел...

– Яхшилаб ўйлабоқ?.. Яхшилаб ўйлабоқ?.. Яхшилаб...

Бозор жанг майдонида жон берган ясовулдек кимир этмай ётаверди. Нарзиқул амаки хўнграб юборди. Эмак-лаб келиб уввос тортганча ўзини Бозорнинг устига ташлади. Шу пайт нарвондан ҳовликиб кўтарилган қўлага заводни бошига кўтариб дод солди:

– Мана!.. Ана!.. Ўлдириб кетибди!.. Ўлдирибди!..

Нарзиқул сапчиб бош кўтарди, чўк тушган кўйи тиззасига муштлади:

– Менимас, Бозорни ўлдирди!.. Бозорнинг жонини обкетди-и!..

Нарвондан кетма-кет икки-уч киши кўтарилди.

– Самолётини кўрдим! Ўз кўзимминан кўрдим!.. Ҳо-ов, тепада қотиб турди!.. Думалоқ!.. Чироғи юлдузга ўхшаш!.. Ўллаай агар, кўрдим!..

Ҳамон ҳолдан тойиб дод-войга бепарво қулоқ солиб ётган Бозорга жон кирди. У ярим қадам наригача эмак-лади, сўнг карахтланиб базўр қад ростладию, чайқалиб кетди. Нарзиқул амаки дўриллаб хўнграб юборди. Унинг дўриллашини туйқус гувиллаб ҳаракатга тушган краннинг шовқини босиб кетди...

## 7

Пахта заводи бўри оралаган қўтонга айланди. Ит – эгасини, мушук – бекасини танисмай қолди. «Милиция», «Тез ёрдам» мошинлари изма-из етиб келди. Раҳматов, унинг муовини, Фаол ҳам пайдо бўлишди – улар ҳарчанд дўқ-пўписа қилмасин, одамларга қор қилмади – завод ишдан тўхтади.

«Тез ёрдам» касалхонага етиб бора-боргунича Бозор Нарзиқул амакининг довдир-совдир алаҳлашига дам кулиб, дам жиддий тортиб қараб келди. Амаки нуқул «Тавба қиллим... тавба қиллим» дер, на Бозорни, на ҳамшира жувонни танисмай бошини кафтлари орасига олиб қисар, кўз очиб атрофга қарашга юраги бетламас, дам-бадам сапчиб туриб худди ғарқ бўлаётган одамдек Бозорнинг қўлларига, тиззаларига тармашарди.

Уларни шинамгина, кимсасиз тўрт ўринли палатага ётқизишди. Тўғрироғи, Бозор ўз оёғи билан юриб кирди, у не боисдан «Тез ёрдам»га минганини, не боисдан палатага кириб каравотга чўзилганини мулоҳаза қилиб кўрмади. У мулоҳаза қиладиган аҳволда эмасди. Нарзиқул амакини эса замбилда кўтариб обкелишди, каравотга ётқизишди, оқ халатлилар югур-югурга тушди...

Шундагина Бозор не кўз билан кўрсинки, палата эшиги ёнида ёшгина мелиса йигит курси кўйиб ўтирибди!..

– Ҳа, жўра, – деди Бозор ярим таажжуб, ярим хавотир аралаш, – тинчликми?

Мелиса йигит пинагини бузмади. У Бозорга синчков кўз югуртирди-да, унинг афтида касаллик аломатини тополмай дадилланди шекилли:

– Сизлар тинч ётсангизлар, ўшанда тинчлик бўлади, – деди жиддий бир кийёфада.

– Мен касал эмасман... бу ерда қололмайман ҳам.

Можарони эшитган кўзойнакли шифокор Бозорга ёнбош келди-да, овозини пасайтириб уни юпантирди:

– Тинчланинг, ука. Асабларингиз чарчаган. Ҳали ёш экансиз...

Бозор бу гапларга эътибор бермади.

– Ахир мен... – деб эътироз билдира бошладию, хотинини эслади – юраги орқага тортиб кетди. – Ахир хотинимнинг ой-куни яқин, бир нарса бўб қолса...

Кўзойнакли шифокор унинг эътирозига кулоқ солмади, у «жим» ишорасида кўрсаткич бармоғини лабларига кўндаланг қўйди-да:

– Лоақал ҳамроҳингиз учун ёта турасиз... Кўряпсизу, алаҳлаганда ҳам фақат сизни йўқляти, – деди шипшиб. Пировардида Бозорни тинчлантирди: – Хотинингиз ой-куни яқин бўлса, унинг ташвишини биз қиламиз – сиз эмас...

Кўзойнакли шифокор Бозорнинг кўзига кадрдонидек кўриниб кетди – «унинг ташвишини биз қиламиз» дегани кўнглига малҳамдек ёқди – бир оз тинчланди, сўнг ўзини юпантиришга ўтди... «Уч ойдан буён туғилмаётган бола шу бугун қисталанг кип қолмас. Онам қўшниларни чақирар, ахир» деди, шу хаёлда кўзойнакли шифокорга маслаҳат солмаганига афсусланди. «Анча тажрибали кўринади... Ой-кунидан уч ой ўтса ҳам дард тутмаётгани сабабини билса керак?..» Бироқ Бозор ўйини ўйлаунича палата ўртасида сўппайиб ёлғиз ўзи қолди... эшик беркилди, ташқари жимжит, фақат чалқанча ётган Нарзикул амакининг хурраги тинчликни бузаётган эди...

Тонга яқин эшик ортида гўнғир-гўнғир эшитилди. Ухлаб ухламаган, бедор бўлиб кўзини очолмаган Бо-

зор қулоғини динг қилди – мелиса билан гаплашаётган Фаолнинг овозини таниди – жим ётаверди. Орадани сал фурсат ўтмай эшик очилиб тирқишдан ҳамширанинг оқ халати, сўнг Раҳматовнинг сергўшт афти кўринди – у дам Бозорга, дам ухлаётган Нарзикул амакига шошиб-олайиб кўз югуртирди-да, бош чайқаб нари кетди. Бозор ирғиб туриб, эшикка югуриб келди.

– Раҳматов ака, бизнинг уйдагилар тинчми?.. Келинингиз...

Эшик Бозорнинг бетига ёпилди. Йўлақдан Раҳматовнингми, Фаолнингми – «Тинч, Бозор, ҳаммаси тинч», дегани эшитилди.

Тонг бўзара бошлаганда эшик оғаси бўлмиш мелиса йигит ширин уйку элитган Бозорни аста туртиб уйғотди. Ташқарига имлади. Бозор унинг изидан йўлакка чикди.

– Еттинчи палатага киринг, – деди мелиса уйкусиз кўзларини ишқаб жойига ўтираётди.

– Нега? – сўради Бозор.

– Киринг, деганда, киринг-да, – деди товушини бир парда кўтариб мелиса.

Бозор икки эшикни босиб ўтиб «7» рақами битилган палата эшигини оҳиста очди. Очдию, Опанинг хузурида учрашиб, суҳбатлашган мелисани кўриб хайрон бўлди. Бу сафар кишилик кийимида, энгайини кафтига тираб хўмрайиб ўтирарди. Мелиса тиши оғриётган одамдек кафтини оғзига босиб «ўтиринг» деб рўпарасидаги курсига имо қилди. Бозор мелиса бўлса-да, ҳарқалай таниш кишини кўрганидан пича енгил тортиди, дадил бориб курсига ўтирди.

– Терговчиман. Марказдан келдим. Нима гап? – савол қотди у томдан тараша ташлагандек.

– Шу... эски гап, – куруққина жавоб қайтарди Бозор.

– Қайси эски гап?

– Ўша – Опанинг қабулида айтгандим-ку, шу-да...

– Мен Опани танимайман... Бир бошдан айтинг! – Терговчи ўтирган жойида оғир кўзғалди. – Нима қилиб ваҳима кўтариб юрибсизлар?

Бозор ҳанг-манг бўлиб қолди. «Тушимми-ўнгимми» дегандек кўзини юмиб очиб, рўпарасидаги одамга разм



солди. – «Ўша – Опанинг хузурида гаплашган мелиса – худди ўзи...»

– Ваҳималик жойи йўқ, – деб эътироздан бошлади у пешонасини тириштириб. Бозор эътироз билдирдию, одамсимон махлуқларнинг ҳеч қайси ташрифи чоғида кечагидек ёввойи даҳшатга тушмаганини, сал бўлмаса ақлдан озиб қолаёзганини, бу даҳшат касалхонага етиб келишгач, ёввойи ваҳимага айланганини ошкор этишни эп кўрмади. Шу боис ортиқ хаяжонга берилмай воқеани жўнгина баён қилди. Сўроқ бериб ўтирганда оч кўк бўёқ суркалган кўча дарвозасининг тангадек тешигидан кимдир мўралади. Уни терговчи пайкамади, «Аминвой акам!» – деган ўй ялт этиб ўтди Бозорнинг хаёлидан. «Ўша!» Шу хаёлда Бозорнинг терговчининг совуқдан-совуқ муомаласидан озорланган кўнгли пича илиди, илиди-ю, ширин хаёлга фарқ бўлиш мавриди эмасди – сўроқ давом этди.

– Тушунолмай қолдим, – деди пайт пойлаб Бозор. – Мени жабрланувчи сифатида сўроқ қиялпсизми ёки?..

– Шу кунгача ҳеч ким эмасдингиз... беҳуда шов-шув кўтариб халқни теримдан чалғитаверсангиз, жиноятчига айланишингиз ҳеч гапмас...

Бозор қулоғига ишонмай таажжубда, «Ахир мен...» деб терговчининг даъвосини рад этмоқчи эди. У ўрнидан туриб ташқарига йўналди-да, бамайлихотир оҳангда:

– Мақсад – сизларни анавилар кўзидан асраш, – деди терговчи шаҳодат бармоғини тепага нуқиб.

Бу жавобдан Бозорнинг кўнгли бир қадар ёришган бўлса-да, у мавҳум ва мажҳул аҳволдан қутулолмай узун йўлакка чиқишгач ҳам беихтиёр терговчининг изидан эшиккача эргашиб борди.

– Терговчи ака, – деди сохт-сумбатига ярашмаган ёлборувчан оҳангда. – Мен уйга кетавурай... Хотиним оғироёқ, ой-куни етиб-ўтган...

Терговчи эшикка етган жойида орқага ўгирилди. Бозорга бошдан-оёқ разм солди.

– Хотинингни ой-куни етиб-ўтган бўлса менга нима?.. Сени мен тутиб турибманми? Дўхтир рухсат берса, кетавур.

Бозор терговчининг жавоби кўрслигини ҳам, самимийлигини ҳам фарқламади, бетига кон югуриб унга мўлтиради ва негадир, «Сиздан рухсат-а, шундайми?» деб юборди. Сўраб улгурмай эшик очилиб ёпилдию, «ширк» этиб қулфланди. Бозорнинг гапи бўғзида қолди, шу пайт даҳлиздан терговчининг пўнғиллагани эшитилди:

– Бу ерда шовқин қилманглар!.. Ваҳимага ўрин йўқ!.. Иккови ётибди, оёғини осмондан қилиб!.. Боринглар, ишдан қолманглар!..

Бир гала эркак-аёл чувир-чувир кўтарди, Бозор қулоғини динг қилди – кўзига дўмбайган қорнини қўллари билан паналашга беҳуда уринаётган, кўзлари йиғидан қизарган хотини кўринди... даҳлиз жим бўлиб қолди... Бозорнинг кўнгли ўзи ёлғиз қолган узундан-узук йўлакдек хувиллаганидан орзиқиб кетди. Ичидан бир ҳайқириқ келди – ўзини тийди... Палата эшиги ёнидаги курсида букчайиб ўтирган мелиса йигит унга қайрилиб қарамади. «Ухлаб қолди, шекилли», деб ўйлади Бозор. Сўнг эшикларни бир бошдан назардан ўтказиб йўлакдан келаверди. У шифокорлардан бирортасини учратмоқчи – уйига кетиш учун рухсат сўрамоқчи эди. Бирок нечта эшикни тортмасин – ҳаммаси тақа-тақ берклигини кўриб Бозорнинг ҳайронлиги чандон ортди... Мелиса йигит мудроқ кўзларини хиёл очиб Бозорга қаради – ҳеч сўз демай уйқусизлик укубатига дош беролмаган қовоқлари қайта юмилди. Бозор йўлак адоғигача борди – бошқа палата эшиклари ҳам михлангандек ёпик эди.

– Биздан бўлак бемор йўқми? – сўради у мелисадан.

– Терим пайти-ку... касалхона ёпилган, – жавоб берди у истар-истамас.

– Касаллар-чи? – сўради Бозор ҳайронлиги ортиб.

Саволига жавоб бўлавермагач, елкасини қисганча палатага кирди. Бир-бир юриб Нарзикул амакиннинг тепасига келди. Унинг лаб-гумшуғини учуқ босиб кетган, соқолини яқин ўн кун миёнасида қиртишламаганидан башараси тентаксифат қиёфага кирганди.

«Амак бунчалик кўрқди-я?» деб ўйлади Бозор. Кейин ўзи учрашув чоғида кўрқув туйғуси йўқолишини,

кечагисида эса дам чўчимамай-нетмай, дам даҳшатли кўркувдан эси тескари бўлиб кетаёзганини эслади. Ва «уларнинг ўзлари одамни кўркмайдиган қилиб қўяр экан» деган хулосага келди. Давлатов ҳам кўркмаган, айтди-ку, «бирдан ботирландим» деди-ку. Қизик, юзмаюз келганда ботирландим-да, кейин, эртасига юрагини ховучлаб юрибди. Кимсан – Давлатов-а!..

Бозор худди ташқарини кўрмоқчи бўлгандек ойналари куюқ бўёқ суркалган деразага тикилиб турди-турди-да, каравотга омонат чўзилди, кафтларини бошига ёстик қилиб шифтга термилди.

– Агар Нарзикул амак ғарам тепасига чиқмаганида шунча тўс-тўполон йўқ эди-я!.. Қаттанам чақирди, уни?!.. Ёки ўша махлуқлар заводга тушмаса ҳам бўлардию!.. Нарзикул амакнинг тўйигача суриштирдими-ей!.. Бекор айтди-да, тўйини... Эҳ, одамнинг соддаси!..

Бозор дик этиб бош кўтариб ўтириб олди. Эслади: амакини овоз чиқармай ичида жеркиганида хушқомат келгинди қандоқ сезди?! «Бу кишининг жавобини тафтиш қилиясизми?» деб сўради. Ўша заҳоти сезди. Сўнг... шайтонлатиб қўйди Бозорни!..

Бозор лунжи асабий учаётганини сезиб қўлини юзига босди. Лоп этиб одамсимон махлуқ ўзидан Оқсоқол ҳақида сўрагани ёдига тушди. Тушдию, палатада у ёқдан-бу ёққа юра кетди. Ўтирди, турди, юрди... «Оқсоқолнинг топширигини бажарганмисан», деб сўради. Оқсоқолни ўшалар ҳам танир экан-да... Бозор «йўқ» деди. Бор гапни айтди. «Яхшилаб ўйлаб кўрдингми?» деб сўради улар яна. Нимасини ўйлайди Бозор! Ўйлайдиган жойи йўқ!.. Бозор қулиб юборди. «Оқсоқол қаттаю, Бозор қатта!» Эл-юртнинг оғзидан Оқсоқолнинг номи тушмагани билан Бозор у кишининг афт-башарасини кўрган бўлмаса!.. Оқсоқол билан таниш бўлганида куни Аминвой, Раҳматов, Давлатовга қолармиди!.. Уч ойдан буён кўзи ёрмаётган – тўлғоқ тутмаётган, юрак ўйноғи касалига мубтало бўлган шўрлик Шабнамгинасини энг катта дўхтирларга оббориб кўрсатмас эдими?!.

Сиқилганидан хуноб бўлган Бозор «хур-хур»лаб ухлаётган амакини силтаб, турткилаб уйғотмоқчи, «Хушингизни йиғинг, кетамиз, уйимизга борамиз!» демоқчи

эди, шу чоғ эшик сассиз-несиз қия очилиб ҳамшира жувон мўралади. Бозор, «Дўхтир қаерда?» деб сўрамоққа лаб жуфтлаганида ҳамшира уни имлаб чақирди. Бозор оёқ учига илдам юриб эшик ёнига борди. Ҳамшира пичирлади:

– Еттинчи палатага киринг, кутишяпти...

– Ким? – сўради Бозор ҳам баттар шивирлаб.

– Акангиз... – дея мўмай улушини олган кўшмачидай мамнун илжайди ҳамшира.

## 8

Бозор таниш палата ўртасида ғўдайиб турган бирдан-бир ишонган тоғи – Аминвойни кўриб хўрлиги келди. Гуппи унга пешвоз юрди. Қўл олишиб куюқ сўрашди. Омонлашиш асносида Бозорни саросар кузатди. Гуппининг атайин имиллаб сўрашаётганини Бозор сезди, у айб иш қилган боладек бошини эгди. Ниҳоят, Аминвой «ўтир» деб Бозорга бояги курсини кўрсатди, ўзи терговчининг ўрнини эгаллади.

Орага оғир сукунат чўқди. Аминвой атайин Бозорни синаш учун шундай қилаётган эди, буни пайқаган Бозор сир бой бермади. Бирмунча фурсат жим ўтиришгач, алҳол, гуппининг сабри чидамай жимликни бузди:

– Нега индамайсан, Бозор? Кўрқдингми?..

Бозор бир нафас ўйга толди-да, сўнг жавоб қилди:

– Нимадан кўрқаман?

– Сен эркак кишисан, Бозор...

Аминвой шундай деб бошини бир ёнга қийшайтирганича Бозорнинг кўзига узоқ тикилди. Тикилиб туриб гапининг давомини айтди:

– Бўлар-бўлмасга вайсайвермайсан... Шундайми?..

Бозор Аминвойнинг бу қадар сирли, тагдор гап бошлаганидан ўнғайсизланаётган, ажабланаётган эса-да, ўзи очилмади – гапнинг даромадини кутди. Гуппи чайналаверди. Аминвой ёқимсиз семиз эмас, қилтириқ эмас, баланд гавдасини тик тутиб юрар, чиройли қомастига яраша қийимлари ҳам ёпишиб тушган, доим бўйинбоғда – серсавлат арбоблардек доим жиддий, камгап, босиқ юриши Бозорнинг ҳавасини келтирар эди. Шундай одамнинг чайналаётганига Бозорнинг ҳайронлиги ортандан орта-

ётган... у бехосдан Давлатовни эслади. «Уйига учар баркашдагилар тушганини бунга айтганмикан?» Кўнглидан кечган шу савол билан Аминвойнинг кўзига қаради – саволига жавоб ололмади. «Балки Давлатов мен билан гаплашганини айтгандир?» – Бозор ҳамон Аминвойдан нигоҳини узмаган эди, шундагина у Аминвойнинг бунчалик кув кўзлигини, бу қадар мазмунсиз боқишини пайқади... Эҳтимол, Давлатов айтгандир?.. Гап – орамизда, деганди... Бундай деса, гуппи бунчайин ғайир қараш қияпти?.. Ёхуд Давлатов ҳақида билганларимни тўкиб солишимни кутяптимикиан?..

Бозор тизгинсиз хаёлларга толиб овозини беихтиёр бир парда кўтарди:

– Нима демокчисиз, Аминвой ака? Айтаверинг.

– Шу... Нарзикул ёмон кўрқибди-да...

Бозор бундай жавобни кутмаган эди. У гуппининг асл муддаосига тушунолмаётган афтида ним табассум қотиб қолган кўйи унга қаттиқроқ тикилди – шу йўсин Аминвойнинг ниятини фаҳмлаб оломоқчи эди. Бирок шу алфоз кўз уриштириб турилса барча бадниятлари фош бўладигандек гуппи аввал ишшайди («Давлатовга ўхшаб ишшайди!» – хаёлидан ўтказди Бозор), сўнг кулди – секин, ҳатто эшик ва деворлар ҳам эшитмайдиган қилиб кулди. Бозорнинг таранг тортилган асаблари бирдан бўшашди, ҳатто акахони билан ҳасратлашиб ўтирганидан яйраб кетди:

– Қойил-е, Аминвой ака, – деди у суҳбатдошининг кулгисига жўр бўлиб. – Учар келгиндилар билан жавобмуомала қилган бизу, юрагини олдирган – силар экан-да! Ха-ха-ха!..

Аминвойнинг башараси тундлашди. Бозор тап тортмай қалтис ҳазил қилиб юборганини, бу қилиғи Аминвой билан Давлатовни бир гўр қилганини сездию, айтилган сўз – отилган ўқ қабилида бўлар иш бўлди деб гуппи қандай ройиш беришини кутмай, мутойиба оҳангини бузмади:

– Бечора, Нарзи амак... ёмон кўрқди!.. Нукул ўн икки боласини пеш қилади-ей!.. А, анави одамнуса махлуқ бўлса!.. Ўн икки боланинг фарқига, қадрига ет-

сайкан! Хиҳ!.. Фақат, шунча болангни қандоқ боқасан, деб сўради, холос!.. Амак шўрликка учук тошиб кетди, денг!..

– «Болаларингни қандоқ боқасан?» дедими? – сўради Аминвой.

– Сўради. Ўн иккита дегандан кейин сўрайди-да... Мендан ҳам сўраган... – У бехосдан «Давлатовдан ҳам сўраган», деб юбормоқчи эди – тилини тийди. Сўнг бирдан хангома маромини ўзгартириб тобора кўзлари катталаша бораётган гуппини тинчлантиришга ўтди: – Сўраса сўрабди-да, ака. Уларнинг нияти ёмон эмас. Назаримда, шу... ерликларни ўрганяпти.

– Нима, ер юзида Пахтақайнардан бўлак жой куриб кетганми – шетга тушмаса?!

Бозорнинг шуурида чироқ ёнгандай бўлди. Боягина у суҳбатдошининг авзои-кўзига қанча тикилмасин сирининг тагига етолмаганди, мана, гуппининг ўзи чув тушди – айтди. Бозорнинг эсида, аниқ эсида – Давлатов худди шундай деганди. Гуппи ҳам худди ўша тарзда, ўша мақомда такрорлади. Бўласи-да!.. Айтмай-чи!.. Эсхонаси чиқиб менга келиб ёрилган одам ишонган жиянига айтмайдими?! Ҳойнаҳой, менга айтиб кўнгли хотиржам тортмаган бўлса, кейин жиянига дардини тўккан чиқар... Аввал айтмаган бўлсам, кечаги тўполондан сўнг айтган...

Бозор дилидагини бетига юқтирмай жавоб қилди:

– Газитда ёзаяптию, ака – учиб келгичлар тушмаган жой қоаяпти.

– Э, ҳа-а, – деб юборди бирдан енгил тортиб гуппи. – Айтмоқчи, телевизордаям кўрсатганмиш-ку... Ўша, бошқа жойларга ҳам шу бизга келаётганлар тушаётганмикан, Бозор?

– Бунисини билмадим...

– Бошқа жойларда нима тўғрида гаплашаркан? – яна сўради болаларча соддадиллик билан Аминвой.

– Ким билсин? – хаёлчан жавоб қилди Бозор. – Қизиғи, ака, улар гаплашмайди – сўрайди, холос. Тўрт ёшли болага ўхшайди-ей! Сўрайверади, сўрайверади...

– Аши учун айтпман-да, Бозор, сен гўл эмассан, оғзингга кеганини валдирайвермайсан!.. Сўрапти деб қаёқдаги келгиндиларга авра-астарингни ағдариб ташлайвермайсан. Шундай эмасми?

Бозор бошини сарак-сарак тебрлатди.

– Ҳа? – деди гуппи тўсатдан гапдан тўхтаб.

– Бу, Нарзикул амак ўлгудай гўл экан-да... нукул, «тўй қиллим», «мошин оллим», «ўн икки болам бор, сармойани билмайман» деб ётибди-ей!.. Сўрамаганидан ҳасрат қияпти-да!..

Аминвой ўрнидан туриб кетди. Хонада асабий юришиб туриб, таққа тўхтади, сўради:

– Яна нималар деди?!

– Шу, «Раҳм қилинлар»дан нарига ўтмади. «Тўй қиладиганман», дейдими-ей!

– Улар-чи?! – Аминвой Бозорнинг тепасидан келиб унинг кўзларига ўқрайди.

– Улар, шунча оғизни қандоқ тўйдирасан деб ачинди, холос... Кейин «сармойани қайдан олишингни ўйлаб кўргин», деди-да, ғойиб бўлди...

– Нарзикулнинг топиш-тутишиминан уларнинг нима иши боракан?!

– Улар нукул сўрагани сўраган деяпману, ака. Ҳар балони сўрайверади. Қизикмаган нарсаси йўқ. Амак улар сўрамаган нарсани айтаверганидан аччиғим чикди. Шу...

– Сўрамаганини айтиб нима қилади, бу хотинта-лок?! – деди дарғазаб бўлиб гуппи. – Оғзингни юм, сўтак, демадингни?

Бозор ўрнидан турди. Аминвойнинг афтига меровланиб тикилди. Юзини юзига яқинлаштирди. Гуппи тисланди – Бозор унга томон бир-бир қадам босиб яна яқинлашди.

– Гапир! – ўдағайлади гуппи овози ўзгариб.

– Ака... – деди Бозор ниҳоят ўта сирли оҳангда шиврлаб. – Улар деганимнимас, кўнглимдагини эшитади... сезади... Алжигани учун амакни сўқдим... ичимда сўқиндим – эшитди, сизди – жонимни кўзимга кўрсатиб қўйди!..

– Қандоқ эшитди? Қандоқ сизди, Бозор? – сўради Аминвой унинг билагидан чангаллаб.

Бозор саволни эшитмагандек бояги-бояги оҳангда давом этди:

– Кейин-чи, ака, – деди у худди гуппини чўчитиб юбормаслик ниятида гапни чўзаётгандек. – Кейин-чи... амакда ҳам айб йўқ...

– Нега?

– Негаки, келгиндилар сўроққа тутганда ҳеч нарсани яширолмай қоларкан одам...

– Нима-а?..

– Ҳеч нарсани... Мен бўлар-бўлмасга алжийдиган аҳмоқ эмасман, лекин оғзингиз ўзидан-ўзи очилиб кетавуради... Сўраса-сўрамаса айтавурасиз... Айтмасангиз, кўнгиладан кечса, бас, улар эшитаверар экан... Аминвой гуппининг кўзлари осма соат капгиридек катталашди – узун бўйни бошини тутолмади чоғи, калласи чайқалиб кетди, Бозорни еб юборгудай олайди.

– Унда, – деди у даҳанини чўзиб, тишини ғичирлатди. – Унда, сенам гўл экансан! Сўтак экансан!..

Аминвойнинг лаблари орасидан тупук сачради. Бозор худди биров орқасидан келиб бошига гурзи билан туширгандек туйкус қалкиб кетди, каловланди. Гарангсиб, кўзининг пахтаси чикиб рўпарасидаги одамга анграйди – лабининг бурчидан қон сизилиб оққандек бўлди. Шу пайт йўлакдан кимдир заиф ва йиғлоки товушда «Бозор!.. Бо-зор!..» деб чақирмаганида, Бозор ғайришуурий алфозда югуриб эшикни очмаганида Аминвой акаси яна нима дерди-кўярди – билмади. У йўлакка чиқдию, палатаси эшигига ҳолсиз суяниб турган Нарзикул амакини кўрди.

– Тўхта! – деди гуппи пишқириб. – Мен келганимни айтма!.. Қулоғига қуй, у хайвоннинг – тилига пухта бўлсин! Ўзинг ҳам тушундингни?!

Бозор дам ўзидан нажот кутаётган Нарзикул амаки томонга, дам оғзига келган ҳақоратли сўзлар билан сийлаётган Аминвойга аланг-жаланглайверди.

– Боравур! – деди ниҳоят гуппи. Бозор лаб-лунжини енгига арта-арта йўлакка чикиб, Нарзикул амаки томон

икки-уч кадам ташлади, Аминвойнинг қаттиқ сўқиниши кулоғига сихдек қадалди...

9

«Холис» сайёраси келгиндиларига йўлиққан икки юкчи зудлик билан касалхонага ётқизилгани, улар ёнига ҳеч зоғ йўлатилмаганига қарамай ойни этак билан ёпиб бўлмади. «Келгиндилар Раҳматовди завудини босибди!» қабилдаги узук-юлуқ гаплар етти иқлимга тарқаб улгурди.

Орадан икки кун ўтиб эрталаб, нонуштага ўтирган Бозор билан Нарзикулнинг устига Фаол бостириб кирди, ҳе йўқ-бе йўқ, «Кетдик, кетдик, заводга борамиз»лаб қолди. Йўлакка чиқаётиб Бозор курсида бошқа мелиса ўтирганини кўрди. Буниси ҳам ширин уйқуда – туш кўряпти шекилли – майин кулимсираб пинакка кетган эди. Кеча Нарзикул «Бозор! Бозор!»лаб чақирганида, Бозор Аминвой билан суҳбатни узиб, югуриб келганида ҳам курсида ўтирган мелиса йигит уйғонмаган эди...

Улар минган мошин завод идорасига тақаб тўхтади. Фаол шоширди. Бозор индамади, Нарзикул эса яна одам-нусха жондорларга рўпара келадигандек саросимада лаблари пир-пир уча бошлади, нажот истаб Бозорнинг қўлидан тутди.

Директорнинг хонасида Раҳматов, Муовин, Давлатов, яна икки-уч киши – ҳамма ўзича оғир ўйга толиб ўтирарди. Йиғилганларнинг авзоидан бири олиб бири қўйиб икковининг пўстагини қоқадигандек эди. Йўқ, Бозорнинг тахмини тасдиқланмади. Аксинча, уларни кўриб Раҳматов зўраки кулимсираб бўлса-да, ўрнидан кўзгалди.

– Дурустмисизлар? – деди у «бемор»ларга якин келмай.

– Дурустмисизлар? – директорнинг гапини такрорлади бош ҳисобчи.

Бозор ҳол-аҳвол сўрашга жавобан жимгина бош ирғади, у қасаба раисига, қаторга бориб ўтирган Фаолнинг ёш болаларникидек чуваккина афтига разм солди, нигоҳи Давлатовнинг нигоҳига тўқнашганда бош

ҳисобчи ерга қараб олди. Шунда унинг бетигаги нималаридир директорникига ўхшаб кетишини бехос пайқади. Дарҳақиқат, Раҳматов билан Давлатовнинг бурними, гўштдор лунжларими, кўз қарашларими – бир қориндан таллашиб тушган оға-иниларникидек ўхшаш эди. «Узоқ йиллар аҳил-иноқ яшаган эр-хотинлар бир-бировига ўхшаб қолади», деган гапни эсладию, Бозор шу топда хаёлига келган қиёсдан қулгиси қистади, «Ҳатто гапириши ҳам ўхшайди», деб кўнглидан ўтказди у.

Бозор бундай мулоҳазага берилган пайтда бирдан Нарзикул амаки пиқиллаб йиғлаб юборди.

– Раҳматуб!.. Мен қандок қилай?.. Мен нима қилман, энди, Раҳматуб!.. Ўн икки болам...

Шундагина уч кунни гоҳ талмовсираб, гоҳ хуноб бўлиб ўз ёғига ўзи қоврилиб ўтказган Бозорнинг биринчи бор тоқати тоқ бўлди:

– Бўлди-е! Қанақа одамсиз, ўзи!.. Ўн икки бола фақат сизда борми?! Шунчаём йиғлоқи бўладими, эркак одам!..

Бозорнинг шу зардаси унинг уч кундан буён амакининг кўнглига қараб ётганини бир пул қилди. Жеркиш оғир ботдими ёки Нарзикул ўнақай фурсат кутаётган эканми, бирдан йиғини бас қилди.

– Сенинг касофатинг урди, шум кадам!.. Сен деб шу кунларга қоллим, сени деб!..

Нарзикул ўдағайлаганига қаноат қилмай, икки қўллаб Бозорнинг бўғзига чанг солди. Энди калла урай деганда яқинроқда ўтирган юкчилар бошлиғи амакини ушлаб қолди. Бозор чап беришга улгурди. У Нарзикулдан бундай ножўя қилиқни кутмаган эса-да, унга жавоб қайтаришни хаёлига келтирмади. Шунга қарамай, ўзи билан амаки ўртасида Фаол пайдо бўлганини кўриб, вазият чиндан кескинлашганини сезди.

– Ҳа-а, амак, – Раҳматовнинг босиқ овози эшитилди. – Бу нима қилиқ?

– Бола-чақа нимаиканини биладими, бу зумраша, Раҳматуб!.. Шунинг қораси кўриндию, заводга касофати урди!.. Бизди сотади бу!..

– Ярашмаган қилиқ, – деб ғўлдиради Давлатов.

Нарзикул бурнини торта-торта оғзига келганини вай-сайверди. Бозорнинг кўз ўнги қоронғилашди – кун сайин ҳомиласи оғирлаша бораётган, қаппайган қорнини кўтариб юриши укубатга айланаётган Шабнамгинаси кўз ўнгида гавдаланди – ичини тиг тилгандай бўлди. У амакининг туҳматларига кулоқ солмади, хиёл ҳушини йиғгандагина боядан бери Давлатовга тикилиб турганини пайқади. Давлатов ҳамон бошини кўтармай ўтирарди. «Оёгинг ёқмади, бола!» – деганди, мана, одам куригандай ўша таънани амакидан эшитиб турибди.

Бозор Раҳматовга қаради, афтидан амакининг ҳақоратига унинг муносабатини фаҳмлолмади.

– Бачканаликни бас қилинглар, – деди Раҳматов боягиндан хиёл товушини кўтариб. – Нарзикулвой, нима, сизларни муштлаштириб томоша қилгани йиғилганмизми, биз?

– Томоша кўрадиган пайт эмас, – директорнинг гапини маъқуллади Давлатов.

Орага сукунат чўкди.

– Ўқийми? – секингина сўради жимликдан фойдаланган Фаол.

Раҳматов қовоғини уюб бош ирғади, шу чокқача тик турган Бозор билан Нарзикулга «ўтиринглар» деди-да, бирдан овозини мулойимлаштириб, ҳаммага қарата гапирди:

– Бизга хат йўлланган... Ҳар иккала қулоғинглар билан эшитинглар. – Хат – махфий, эшитганларинг шетта қолсин. Тушунарлими, Нарзикулвой?

Давлатов салобат тўкиб бош ирғади.

– Ҳм... – деди Нарзикул хўрсиниш аралаш, Раҳматов худди хатни ўзи ўқишга чоғлангандек томоқ кирди. Фаолга қаради. Фаол сўрғичланган оқ қоғоз хат халтани кавлаштираётди, «Асли шуни ҳамма ишчиларга ошқора ўқиб эшиттириш керак эди-да», деди ғўлдираб. Раҳматов тутақиб кетди.

– Э, қанақа одамсиз, Абдулфаол, – деди у жиркангандек афтини бужмайтириб. – Хатнинг манглайига «Мутлақо махфий», деб муҳр уриб кўйибдию, тагин ошқора ўқисак дейсиз-а!.. Ҳамон йиғилдикми, ўқинг-да, гапни чувалатмай!..

Фаол танбех эшитавериш эти қотиб кетган шекилли, директорнинг жеркишини ўзига оғир олмади, аксинча, ҳеч гап бўлмагандек ўрнидан турди-да, кироат билан хатни ўқишга тутинди.

– «Пахтақайнар кишлоқ шўросига! Пахтақайнар пахта заводига!»

Ўз номи билан пахта кони бўлмиш Пахтақайнар кишлоғида яшовчи азизлар! Кунни тунга улаб оқ олтин етиштираётган, пахта планини бажаришдан кўра мукаддасроқ орзу-ниятни билмайдиган пахтақайнарлик азаматлар! Маълумингизким, юртимизнинг ялпи хирмонида сизларнинг улкан улушингиз ҳаммавақт бўлган, бу йил ҳам бўлажак! Айни кунларда ҳар бир пахтақайнарлик кексаю ёш мавжуд куч-қувватни етиштирилган ҳосилни йиғиб-териш олишга қаратганидан беҳад миннатдорман. Шунга аминманки, далада бир сиқим ҳам пахта қолмагунича, даладаги сўнгги мисқол пахта Пахтақайнар заводига келтирилиб, ғарамларга босилмагунича сизлар ҳаловат не эканини унутасизлар. Пахтақайнарликлар ҳаловатни пахта теримидан топадилар!

Фақат шуни афсус билан қайд этмоқчиманки, сўнгги кунларда, мана, уч ойдирки, Пахтақайнар пахтакорлари тамомила ўзига номуносиб ҳодиса туфайли юрт оғзига тушди. Эмишки, Пахтақайнарга ўзга сайёраликлар тушган эмиш!.. Одамлар билан гаплашган эмиш!.. Келгиндилар, «Сизларга ёрдам қиламиз» деган эмиш!.. Ҳаммаёқ миш-миш!

Бу қандоқ гап? Тагин пахта терими айни авж палласига кўтарилган, ҳадемай ёгинли кунлар бошланадиган кезларда кимларга керак бўлди бундай шов-шув? Аниқ маълумотларга қараганда, кишлоқ теримчилари учар барқашдан чўчиб, куёш ботмай уй-уйига тарқаётган эмиш, пахта заводиди эса бир кундан ортиқ иш тўхтабди.

Қарийб икки кун! Иш тўхтабди?! Тарихда кўз кўриб-қулоқ эшитмаган воқеа бу!.. Тонг қоронғисидан шом зулматигача пахтазорни тарқ этмасликни ўзига шарафшон деб билган пахтақайнарликларни қандай жин урди? Пахтақайнарда иш тўхташи инсоният тарихида юз бермаган ҳодиса-ку!.. Мен тарих китобларидан аниқ била-

манки, Пахтақайнарда ибтидоий, қулдорлик даврларидан буён бирон соат ҳам иш тўхтатилмаган, ишни тўхтатиш мумкинлигини ҳеч бир фуқаро хаёлига келтирмаган!

Хуллас, азиз пахтақайнарлик туғишганлар! Пахтақайнар пахта тайёрлаш заводининг раҳбарлари, фаоллари! Сизлардан умидимиз катта. Дарҳол шов-шувга чек қўйилсин! Маънисиз овозалар бас қилинсин! Чалғиманглар! Бутун куч-қувват ҳамишагидек пахта теримига сафарбар этилсин!

Катта ишонч билдириб...»

Фаол шу жойга келганда бир зум нафас ростлади, ўтирганларнинг диққатини ўзига жалб қилиб олди-да, хат жўнатувчининг исмини ўкиди:

– Оқсоқол!..

Бозор «ялт» этиб Фаолга қаради, Нарзиқул бошини бўйни орасига тортиб Раҳматовга мўлтиради, Давлатов чурқ этмай, қовоғини уйганча бошини кўтармай ўтирар, директор эса «кўрдингларми, хат кимдан келган?» деган мазмунда барчани назаридан ўтказаятган эди. Биринчи бўлиб сукунатни у бузди:

– Хулоса аён, ўртоқлар, – деди у овозини ўқтамлаштириб, худди мактубнинг давомини ўқиётгандек оҳангда. – Шу дақиқадан эътиборан миш-мишлар бас қилинсин!.. Ким оғиз очса, кимда-ким гап чувалатса – аввал огоҳлантирилсин. Такрорласа – чорасини кўрамыз! Бўлак илож йўқ! Тушунарлими?!

Йиғилганлар сукут аломати ризо мақомида ўтирардилар.

– Нарзиқулбой, Бозорбой, – деди директор овозини дўриллатиб. – Сизлар бугун дам олинглар-да, эртадан ишга чиқинглар. Ҳеч нима бўлмагандай юраверинглар. Биров келгиндилардан хангама бошласа, оғзига уринглар, «Ҳеч қандай келгинди йўқ – ҳаммаси уйдирма» денглар – вассалом! Тушунарлими?.. Айтамыз – радио, газитдаги гапларни бас қилишади...

Бозор мажлисчанинг якунидан ҳайрон бўлди. Шундай эса-да, ҳамма «маъқул» деб бош эгиб турганида бир нарса деса маҳмаданаликка йўймасликлари учун тилини тийди. Тилини тийса... одамларга жавоб бермаса-

бермас, уларнинг оғзига уриш чораси топилса топилар, аммо-лекин... шу пайт кўнглида кечаётганини сўзма-сўз ўқиётгандек Давлатов тилга кирди:

– «Ҳаммаси уйдирма» деб одамлардан қутулса бўлар... тагин анави келгиндиларга рўпара келса, нима қилсин, булар?.. Улардан қутулишнинг иложи топилар-микан?..

## 10

Бозор уйига кела-келгунича шуни ўйлади, дарвоза кўринганда негадир юрагининг безовта уриши янаям тезлашди – худди уйда нохушлик юз бераётгандек қадамини жадаллаштирди... Ҳовлига кирдию, этакдаги уй остонасидан тушиб келаётган хотинини кўриб ичида «Ҳартугул!» деб юборди. Бироқ ўзига пешвоз келаётган Шабнамнинг қорнини кўриб юраги орқасига тортиб кетди, унинг юзлари, қовоқлари, айникса лаблари янаям пўрсиллаб шишгандек туюлди, «Худойим-ей, энгиллаша қолса-чи!» – деб унсиз нола чекиб юбордию, сассиз-садосиз кўзларидан дувиллаб дур тўка бошлаган Шабнамгинасини бағрига босди. Назарида хотини анчагача бошини унинг кўксидан узмайдигандек эди, йўқ, Шабнам дарров ўзини қўлга олди – яноғи, лабларидаги ёш изларини кафти билан сидирди-да, эрининг кўзларига хавотирли назар ташлади. Бозорнинг беҳаловатлиги афтидан сезилиб турса-да, у ўзини одатдагидек хотиржам тутишга уринаётганини пайқаб улгурди шекилли орқасига ўгирилмай, «Эна, келдилар!» деб овоз берди.

Чучук момо остонадан ўтаётиб мункиб кетаёзди, қавушини оёғига илишга сабри чидамай, ҳовлига сарпойчан югуриб чиқди, жавдираган кўзларини ўғлидан узмай, «Онагинанг ўлсин, болам!» дея фарёд чекиб юборди. Бозор югуриб келиб онасининг елкаларидан тутди, Шабнам кафтлари билан юз-кўзини тўсиб, пиқиллаб йиғлаб юборди.

– Секин, она! – деди Бозор гуноҳқорона овозда шипшиб. – Шабнам!.. Кўшнилар эшитади... Тинчлик-ку, ҳаммаёқ!..

– Тинчлик бўмай ўлсин-эй, Бозор! Ажалимдан беш кун бурун ўладиганга ўхшайман!..

– Бас қилинг, она. Ахир...

Бозорнинг зардаси бўғзида қолди, кўча томондан «Бозорбой!» деган овоз эшитилди – қайнона-келиннинг йиғиси, Бозорнинг зардаси тинди – дарвоза тавақаси очилиб Шабнамнинг онаси, укаси, сўнгроқ отаси кириб келишди. Шабнам отасини кутмаган чоғи, «Вой, отам!» деб қаерга қочишини билмай шошиб қолди ва бирдан эсига тушгандек илдам юриб қайнонасининг қавушини келтириб Чучук момонинг оёғи остига қўйди. Қуда-қудағайларнинг одатдаги қуюқ салом-алиги бошланди. Чучук момо югуриб-югургилаб келинининг уйига кўрпача тўшади, меҳмонлари билан рўмолининг учини ташлаб олиб қайтатдан саломлашди, сўнг ғайрати жўшиб, ўрнидан ирғиб кўзғалаётганида Шабнамнинг онаси чолига имо килди. Жумакул бобо фурсатни бой бермай, «Бозорбой, улим...», деди босиклик билан. – Унинг товуши беўхшов чикдими ёки бирон муддаони кўзлаб айтаётгани оҳангидан сезилдими – Чучук момо тўхтади. Қайнонаси билан изма-из тураётган Шабнам ҳам қайтиб жойига ўтирди.

– Ўтганлар руҳини ёдга олиб қўяйлик... – деди бобо чўк тушиб ўтираётиб.

Чучук момо рўмоли билан юзини, оғзини беркитди... Жумакул бобонинг аввалига дағал эшитилаётган товуши тобора маромига тушиб бир мусиқий оҳангга айлана бошлади. Ҳийла узун оят поёнига етди, бобо дуони ҳам обдан ўқиди ва пировардида «Раббано отино...» ни айтиб, юзига фотиҳа тортди.

Дастурхон теварагидагилар сел бўлиб сукутга кетиб ўтиришарди. Қуръони мажид оятининг сеҳрли мусиқаси куда-қудағайларнинг, Шабнаму Бозорнинг елкасидан эзиб турган каттол юкни кўтариб кетгандек бўлди...

– Кунда тиловат қиламан, куда... – Чучук момо шундай деб кенг енгининг учларини кўзига босди.

Бозор қайнотасининг тиловати марҳумлар ёдидан кўра кўпроқ ўзига – унинг тинчини ўғирлаган келгинди махлукларга қаратилганини сезиб ичида қулимсиради. Шу замони қулимсирагани учун кўнглининг бир чеккасида ғашлик туғилди.

Кечга яқин келди-кетди кўпайди. Келувчилар Бозордан ҳол-аҳвол суриштирар, битта-яримтаси учар мавжудотлардан гап очмаса, кўпчилик бу хусусда лом-мим демас, бир чеккаси Бозор бундан таажжубланар, таажжублангани сари марказдан келган терговчининг, «Одамларни пахта теримидан чалғитсангиз жиноятчига айланишингиз ҳеч гап эмас» деганини эслар, бу асоссиз таҳдиддан унчалик чўчимаса-да, ўзининг таажжубига сабаб бўлаётган – одамларнинг учар баркашга қизикиши ғалати бир йўсинда сўниб бораётганига ўзи ҳам лоқайд-бепарво қўл силтаб қўяётган эди...

Айрим келувчилар Нарзикул амакининг аҳволини суриштирди. Бозор, «У киши тузук, уйида» деб жавобни қисқа қилди, кимдир, «Бечорани уч кун ухлатиб кетибди-я, қизиталоқлар!» деб ваҳима кўтарди. Бозор унга ҳам ортиқ эътибор қилмади – «Нарзи амаки хўп чарчаган экан – ўзи бош кўтармай ухлади», деди-қўйди.

Ниҳоят, алла-паллада сўнгни меҳмон – тоғасини кузатиб дарвозани тамбалаб қайтган Бозорга ҳовли ўртасида турган қайнотаси оталарча меҳрибонлик қилди:

– Чарчадингиз, улим...

Бозор беихтиёр қайнотасининг ўсиқ қошлари остида милтираб турган митти кўзларига, сийрак, чўкки соқолига термилди. Бобойнинг кимсасиз тоғу тошда ёлғиз, беғам-беташвиш қўйчивонлик қилишини эслаб қайнотасига ҳаваси келди, шунинг баробарида мўйсафид одамни хавотирга қўйганидан хижолат чекди.

– Ҳамма қизикади-да, ота, – деди у ўнғайсизланганидан бўлак сўз тополмай. – Нукул сўрайдилар...

Қайнотаси хаёлга толдими, куёвининг гапини эътиборсиз қолдирди. Фақат онаси, қайнонаси ва Шабнам тунаш учун этакдаги уйга кетганларида, ўз уйи-ўлан тўшагига кириб ором топаётган Бозор қўшни хонада ўғли билан ёнма-ён ётган қайнотасининг:

– Сўрайвергани ёмон... сўрайверса, сўрайверса одамнинг тинкаси қуриб кетади... Ў, баччағар! – деганини эшитди. Шундагина Бозор қайнотасининг боя ҳовлида куёвининг гапидан мутаассир бўлганини фаҳмлади. Пайқадию... ўрин-кўрпада, боши остидаги момиқ бо-



лишда Шабнамгинасининг таниш, тотли исини туйди – бу кадрдон хидни уч кунда у шу қадар соғинганидан назарида ўрнида неча кунлар, наинки кунлар, балки ойлардан буён ётмагандек бўлди... тиниқиб, роҳатланиб ухлагиси келди, оқшом ҳол-аҳвол сўрагани кирган чоллардан бири хайрлашатуриб, «Учар махлукларнинг юзини тескари қилсин», деб фотиҳа ўқиганини эслади – Бозорнинг кулгиси кистади, шифтга тикилган кўйи кулимсирадио, тагин шайтонга ҳай берди. Қизик, ҳазил-ҳазил билан учиб келган махлуклар бутун кишлокни ваҳима уясига айлантирди, одамлар улардан асрашини дуога кўшиб худодан сўрайдиган бўлдилар... Эл-юртнинг ваҳимаси, кундуз заводда ўкиб эшиттирилган хат дабдбаси Бозорнинг кўнглидаги нотайин ваҳм кўлагасини куюклаштираётган эди... У шу топда хотини томонидан меҳмонлар борлигига, кун бўйи ҳовлисидан одам аримаганига севинди.

Эртага меҳмонлар жўнайди, Бозор одатдагидек тунда ишга қатнайди... Тунда уйга ёлғиз қайтишини тасаввур қилганидан Бозорнинг юраги «шув» этиб кетди – «Раҳматовдан сўрайман – уйга мошин ё трактор оббориб кўйсин» дейман деб дилига тугди. У ишдан қайтгунича Шабнам онасининг ёнида ётади, Бозор келгач хотини уйига кўчади... Онасининг ҳам юрагида юрак қолмади, ўзи!.. Айтишга айтади: «Она, юринг бизнинг уйда тунанг», дейди Бозор. Лекин илло-билло онаси кўнмайди – зинҳор кўнмайди, бу ёғи... ия, ҳали онаси келинини ёнидан жилдирмас?.. Кейинги кунларда, йўқ, анча бўлди, онаси кечаю кундуз келинини ёнидан узоқлашгани кўймапти... «Ҳақ» деб тўлғоқ тутишини худодан сўраб кутяпти. Шабнам эса ҳарс-ҳарс пишиллаб нафас олгани олган, худди ой-куни етган ҳомиланинг, мана, неча ой-дирки, ёруғ дунёга чиққиси келмаётгани жуда табиийдек бинойидек юрибди... Келинининг ташвиши етмагандай, Чучук момога ўғлининг ғалвалари ошиб тушди!... Шабнам енгиллашса... тугар ахир бир кун!.. Онаси хўп елиб-югуриб қоларди-я!.. Шабнам – она, Бозор – ота, онаси – буви бўлади!.. Ўғил туғади хотини... ҳовлининг тузайдиган жойлари кўп – кўча деворини қайта бошдан тиклайди, уй-жойлар бўёғини янгилайди, ҳовли

сахнини текислайди, гул экади – ҳовлисини гулзорга айлантиради-ей!.. Ток сўрисини тузатади, бу ёғи... онасини, хотинини рўпарасига ўтказиб, «Шу-шу, топган-тутганим бор, ўғилчанинг қўлини ҳалоллаймиз», дейди... Онаси йўқ дермиди, онаси-я!.. Нақ боши осмонга етар!.. Шабнам кишлоғига – отасиникига учади – «Куёвингиз невара тўйларингни бошламоқчилар», деб суюнчи олади... Ҳа-а, ўғил кўрадио – ўзиям азамат ўғил бўлади-ёв!.. Пахтақайнарнинг доврўғига, ўзининг оғиздан-оғизга кўчган доврўғига татийдиган бир гижбадабанг тўй қилиб беришга ярамайдими?! Тўйга бутун эл-юртни хабарлайди, Раисни, Опани, Раҳматову Давлатовларни иззатини қилиб, тўрга ўтказади. Аминвой акани-ку! – у киши тўйбоши бўлади!.. Бозорнинг бир оғиз ўтинчини ерда қолдирмади – уни заводга ишга жойлаштирди... заводда ишламаса қарзларидан узилармиди, тўйга атаб тўрт-беш танга жамғара олармиди!.. Қаёқда!.. Тракторни триллатгани билан бири икки бўлмади шу чокқача!.. Биринчи бўлиб Аминвой аканинг елкасига тўн ташлайди – гуппидан тўн айлансин – Бозор тўн кийдиришдан қочадиган йигит эмас!.. Ҳаммасини ўрнига кўяди у!.. Аминвой акасининг бўласи Давлатовга ҳам тўн атайди, унга атаганда, Раҳматовдан бир зар чопонни аярмиди!.. Директор билан Давлатов сохт-сумбати ҳам, юриштириши, димоғдорлиги, гап-сўзи, хатто... кўрқоклиги ҳам бир хил, уларнинг икковига бир хил тўн кийдиргани маъкул. Ахир кунига шулар ярайди!.. Ҳар кимсанинг кунига ярайдиган кимидир бўлиши керак-ку, ўшаларнинг хурматини жойига қўймаслик... Йўғ-э, Бозор юрт орасида юрган йигитлардан, ахир!.. Битта тўн нима деган гап – Нарзикул амакини ўртга таклиф қилади-да, бутун пахтақайнарликлар кўз ўнгида, Жийдабулоқдан келган Шабнамнинг қариндош-уруғлари, уруғ-аймоқлари орасида унга микрофонни тутқазади – «Гапиринг, амак, ўша пахта ғарами устидаги қангамадан гапиринг», дейди. Нарзикул гапиради. Ўзи хуркович кўйдек юраксиз-ювош бўлсаям қангамани боппайди... учар жондорларга йўлиқишганини, уларга бола-чақасини пеш қилиб ялиниб-ёлборганини, тумшуғию оғиз-бурнига учук тошиб кетганигача айтади – меҳмонларнинг

ичаги узилгудай кулаверганидан кўзларидан тирқираб ёш чикиб кетгунича айтавереди, ана шу ерига келганда Бозор унинг елкасига тўн ташлайди, сўнг, «Нарзикул амак, энди мени бўғиб башарамга калла урганингизни айтинг» дейди. Нарзикул амак айтмайди, «Кўй-е, унисини айтмайман» деб оёқ тираб туриб олади. «Айтинг, мен рози» деб Бозор қисталанг қилади. Ҳовлини тўлдириб ўтирган меҳмонлар бакириб-хуштак чалиб Бозорнинг ёнини олишади. Юқорида савлат тўкиб ўтирган Раҳматов қорнини силкита-силкита кулади, Давлатов сўқим ҳам директорга ўхшаб кулади. Ниҳоят, амаки кўнади, айтади, бир бошдан айтади, ҳатто Бозорни «Бола-чақа ни-майканини биладими, бу зумраша!» деб койиганигача оқизмай-томизмай ҳикоя қилади. Ким билсин, ўша кунларга етказса, кўли калталиқ қилмаса, Нарзикул амакининг елкасига битта эмас, бир жуфт тўн ташлайди. Эриб-эшилиб кетган амаки нақ «Сенгаям худо ўн икки ўғил-қиз ато этсин!» деб юборарми!..

Бозор ўринга сингиб, адоқсиз ва тизгинсиз тотли ўйлардан эриб сув бўлаёзган эди, бирдан олис-олислардан майин шивирми-гувирми садоси келди... Йўқ, олисдан эмас, балки шундоққина кулоғининг остида шивирлади кимдир... Ё, дераза ортидамикан?! Бозор «дик» этиб бошини ёстикдан уздию, ўтирган кўйи кулоғини динг қилди. Юраги кўксидан чикиб кетгудай дукурлай бошлади. Бозор кўкрагини чангаллаб юрак уришини тинчлантирмоқчи бўлди, вужуди кулоққа айланиб хийла фурсат кутди. Худди ҳид олса биладигандек бурун тортиб исканди – ғужанак бўлиб олди – у шу топда жуда-жуда кичкина, ҳатто жимит одамга айланиб қолишга-да рози эди... «Ҳозир сўроқ бошланади!» деган хаёлга бордию, белига қилич дами урилгандай инграб юборди – азбаройи ковуғи, бўксаси ёрилиб кетгандек бўлди, хоҳиш-ихтиёрсиз, «Меҳмонлар сезмасин-да!» деб илтижо қилди... иложсизликдан мадори куриб, «Яна келдимикан?!» деган мажхул бир авзода кўча томонга кулоқ тутди.

– Ўз паноҳингда... ёш жонига раҳминг келсин... Ёмон кўздан ўзинг асра...

Бозорнинг шуури бирдан тиниқлашди, шивирлаш кўшни хонадан келаётганини – қайнотаси шўрлик шу пайтгача ухламай дуолар ёғдириб ётганини сезди-да, баданини босган совуқ тердан эти жунжикиб кўрпани бошига тортмоқчи бўлди, бироқ бармоқларида жон қолмаганди...

## 11

– Жийдабулоққа боринглар, Бозорбой, – деди Жумакул бобо одатича гаплашаётган одамига қарамай. – Дам олиб қайтасизлар.

Бозор қайнотасининг таклифига кулоқ солиб қайнонасининг нигоҳидаги хавотирдан кўзини узмади. «Эҳтиёт бўл, қизим», деб Шабнамни қайта-қайта бағрига босди қайнонаси, сўнг, «Қизимни силарга, силарни худога топширдик, куда», деб жавдираб-жавдираб Бозорга умидвор қаради.

Чучук момо кудасини юпантирган бўлди – овози титраб чиқди. Хайрлашдилар. Шабнам кўчага кадам босмай дарвозага суянган жойида пишиллаганича онаси билан яна ўпишди, отасининг бетига қарамай хўшлашди, укасини чакириб қайта-қайта ўпди – унинг овозида маъсум, ўктам, кўнгилда қандайдир эзгинлик уйғотувчи оҳанг пайдо бўлганди... Бозор ночор-ноиложликдан эзилганини сездирмасликка уриниб, ер остидан хотинининг тўнқарилган тоғорадек бесўнақай қорнига назар солди... У кейинги кунларда юз берган ҳодисаларни, келди-кетдиларни, гап-сўзларни бир бошдан эслагиси келди. Оғир дардга чалингану, кечаги ширин хаёлларга берилиши ўша дардларни ювиб кетгандек туюлди, шундай энгил тортдики!.. Уйи, ҳовлиси гавжум бўлди, қайнота-қайнонаси тунаб қолишди... Заводдаги мажлис... Оқсоқолнинг мактуби... Раҳматовнинг кўрсатмаси... Бозор буларнинг ҳеч бирини эслагиси келмади. Одамлар билан учар баркашлар тўғрисида гаплашмаса-гаплашмас, Раҳматов ёки Оқсоқол буюрганидек «Ҳеч қандай учар келгиндилар йўқ», дея қутилса-қутилар, фақат у ичида тошдек чўкиб қолган бир ташвишга кўнгли алағда – у тошни ўзи суриб-жилдириб ташлолмас, ўйлаб кўрса, бунга фақат Аминвой кодир эди!..

Қайнонаси кизини Чучук момога, Бозорга ишонади, тилига чиқармаса-да, қайнотаси ҳам шу. Бозор уйланди-ю, Шабнамни жонидан ортиқ сууб қолди. Шабнамгинасини еру кўкка ишонмай юрганди. Битта тойчокдек ўғил туғиб берса хотинини бошларига кўтариш ўйида юрганди... афсус, ой-қуни етган ҳомила оёқ тираб турибди – «Ўлгудай қайсар бўлса керагов!» – хаёлидан кечди Бозорнинг. Чучук момо Шабнамни обормаган жойи-кўрсатмаган дўхтири қолмади, бироқ уларнинг бирортасидан жўяли маслаҳат ололмади, жуда жон қойитгани, «Туғмай ҳомиласини ютиб юборармиди, туғади-да, бир қуни», деди-қўйди. «Хай, кўз-қулоқ бўп турайлик» деб бирон дўхтир зоти уйига қадам босмади. Чучук момо ўзи ёлғиз бола билан ўтгани аламига «Келиним бир ховли бола туғиб берсин, ўзим ювиб-тарайман», деб қўймайди. Онаси билан хотинининг яккаю ёлғиз ишонгани – Бозор. Бозорбой бундан қайтмайди, волидаси билан бир йил мобайнида жонининг ярмидек бўлиб қолган хотинини қафтида кўтариб юришга тайёр. Тайёрликка тайёр-а, лекин бошига шум қунлар тушса, ўзи кимга ишонади?.. Кимга суянади у?..

Бозор шу чокқа довур суянчикқа муҳтожлик сезмади, ишлади, амал-тақал қилиб уйланди... Ҳамма бало уйланганидан сўнг бошланди... Ўзи Аминвойга маслаҳат солди, «Ёрдамингизни аяманг, ака» деди... Бозор заводга ўтдию, суянчикнинг қудратини ҳис эта бошлади. Заводга ким орқали келганидан хабар топган ён-веридагилар Бозорга йўл-йўрик кўрсатди, кимдир, «Аминвойди этганин қўйиб юборма, астойдил сўрасанг тарозибонликка ўтасан», деди.

Бозор бундай маслаҳатларга ортиқ эътибор қилмади, у заводда умрбод ишлаш нияти ҳам йўқ, Аминвой айтганидек икки-уч йил ишласа, қаддини тиклаб олса бас. Бозорнинг назарида заводда ишласа, кифоя, ўз-ўзидан қадди тикланаверадигандек эди... У Аминвойни қора тортиб юрса-да, гуппи билан дуруст-қуруқ ош-қатик бўлмас, Аминвой ҳам уни унутиб юборгандек, ҳатто танимагандек юрарди. Бозор учар баркашларга илк дафъа рўпара келган қунининг эртасига Раиснинг хонасидан чиқиб гуппини кўрдию, Аминвой уни унутмаганига

икрор бўлди. Аминвой кучоқ очиб уни бағрига босди, омонлашди, ҳатто манглайдан ўпди ҳам, шундан сўнггина Раис билан қўл олишди. Ўша топда Аминвойнинг ўзи келиб Бозорни мошинга миндириб кетганига нақ Раис ҳам ҳавас қилди-ёв!..

Учар баркашдагиларга рўпара келгани боис Бозорнинг номи кимларнинг оғзига тушмади!... Лекин учар баркашлар келар-кетар, уларнинг шов-шуви унутилар ҳам... бу ёқда Аминвой гуппидай ака орттиргани қолар!.. Касалхонада ётганида эшиқдан бош сукиб уни чақирган ҳамшира, «Еттинчи палатага киринг – кутишяпти!» деди. «Ким?» – деб сўради Бозор. «Акангиз!» деди ҳамшира... Бориб қараса, акаси – Аминбой!.. Демак, гуппининг ўзи «ақасиман», деган!.. Марказдан келган терговчи уни сўроққа тутаётганида дераза туйнугидан мўралаган ҳам Аминвой... Бозор шуни сўрашни унутибди. Ҳарқалай, тахмини тўғрими-ноғўрими – Аминвой акаси хабар олгани келди... Ўша пайтгача, сўнг улар касалхонадан чиққунига қадар уларнинг ҳузурига ҳеч зоғ қира олмади-ку, ҳатто Раҳматов билан Фаол ҳам эшиқдан қайтишди, уларни мелиса йигит палатага йўлатмади... Аминвой акаси эса кирди – алоҳида, бетма-бет ўтириб гаплашди... ҳаммасини суриштирди ва Бозорни жеркиб ташлади... Нарзиқулни лапашангдан олиб лапашангга солган Аминвой пировардида Бозорни сўқди. Очиқ сўқди. «Сенам гўл экансан! Сўтак экансан!..» деди. Тишларини гижирлатиб, тишлари орасидан тупук сачратиб айтди...

Бозор адои тамом бўлди ўшанда. Нимага адои тамом бўлганига ақли етмаганди, ҳақоратнинг ўзи оғир ботмади, балки... «Биронта одаминг бўлмас заводда ишломмайсан» дейишарди... шу гап лоп этиб ёдига тушдию, Бозорни гангитиб қўйди. Башарти Аминвой унинг ишонган акахони бўлсаю, шу гапдан сўнг оралари бузилса – Бозор қанақанги кўнгилсиз ҳодиса юз бериши мумкинлигини тасаввурга сиғдирилмади. Нима бўлади?.. Юкчиликка ярамай қоладими Бозор?.. Фарам тепасига чиқиб пахта тепкилашни эпломлайдими? Ёки тирикчилиги ўтмайдими?.. Бундай деса Аминвой унинг киссасига тўрт танга солиб қўяётган жойи йўқ. Заводга ўтиб Бозорнинг топиш-гутиши ҳам ошиб-тошиб кетма-

ди. Бир сафар хангамалашиб ўтириб Нарзикул амаки, «Шетта ишлаб кам бўлмадик, ука, сабр қип тур – ишларинг жўнашиб кетади», деди. Бозор сабр қиляпти... Хах, ўшанда Нарзикул амаки суҳбатнинг белига тепди-да!.. Қоқ белига тепди!.. Пича кейинроқ чақирганида ҳам гулли сўкинганининг боисини айтар эди. Бозор эса амакидан хавотирланиб ёрдамга югурди... Аминвойнинг ўзи, «Боравур!» деди... пўписа қилиб айтди, «Янаги келганда таъзирингни бераман», дегандек айтди... Аминвой бир очилувди-я, Бозор фурсатни бой берди.... Эҳ, Нарзикул амак!.. Эртаси улар касалхонадан чиқмаса, Аминвой муқаррар тагин келар эди, нимадан хавотирга тушганини, хуноб бўлгани боисини айтар эди... Лоақал кечаги мажлисда кўринмади... Ҳарқалай, Бозорни кўллаб юборарди... Бозорга човут солган амакининг хушини кўзига кўрсатиб кўярди!.. Нарзикул амакини заводга Раҳматов обкелган, амаки, «Сенинг касофатинг урди!» деди, Раҳматовга ёқадиган гапни топиб айтди... Давлатов чурк этмади... У ҳам амакининг гапини айтган – «Оёғинг ёқмади, бола!» деган... Бошқа кимга суяниши мумкин эди Бозор ўша топда? Кимга? Фаолгами?.. Фаол турган битгани Раҳматовнинг югурдаги, сояси юқа – бировга суянчиқ бўладиган сиёки йўқ, юкчилар бошлиғи – у ҳам хали Бозор билан очилиб-сирлашган эмас... Бундан чиқди, бирдан-бир ишонгани – Аминвой эди!.. Аминвой эса, суриштириб келганда, заводга бегона, у Раҳматов ё Давлатовга нечоғли кадрдон бўлмасин, махфий мактублар ўқиб эшиттириладиган мажлисчаларга таклиф этилмаслиги табиий...

Шундай бўлса-да, Бозор Аминвойни топиши, унга учрашиб бош эгиб турмоғи – эшитадиганини эшитмоғи лозимлигини фаҳмлади, фаҳмлагани ҳамона «Учрашайчи», деган қарорга келди ва қароридан севиниб, уйдан чиқди...

## 12

Бозор ўзини юлдузни бенарвон урадиганлар тоифасидан санамаса-да, жудаям гўл, валакисаланг деб ҳам билмас эди. У Аминвой билан суҳбатни ўйлагани сайин ҳақорат кўнглига айил ботаётганини сездиди. «Бун-

дан чиқди, онам – сўтакнинг онаси, Шабнам сўтакнинг хотини экан-да!» Бозор нафсонияти топталганини қаттикроқ ҳис қила бошлади... «Бундан чиқди, эрта-индин туғиладиган ўғлим ҳам сўтакнинг ўғли бўларкан-да!.. Эҳтимол, ўғли сўтак отанинг бетига қаролмаслик вадидан туғилгиси келмаётгандир?..»

У Аминвойни учратиши нихоятда зарурлигини ҳис қилди. Гулли марҳамат қилиб ҳақоратига жавоб берсин... жавоб берса – хўп-хўп, акс ҳолда Бозорнинг бир дунё гаплари бор!.. Шундаям айтсинки!..

Бозор кўп юрди, изғиди, сарсон бўлди – Аминвойни на ердан, на кўқдан топди. Толиққани сайин ҳовурдан туша бошлади. Завод биқинидаги чойхонага кириб куруқ нон билан чой ичди. Ҳозир дарвозадан кирган замони Раҳматов ёки Давлатовга дуч келишини ўйлади, гаплашишга кўзи учмаётган бўлса-да, негадир уларни кўргиси келди...

Бир тўда юкчилар куршовида ўтирган Нарзикул амакини кўриб «Адо бўптию!» деб кўйди ичида, амакининг афтодаҳол башарасига зимдан кўз ташлаб. Лекин сир бой бермади. Гўё ҳеч қандай кўнғилсиз ходиса юз бермагандай ҳамкасблари билан сўзсиз кўл олишиб кўришди. Нарзикулга юзма-юз келганда «Дурустми-сиз?» деб омонлашди. Орага ўнғайсиз жимлик чўқди. Бозор хайрон бўлди – одамлар нафақат учар келгиндилар ҳақидаги, балки ўзларининг кундалик хангамаларини ҳам йиғиштириб ташлагандек кўринди. «Бунақада одамлар гапиришни унутиб юборади» – ўзича кулимсиради у.

Шундай хаёлга боришга бордию, ўзи ҳам бир нима деб оғиз очишга журъат қилмади, буни толиққанлигига йўйиб энди икки кулоч чамаси кўтарилган пахта ғарами устига чиқди.

– Нарзикулди ола чикиб кет, Бозор, – деди кимдир орқадан.

Бозор тарқала бошлаган ишчилар томонга ўгирилиб кулди, изидан келаётган амакининг афт-башарасига разм солиб:

– Кулоғингиз тинчидими? – деб сўради.

Амаки нарвондан кўтарилгунича мадори куриб, харсиллади. Бозорнинг «Гапга солишяптими?» деган сўроғига жавоб бермай нафас ростлади-да, обдан ён-атрофга аланглаб кўнгли хотиржамлашгач, заиф овозда минғирлади:

– Гап кўп, Бозор...

Бозор шундай жавобни кутмаганди.

– Ўтир, – деди Нарзикул кўли билан ишора қилиб, сўнг ўзи чордана куриб ҳали пишиқлаб тепкиланмаган пахтага чўкди. Сўради: – Эшитмадингми?

– Нимани? – Сўради Бозор ҳам амакининг хуфиёна гапиришидан яна бир балонинг бошланишини кўнгли сезиб.

– Кўшни қишлоқларга тушаётган эмиш!..

– Йўғ-э?! Қайсинга тушибди?!

– Секин! – шивирлади Нарзикул овозини янаям пайтириб. – Кўқдалага... Бедапояга ҳам...

Бозор бошини тиззаларига солинтирганича ўйга толди. Шу ўтиришида у «Нима қилмоқ керак? Қандок қилиб келгиндилар йўлини қирқиш мумкин?» деган жумбоққа чора излаётгандек эди. Унга тикилиб ўтирган Нарзикул худди Бозорнинг авзоидан айнан шу сўзларни уққандек сапчиб эмаклаб қолди, сўнг шу қадар тўрт оёқладика! – Бозор амакининг сичқондек сассиз-несиз физиллаб эмаклаб ғарам ёқасига бориб олганига ҳайрон бўлиб қараб қолди. Ҳайрат аралаш ичидан кулги келдию, чўчиди.

– Нега қочаяпсиз?

– Қўй, Бозор, мени аралаштирма, ука, мени тинч қўй.

– Бери келинг-э, Нарзивой ака, – Нарзикул пахта ғарамининг ичига кириб кетгудек ғужанак бўлиб олган, овози ингичка, заиф ҳаста овозда «қўйи-қўйи» деганда эса ҳатто чийиллаётганга ўхшаб кетаверди.

Бозор амакининг таъсирига тушмаслик учун ҳам ўзини қўлга олди, атайин ўдағайлади у, бироқ ясама зардаси кўпга етмай шу заҳоти юмшади: – Ўшалардан бўлак ташвишимиз йўқми? Келинг, ишимизни қилайлик.

Бу гапни эшитган Нарзикул бошини кўтарди, бўйинини чўзиб атрофга аланглади – кулоғини динг қилганча ярим-ёрти қад ростлади-да, икки қўллаб паншахани чан-

галлади, сўнг Бозорга орқа ўгириб паншахани пахтага санчганча тек туриб қолди.

Кўрққанга қўша кўринмайдими – Бозорнинг тасавурида дунёдаги энг кўрқок жондор – сичқоннинг сура-ти гавдаланаверди. Ғарам усти чала ёруғ-чала қоронғи, чеккада қаддини дол қилиб тескари ўгирилиб турган амакининг кўлагаси орқа оёқларида тик турган улкан сичқонга, кериб турган оёқлари орасида қорайиб кўринаётган паншаханинг ёғоч дастаси эса одам бўйи барабар сичқоннинг узун думига ўхшаб кетди.

Бозор кўзини юмди – тасавуридаги сичқон катталаша бошлади – кўзини очди: сичқон ҳамон тош қотиб тураверди, қайтиб кўзини юмишга юраги бетламай беҳол-бемажол қад ростлади, паншахани судраб ғарамнинг нариги чеккасига борди-да, ўйга ботиб туриб қолди... чала ёруғ-чала қоронғи ғарам тепасида икки кўлага узун думини чўзганча икки улкан сичқон янглиғ қаққайиб туришар эди... Орадан хийла фурсат ўтди, қоронғи қуюқлашди, завод ҳовлисидаги чироклар ёқилди. Ғарам тепасидаги икки киши худди аразлашгандек бир-бирларига яқинлашмас, узоқдан-да гаплашмаётган эдилар. Иттифоқо Бозор амакига қамти келдию, гўё оддий нарсани суриштираётгандай, «Кўшни қишлоққа ҳам ўшалар тушибдими?» – деб савол қотди. «Билмасам» деди Нарзикул елка қисиб. Бозор учиб келгичлардан кўрқяптими ёки одамлардаги ялпи кўрқувдан юрак олдириб қўйдими – шунга ақли етмаётган эди. У шеригини хуркитиб юбормаслик муддаосида атайин кишибилмас сўради: «Улардан нималарни суриштираётган экан?» Нарзикул амаки паншахани оёқ остига суқиб дастасига биқини билан суянди. Ва бўшашиб: «Ҳаммаёқда бир томоша, Бозор – савол устига савол...» деди. Бозор ҳайронланиб елка қисди.

– Куласан-а, Бозор... – деди Нарзикул ёвқараш қилиб. Бозор амакининг яноғи асабий пириллаб учаётганини кўрди.

– Тушунолмаяман, амак, ақлим етмаётганидан кул-япман... Хўп, сўраяпти – нима кипти?.. Оддий, жўн саволлар-ку бари!.. Кўчада бировминан суҳбатлашганда

шунчаки сўраладиган гаплар-ку!.. Сўраса жавоб бераверамиз, вассалом!.. А, сўрамаган нарсасини айтмасангиз бас-да!..

Нарзикул кўпол гавдасига ярашмаган бир ҳадик билан атрофга ўғринча аланглади ва пахта ёяётган бўлиб турди-да, бирдан «ўтир» деб имо қилди. Бозор чўк тушди.

– Ўлай агар, Бозор, атай айтмадим, – деди Нарзикул қасам ичаётгандек кекирдагини чўзиб.

– Нимани? – тушунмай сўради Бозор.

– Ўшанда-да! – ҳамон бўйнини чўзиб гапирди Нарзикул. – Сўрамаяптию, мен айтяпман... Валдираяпману, оғзимдан тўкилаётган сўзни туюлмапман, де!..

– Кўркдингиз-да, амак.

– Дам кўркдим, ёмон кўркдим, ука – жоним оғзимдан чиқиб кетаёзди, укажон!.. Кейин, дам-бадам кўркмай қолдим... Шунисига ҳайронман...

– Ўзи, улар келган замони одамми кўркмайдиган кип кўяди, – бамайлихотир тушунтиришга киришди Бозор.

– Ёпирай-а!.. – ёқасини чангаллади Нарзикул. – Қандоқ қилади буни?

– «Биз сизларга ёрдам учун келяпмиз», дегани сеҳрлаб кўяпти чоғимда, – елка қисди Бозор. – Ёки бошқа ҳунари борми... Кўшни қишлоқларда одамлар кўркмадими? Безиёнми, ишқилиб?

– Безиёнмиш... Найкейин... Кўкдаланинг кунчиқаридаги дарё ўзанига кўналға қурганмиш!.. Самолётини ўшатга кўндираётганмиш!.. Одамлар кўрибди!..

– Тўпалонсойга денг!..

– Тўпалонсойга...

Бозор бу миш-мишга мутлақо ишонмаса-да, иккилашиб туриб мийиғида кулди. Амакини синовчан кузатди.

– Жа, одамлар тўкиб ташлайди-да... Шов-шув кўтарилмаганига ҳайронман.

– Шов-шув кўтаргани кўядими, Бозор? Оқсоқолнинг ёзганини эшитдинг-ку, ўзинг. Одамлар нафасини ичига ютиб юрибди. Ичига ютолмаганлар пана-панада билганидан қомаяпти. Одамлар оғзини тикиб кўярмиди, Бозор, Оқсоқол...

– Анавилар ўзини суриштираётганини эшитса нима қиларкин? – деб юборди беҳосдан Бозор.

– Кимни?

– Оқсоқолни.

– Оқсоқолни?!

Нарзикул Бозорнинг афтига анграйди, башараси қийшайиб гўлдиради:

– Нима дединг? Кимни сўраган дединг?

– Оқсоқолни сўради, деяпман, амак! Намунча...

– Қачон?!

– Ўша куни.

– Қай маҳал сўради, Бозор?

– Сиз тепага чикмасдан бурун.

– Тавба-а! – Нарзикул бошини чангаллаганича мункиб кетди. Ва бошини кўтармай инграгандай сўради: – Оқсоқолни қатган танийдикан улар?

– Қайдам...

– Ўз паноҳингда асрагин, худойим!.. Нима деди?! Нима деб сўради? Тушунтириб айтсангчи, палакат! Б... еб таранг қиляпсанми, латга?!

Бозор ўрнидан туриб кетди. Унинг кўзлари олайиб қалт-қалт титраётган кўлларига чангаллаб олган паншахани амакига ўқталди.

– Нима дединг?! Қорнингни ёриб ташлайман, мол!

Нарзикулнинг ўтақаси ёрилди. Тили калимага келмай дудукланди.

– Идорада индамадимда?! Касофат бўлдимми, ҳали?! Палакат бўлдимми, ҳали?! Раҳматовингга кўшиб абжағингни чиқараман, молфаҳм! Кўрсатиб кўяман, ким латталигини!..

Нарзикул дод солмоқчи эди, овози чикмади, Бозорнинг вазоҳатини кўриб тиззалари букилди, дағ-дағ қалтираб йиғламсираб ёлборишга ўтди:

– Боланг кўпайсин, Бозор... Илойим, келин эсон-омон кутулсин, Бозор!.. Мен... Ўзим...

Бозор қандай «пов» этиб аланга олган бўлса шундай тезликда сўнди, бўшашиб, паншаха кўлидан тушиб кетди, беҳоллашиб чўк тушса-да, бояғи ғазаби мақомига яраша сўради:

– Оқсоқолнинг топшириғини бажарганмисиз?

Нарзикулнинг нафаси ичига тушиб кетди. Ғўлдираб савол қотмоқчи эди, оғзидан чикқан сўзга ўзи ҳам тушунмади.

– Оқсоқолнинг топшириғини бажарганмисан, деб сўраяпти улар... Сиздан ҳам, ҳаммадан сўрайди...

Амаки турган жойида пахта ғарами орасига чўка бошлади, сўнг кўл-оёғи тимирскиланди. Бозор яна бир оз кузатиб турса Нарзикулни пахта ғарами ютиб юборадигандек эди.

– Ҳа, – деди Бозор унга жон бағишлаш умидида.

– Аминвой... Аминвойга айтиш керак, Бозор... Тез!..

У ҳаракат қиляпти...

– Қандай ҳаракат?

– Юқоридаги акаларди ишга соламиз, дебди...

– Қачон дебди?

– Бугун.

– Бугун? Қаерда?!

– Боя уйдан чақиртириб олди... Анча гаплашди...

– Сизними?.. Сизминан гаплашдими?!

Нарзикул жим турди-да, сўнг бош ирғаб кўйиб:

– Бозор, бу ёғи нима бўлади, бошим қотти, ука...

Бозор бир кўзғалиб жойлашиб ўтирди-да, амакини кистовга олди:

– Аминвой ака нима деди? Сиз минан нималарни гаплашди? Айтинг, амак? – саволларни қаторлаштирди ҳовлиқиб. Чамаси у учар келгиндилардан чўчиганда ҳам бу қадар шошқалоқламаган эди.

Нарзикул Бозорнинг ҳовлиқишини лоқайд кузатиб туриб, беҳоллана бошлади.

– Ҳа? – деди Бозор амакининг кўлини силтаб. – Жонингиз чиқиб кетдими? Гапирсангиз-чи!

Нарзикул йиғлаб юборишдан ўзини базўр тийиб турган боладек лабини қимтиб жим бўлиб қолди. У бир нимани эшлашга урингандай рўпарасидаги кенжа ўғли тенги йигитга умидвор тикилди. Бирмунча муддат шу аҳволда тургач, қутилмаганда савол қотди:

– Овозинг мулойимлашиб қолибдими?

Бозор амакининг бу луқмасига эътибор қилмади. Шу

топта унинг фикр-хаёли Аминвой акага кетган, у киши ҳақидаги янгиликни эшитишга муҳтож эди.

– Гапиринг, дедим, амаки, – деди у хуноби ортиб. – Гапни чалғитиб нима қиласиз, гапирмайсизми?!

Нарзикул амаки гапирмади, балки куруқкина саволга ўтди:

– Оқсоқолни сўраган бўлса... сен нима дединг?

Бозор кулиб юборди. У Оқсоқолга ҳаётда рўпара келмаганини, уни танимаслигини, заводга яқинда ишга жойлашганини, шу боис на Оқсоқолдан, на келгинди махлуқлардан кўрқадиган жойи йўқлигини айтмоқчи – тўқиб солмоқчи эди ҳаммасини, оғзини жуфтлаган ҳам эдики, ғарамнинг ёнгинасида кимдир қаттиқ хуштак чалди. Бозор билан Нарзикул тарракдек қотиб қолишди. Амаки кўрққанидан Бозорнинг билагига ёпишди, Бозорнинг мушаклари ўйнаб турадиган билаклари эса одатдагига хилоф равишда жонсиздек қалтирарди.

Яна хуштак чалинди. Нарзикул амаки йиртқич қушнинг тажовузидан яширинаётган ўрдак мисоли мук тушиб калласини ғарам орасига суқди.

– Бозор! – овоз келди хуштак чалинган томондан.

Бозор ўша томонга қараб эмаклади, сўнг базўр ярим-ёрти қад ростлаб букчайганча йўрғалаб ғарам ёқасига келди.

– Аминвой акам чақиробди, юр...

Бозор разм солиб қаради, лекин қўлаганинг кимлигини танимади...

## 13

Ойсиз, юлдузсиз, рутубатли тун эди. Этни жунжиктирадиган совуқ шамолда кунчиқар томон оқиб бораётган адоксиз қора булут уюрлари разм солиб қарагандагина кўзга элас-элас чалинади.

Бозор пахтали камзулига ўраниб завод дарвозасидан чикдию, трактор ва хайбатли юк мошинлар ўтавериб ўйдим-чукур қилиб ташлаган тош йўлда этигини дўқирлатиб судраб қатта кўча томон юрди. У Аминвой акасининг исмини эшитганда қувониб кетди, кун бўйи ўзи излаган чоғидаги шашти-шиддати қонини яна қайта

гупиртирди, кони гупирдию, ҳозироқ бориб Аминвой билан очикчасига гаплашиб олишни дилига тугди... бирок катта йўлга яқинлашгани сайин – кадам-бакадам шаштидан тушаверди...

Аминвой Нарзиқулни чақиртириб у билан гаплашиб-дими, демак, унинг ўзи ҳаракатга тушган. Айтибди-ю, юқоридагиларга етказаман, бирлашиб чорасини топамиз дебди. Бундан чиқди, гуппи амакка, «Оғзингга маҳкам бўл» деган, Бозорга тайинлаган гапни унинг ўзи бажарган, демак, Аминвойнинг пайтавасига курт тушган!.. Энди Бозорни тун қоронғисидан овлоқда чақиртирибди, демак, заводга киришга қўрққан. Демак... яна нима деркин?.. Нарзиқулга айтганини такрорлайди, шу. «Анавиларга яна рўпара келсанг алжима», «Сўрамаганини вайсама» дейди, холос. Лекин «Кўнглингдан кечганини улар эшитаверар экан», деган гапга нима чора топади, Аминвой?.. Бу ёғи Бозорга қоронғи, ҳа, шу топдаги тун зулматидан-да қоронғирок эди...

Бозор йўл ёқасида саф тортган тут дарахлари биқинига тумшук суқиб тўхтаган «Жигули»ни танитай «Аминвой ака бирортасининг мошинида келгандир» деб хаёлланди. У «Жигули» ёнига яқинлашганда ҳайдовчи ойнани икки энлик тушириб «Орқага ўтир» деб имо қилди. Нотаниш башара ва сирли имо Бозорнинг ҳайронлигини баттар оширди. Шунга карамай «Аминвой ака орқа ўриндикда» деган ўйда орқа эшикни шарт очиб ўзини ичкари урди. Урди-ю, қоронғида ўриндик бўшлигини фаҳмлаб улгурмай, «Жигули» «ғирр» этиб жойидан кўзғалди. Бозор индамади, шофёр пешонасидаги ойнадан кўз қирини ташлаганида у овозини кўтармай «Қаёққа?» деб сўради. Шофёрдан садо чиқмади, бунинг устига «Жигули»нинг чироқлари ёқилмаган – тим қоронғи йўлда тўпдан отилган тошдек гувиллаб бораётган эди. «Демак!..» Бозор ичида шундай дедию, ўйломай қолди, фикрини жамлагунича мошин Кўкдала томон кетаётганини пайқади. Туйқус Нарзиқул амакининг айтганини эслади: «Кўкдала кунботаридаги дарё ўзанида... Тўполонсойда... «Демак!..» Бозор ҳозиргина «Қаёққа?» деганда товуши одатдагидан хийла ингич-

ка эшитилгандек туюлди. Ҳайрон бўлди. «Амаки ҳам овозинг мулойимлашиб қолибдими?» деди. Демак... «Шамоллаганим йўқ шекилли?..» Бозор овоз чиқармок ниятида атайин шофёрга гап қотди: «Кўкдалага бор-япмизми?» Сўрашга сўрадию, овози ўзгарганми-йўқми фаҳмлолмади. Шофёр жавоб қайтармаганига аламини ичига ютиб турганди ҳамки, «Жигули» кескин бурилиб Бедапоя томон ғизиллади. «Бедапояда нима қиламиз?» – кўнглидан кечди унинг ва муддао не эканини билолмай ичидан титроқ турди, шу заҳоти оғзига келган гапни ўзи эшитадиган қилиб шивирлади – «Нимадан қўрқаман!.. Онамнинг, хотинимнинг олдига соғ қайтсам бўлди-да!.. Қўрқадиган жойим йўқ! Йўқ!..» У ўзини вазмин тутишга уринди. «Булар ҳам одам-ку!.. Келгинди махлуқлар эмас-ку, ахир!» деб ўзига тасалли берди.

Рўпарадан пахта ортилган трактор йўлни тўзитиб ўтди, унинг чанг-тўзони тарқамай «Жигули» тут дарахлари панасига ёнбошини суқиб, такка тўхтади.

– Чик. Анави ердалар, – деди шофёр тилга кириб. Бозор мошиндан тушди. Кўрарга кўз қуввати ожизлик қиладиган оёқ остига тикила-тикила муштдек хандалақдек кесакларни босиб-нетиб ўн қадамлар юрганида Аминвой гуппининг қораси кўринди. Кўриндию, гуппидек одамни пахтали камзул кийган, бошини елкалари орасига тортиб пусиб турган қиёфада сира тасавурига сиғдиролмаганидан кўзларига ишонмай қадами сустлашди. Беихтиёр салом бериб, бўшашиб, кўришмоққа қўл чўзди.

– Салом-аликнинг вақти эмас, – тўнғиллади Аминвой.

Аминвой тўнини чаппа кийганини Бозор пайқади. Шу боис гуппидан гап кутиб, ўзи «чурқ» этмади.

– Эшитдингми? – сўради Аминвой совуқ ва палағда овозда.

– Нимани? – саволга савол билан жавоб берди Бозор.

– Нимани бўларди, ану келгиндиларинг ҳаммаёқни босиб кетди!.. Тўполонсойга уй-жой қуриб олибди. Одамларди бир бошдан сўроқ қилаётганмиш!



Бозорнинг кундузги чапақайлиги тутди.

– Бўлмағур миш-мишлар ҳаммаси! – деди у зарда аралаш. – Келгиндилар куриб олган уй-жойни биров кўрибдими? Ким бориб кепти уларнинг уйига?

– Хўп, сойликка имораг солмаса солмагандир, – деди бирдан шаштидан тушиб Аминвой. – Унда юртди бир бошдан сўроққа тутаётганига нима дейсан?!

Бозор ўйланиб қолди. «Эл-юртни бир бошдан чакиравурса, тутиб олиб сўроқ қилавурса... ваҳима кўпадику, одамлар орасида!...» Бозор осмонга анграйиб бошини қашиди, қоронғида Аминвой ўқрайиб қараётганини сезди.

– Буниси... бўлса бордир... – деди у бўшашиб.

– Обкетиб қолаётгани-чи?! – худди ҳамма ваҳиманинг гуноҳқорини тутиб олгандек дўқ урди гуппи.

– Демак... Кимди олиб кетибди?

– Обкетиб икки соат-уч соат тутиб туриб, сўнг қўйиб юбораётганмиш!..

– Безиёнми? Шикаст етказмабдими, ишқилиб?

– Қанақа одамсан-ей, Бозор?! А, бу, Кўкдалада икитаси тентак бўп қопти... Бедапояга тушганини кўрган бир жувон кўрққанидан бола ташлабди! Уйланадиган йигитлар сийғоқ бўлиб қолаётганмиш! Тагин безиёнми, дейсан! Тинмай сўраб-суриштириб одамларнинг ичидагисини, сир-асрорини билиб олаётгани қайси шикастан кам? Миянгни ишлат, Бозор!.. Ё, қатиғингни ачитиб кетдими, ўшалар!.. – Аминвой Бозорнинг бошига муштини теккизиб ўдағайлаверди: – Ўзинг айтдинг-ку, дилингдаги гапни эшита оларкан, «айтмайман» деган гапингни айтмай туролмайдиган қип кўяркан – ҳаммани алжирайдиган... ҳаммани ўзининг қуйруғини ўзи очадиган қип қўйса – оқибатини ўйла, танангга, Бозор!..

Бозорнинг кўзи, қулоғи Аминвойда эса-да, хаёли Шабнамга кетди, «Кўрққанидан бола ташласа-я!» дедию, хуши бошидан учаёзди... «Бедапоялик жувон барвақт туғиб қўйган бўлса, Шабнамнинг ой-куни етганига уч ойдан ошяпти... на дард тутади, на...»

– Кўкдалани босибди!.. – Аминвой паст, лекин бўғилиб, жони ўртаниб гапирганидан нафаси етмади,

худди шу онда тепаларидан баркаш учиб келадигандек хавотирда булутли осмонга аланглаб олди-да, пича хотиржамлашиб, гапида давом этди: – Бедапояни ёппасига сўроққа тутяпти!.. Раисси шофирини уйида тўй қилаётган жойидан обкетибди!.. Буғалтирди онасининг жанозасига қўймай обкетган-ча, қайтмади дейишяпти!.. Хўш, эртага Пахтақайнарга ўтса нима қиламиз?.. Оқсоқолдан ҳам садо чиқадиганга ўхшамай қолли, тушуняпсанми, Бозор?! Бедапояликларга ўхшаб сичқоннинг инини ижарага олаимизи ё, биз ҳам?!

– Унда... пахта терими нима бўлаяпти? – Ҳайрон бўлиб сўради Бозор.

– Пахтанинг тагида қоп кетсаям теравуради булар!.. Илло, ёшу қарининг юраги така-пука... Кўчада, далада зоғ йўк... Бугун бориб келдим. Бировни тўхтатиб саломлашай десанг, афтингга қарамай қочяпти...

– Нукул куёнюракларнинг орасида қоп кетган эканмиз-да, ака?.. Намунча кўрқмаса, халқ?.. Нима, ҳамманинг тили бирдек қисикми? Аллақандай келгинди махлуқларга жавоб-муомала қилолмаса, а, бу ёғи нима бўлади?.. – Аминвой ўзига тикилиб турганини кўрган Бозор дарҳол мавзуни ўзгартирди: – Оқсоқол хат ёзмабдими у ёкларга? Кеча у киши юборган хатни бизга ўқиб беришди.

Бозор шу гапни айтиб ўзининг Аминвойга сирдош эканлигини пеш қилиб қўймоқчидек эди, афтидан бу хабар Аминвой учун янгилик бўлмади, у бир нафас жим турди-да, энтикиб деди:

– Ўша хат деб манавинақа биқиниб юрибмиз-да, жиян...

Аминвой гуппининг ниҳоят бўшашганини сезган ва фурсатдан фойдаланиб қолмоқни кўзлаган Бозор бир кур томоғини кириб олди-да, салмоқланиб гап бошлади:

– Аминвой ака!.. Бир маслаҳат-да... – У шундай деб атайин қувлик билан жим бўлди. Қоронғи бўлса-да, хийласи зое кетмаганини сезди. – Бир гап: биз Оқсоқолдан кўрқишимиз керакми ё учар махлуқларданми? Қай бири хавфлироқ биз учун, ака?!

Чини билан айтганда саволни эшитиб Аминвой Ҳайрону лол бўлди, хаёлига келган фикрни ошкор айт-

май, «Ҳа, гапиравер» деган мазмунда афтини Бозорнинг башарасига теккудек яқинлаштирди.

– Айтинг... – деди Бозор бамайлихотир.

Аминвой айтмади. Кўзини лўқ қилиб тураверди. Бозорнинг ўзи гапирди:

– Осмондан келгичлар кўнаётган бўлса... миш-мишларда жон бўлса, демак, мана, устма-уст тушаяпти деяпсиз... Ўзимиз кўрдик, гаплашдик... Оқсоқолнинг хатида, «Учар баркаш йўқ нарса, ким шов-шув кўтарса – чора кўрилсин» деб ёзилибди. Суриштириб келганда, мен Оқсоқолни танимасам-билмасам... Келгинди махлуқларни эса кўрдим-ку... Сўрайвериб хит киворишини демаса, шахсан ўзим зиён-заҳмат кўрганим йўқ улардан... Сиз акалик қип турсангиз, заводда ишлаб турсам... Эрта-индин келинингиз кўзи ёрийди... Пича қаддимни тиклаб олай, кетаман...

Бозор гапини тугатмай, чамаси у, «Сиз акалик қип турсангиз» деган пайтда Аминвой ийиб кетган, шунинг таъсирида Бозорнинг елкасига қоқа туриб ёш ўғлига мактаб сабоғини тушунтираётган отадек энгашиб астойдил гапирди:

– Оқсоқол топилмас одам, Бозор, ука!.. Бунақаси ҳали онасидан туғилмаган!.. Хат ёзган бўлса – унақа хатни ҳар йили жўнатади... Кур-руқ пахтани ўйлайдиган одам у. Пахта бўлса, бас... одамлар чалғимасин деган – плонни дўндирсак, бу ёғиминан иши бўмайди. Бу ёғи ошиғимиз олчи, ука!.. Илло, терим қолиб, одамлар миш-мишга чалғиса Оқсоқолнинг фиғони фалакка етади, Бозорбой! У одам ўлса-ўладики, ётиб қолса-қоладики, пахтани тердирмай қўймайди!

– Фиғони фалакка етганидан келгиндилар у кишини танир экан-да... – деди қарийб минғирлаб Бозор.

Аминвой қотиб қолди, «хап» этиб оғзини юмди. Кўзи олайиб, афти қийшайиб:

– Нима дединг? – дея сўради шошиб.

– Келгинди одамсимонлар Оқсоқолни таниганига ҳайрон қоллим, – пинагини бузмай деди Бозор.

– Нима, сўрадимми?.. Қачон, нима деб сўради?!

– Шу... охирги сафар... завудга тушганда сўради.

– Кимдан?!

– Мендан.

– Айт-е, нима деб сўради? – ҳовлиққанидан оғзи кўпириб кетди Аминвойнинг. – «Оқсоқол» деб айтдимми? Сен-чи?!

Гуппининг савол ёғдириши келгинди махлуқларни кига ўхшаб кетганидан Бозорнинг кулгиси қистади. Лекин сир бой бермади.

– Шунчаки сўради. «Оқсоқолнинг топшириғини бажарганмисан?» деди...

Аминвой камзули киссаларига қўлларини мушт қилиб ботириб, худди ғужанак бўлиб ағдарилаётган одамдек қорнини чангаллаб қолди. Тиззаси буқилди. Афти бужмайди.

– Қайтар! – деди у Бозорга қарамай.

– Нимани?

– Уларнинг саволини, қандоқ сўраганини?.. Сўзма-сўз айт!

– «Оқсоқолнинг топшириғини бажарганмисан?» деди.

– Сен-чи?

– «Йўқ» дедим.

– У-чи?

– У... «Ўйлаб жавоб беряпсанми?» – деди.

– Сен-чи?

– Мен жавоб бергунча Нарзикул чиқиб қолди ғарам устига. Кейин...

Аминвой биров човига омбур солгандек бирдан букчайди, сўнг икки кўллаб путини чангаллаганча беҳол инграб, чўккалади... Бозор «Нима гап?» деб сўрамоққа оғиз жуфтлаганида гуппидан садо чикди:

– Тагимизга сув кетибди, бола...

Бозор тушунмади, нима қиларини билмай турганида гуппи қаддини ростлаб-ростламай тутнинг пастак шохлари орасига йўрғалади.

– Безиён, дейсан, бола!.. – деганди, тишлари такиллаб кетди. – Шунчаки сўрайди, дейсан... Шунчаки сўраб туриб чунонам кўттариб урадики!.. Отимни бошқа кўяман, бола! Мени айтди, дерсан... Кўрасан, ҳали... Бор, Бозор,

жўна! Уйинга йўқол, бола!.. Қайтиб қорангни кўрсатма менга!.. Уқдингни!.. Мен сени танитайман, сен – мени!.. Уқдингни!.. Бор, уйинга, қури!..

Бозорнинг оёғи остидаги ер чайқалгандек бўлди. Аминвой безга хуружга учрагандек тишлари шақиллаб гапирётганидан, унинг нима деяётганини англаб улгурмади. Кимсасиз зимистон оғушида ёлғиз қолгандек бўлди... «Жигули»нинг гуриллаб ўт олгани эшитилди... Бозор турган жойида тарракдек қотди, оёғини силжитолмай, оғзига келган калимани гудранди. «Жигули» тўхтади. Эшик шарақлаб очилиб, ундан гуппи отилиб чиқди. Қорнидан ўк еган одамдек букчайганича югуриб келаётди йиқилай деди.

– Қулоғингда бўлсин, бола! Тилингни тийиб юр!.. Қиркиб ташла, падар лаънати, ундақа тилди!.. Нарзиқул хеббимга айтдим!.. Бутун Пахтақайнар Оқсоқолнинг измида-ку, сўтак!.. «Ёрдам қиламиз» деб аллаган итдан тукқанларга отангни сотасанлар. Қишлоғингни сотасанлар, мишиқилар!..

Аминвой шундай деб изига қайтди. Қайтдию, икки қадам ташламай орқасига ўгирилди.

– Келса, – деди қўлини осмонга чўзиб. – Уйдан чикма, ёт, ўликдай ёт, кимирлама! Ернинг остига бўлсаям йўқол!.. Йўқол, меням, уларниям кўзига кўринма!.. Э, ҳаммангни онангни кўшиб!..

Бозор тилини ютиб юборганди – чурк этмади. Аминвой гуппи мошинга ўтирди. «Жигули» кўздан ғойиб бўлди...

## 14

Одамзоднинг лойи қаноатсизлик тупроғидан қорилган. Аллоҳ субҳанаху ва таоло зуваламизни маромига етказиб пишитиб улгурмай тоқатсизлик қилганмиз – уни шоширганмиз, андак сабр-қаноатга чақирган ярагувчимизнинг қудратига лоқал шукрона айтишни унутиб, «Қолганини ўзим эплайман!», деганмизу Парвардигорнинг муборак устахонасини ҳовлиқиб тарк этганмиз. Бу ёруғ дунёнинг жамики захматларини ўз қудратимиз, ақлу фаросатимиз ила бартараф этадигандек... Бизнинг имконият хорижимизда заррача малоллигу мало-

мат қолмагандек... Оқилу донишликда ҳеч бир кўмакка муҳтожлигимиз йўқдек...

Сув ва тупроғимиз комилу мукамал мурувват мўъжизаси ила яралганлигидан, аъзои баданимиз муборак кўз нурига чўмилганлигидан танзимиз соғ, кўзимиз очиқ экан, биз уддасидан чиқолмайдиган бирор мушкулот дунёда йўқдек туюлади. Ана шунда... омаднинг равон кўчасида елиб бораётган оёғимизга нўхатдек тош ботса... енгимиз тирноқча михга илинса... ногаҳон зулмат оғушида ёлғизлансак ожиз қалбимиз бирор мадаккор истаб қолади...

Қиз оила кўрганида бир чеккаси англабми-англамай умрлик ҳамроҳ, суянчиқ топганига шукроналар ўқийди, унинг умр йўлдоши – йигит бўлмиш кимнингдир мадак-рабатида оила куради... Ҳадемай у нафақат хотинининг, насиб этса жажжи фарзандининг суянчиғига айланади... Турмушнинг машаққатли дамларида эрни кимдир қўллайди, зеро, у ҳам кимгадир ишонади – Шабнам Бозорга, Бозор Аминвойга, Аминвой Давлатовга, Давлатов Раҳматовга, Раҳматов аллакимга, аллаким яна аллақайдаги аллакимларга ишонгандек ишонади... Бу ишонч меҳр-оқибат кўринишида давом этаверади... «Одам одам билан тирик», «Омаднинг тафтини одам олади» деганларидек... «Бирорта суянчиғинг бўлмаса бу дунёда кун кўролмайсан» дея арзон-гаров ҳикматлар тўкилади, сўнг...

Сенинг кифтинга тушадиган турмуш ташвишларию, тақдир мушкулотларига елка тутишадиганларинг бисёрлигида ошиғинг олчи – дўппинг яримта... қўлинг чўзган жойингга этадигандек эрка-тантук бўлиб юрасан. Яқин-йироқдаги суянчиқларинг боис дунёни сув босишдан ҳам чўчимайсан гўё!.. Ажойиб кунлар адоқсиздек туюлган кезлар иттифоқо осмондаги ойни тусайди кўнгил – шундай орзуинг ижобатига яна суянчиғинг – ўзи, ўзи бўлмаса унинг суянчиғи, суянчиғининг суянчиғи – ҳамма суянчиқлар бир бўлиб Оймоманинг этагидан ип солиб, оёғинг остига тортиб туширадигандек туюлади гўё!.. Ва новзанбиллоқим, ана шундай яйдоқ хаёллар қанотида оёқ ер искамай юрганда ногаҳон бир арзимас нимадир юз беради... Айтишга-да, ёзишга-да арзимас бу

ходиса, масалан, ўзга сайёралик бир тоифа жондор Ерга кўниш ҳавосини олиб, сенга рўпара келади – саволларга тутади... Гўдакларга хос сўнгсиз ва бир хил, жўн ва арзимас туюлган саволлар кунбўйи бош кўтармай арокхўрлик қилгандай ҳолатга солади сени... кунинг шундай саволларга қоладики, уларга ҳеч қандай қудратли суянчикларинг жавоб беролмайди, балки саволларга фақат ва фақат ўзинг, танҳо ўзинг жавоб беришингга тўғри келади ва ё, тавбалар бўлсинким, ё, алҳазар!.. энг оддий саволларга жавобинг йўқлигини ёхуд энг оддий саволлар олдида гангиб қолаётганингни англайсан... кўнглинг беҳузур бўлади, кўз олдингга хира парда тортилади... Ер гўё чокқина курсию, баногоҳ биров уни остингдан тортиб олгандай чайқалиб кетасан – еру осмон, тош йўлу йўл ёқасида қорайиб саф тортган тут дарахтлари чаппарости бўлиб, чирпирак бўлиб айланади... қопқонга тушган сичқондек умуртқанг аралаш қовурғаларинг қарсиллаб синади, оғзингдан қуюқ қон аралаш жонинг чиқиб кетади... жон таслим қилганингни англаб тақдирга тан бериб улгурмасингдан оёғингга эмас, бошингга турганингни пайқагандек бўласан – мияннга пахта майдонининг муштдек-муштдек кесаклари ботади, калланг зирқирайди, суякларинг симиллайди – оёққа турмоққа, ўнглини олмоққа чандон уринасан – чангакка айланиб тут танасига чирмашган панжаларингни бўшатишдан кўрқасан, ажал ваҳимаси исқанжасида қоласан... ичинг ағдарилиб бўғзингга тикилади, тикилаверади. Калланг «поқ» этиб икки паллага ажрай дейди, мажолсизликдан, иложсизликдан хасга тармашган жонингни тақдир ихтиёрига топширасан, ана шунда зувалангга қомиллигу мукамаллик томизғиси борлиги асқотади – сени оёққа кўйиш учун бутун борлиқ чир айланади, «Хайрият!» дея дилинг равшан тартади, қаддингни ғоз тутишга чиранасан, мувозанат сақлашингга асқотган дарахтни кўйиб юборгинг келади... бандаи ғофилсан-да! – Еру Осмон азбаройи бу шаккокликка тоқат қилолмайди – боягиндан кўра қаттиқроқ чириллаб айланади – оёғинг қаерда, бошинг қаерда – фарқига етмай қоласан... яккаю ёлғиз ишонганинг – суянган суянчиғинг тут дарахтига ғайришуурий бир ёввойи шиддат-ла ёпишасан – тирно-

гинг, бармоғинг, кафтинг, кўлу билагинг ачишиб зирқирайди... Ишонган суянчикларингнинг бари-барчаси икки чақалик нафи қолмайди, уларни унутасан, одамга – бандага эмас, энди жонинг кўзингга кўринган чоғда дарахт эмас, хасу ҳазонга-да, бир бўлак кесакка-да тармашасан... тавалло қиласан, тавбалар қиласан... Оёғинг остидаги Еру Заминни курсидек юлқиб олган кўринмас куч-қудрат пойида топинишга ошиқасан, шошқин жавоблар топишга уринасан, надоматлар бўлсинким, шошганда жавоблар эмас, бир оғиз лаббай топилмайди... Одам Атонинг қодиру кабир яратгучимиз устахонасидаги тоқатсизлиги эвазига ҳар бандаи зот ўз азоб-уқубатлари билан шу қабилда товон тўлайди... бу чирпирак оламнинг тиним билмас чархи итқитиб ташламаслиги учун тавбангга таянасан... ғойибдан саволлар ёғилади: кимсан?.. раббинг ким?.. имонинг?.. инсофинг?.. карамингу кароматинг?.. Саволлар манглайингга бамисоли гурзидек зарб билан, устма-уст тушади, ҳар сафар ихрайсан, инграйсан, саволларга муносиб жавоблар топишга уринасан, «Одам умр бўйи саволларга жавоб тайёрламоғи керак»... «Ҳар ким ўзига берилган саволга ёлғиз ўзи жавоб қилгусидир»... «Умринг мобайнидаги амалинг – жавобингдир...» Хотирингга жонланган бу ҳикматларга амал излайсан... дарахт – сен жон нисор қилиб турган тут дарахти қаттиқ силкинади... шира боғлаб чирт юмилган қабокларингни йиртиб очмоқчи, дарахтни тутиб турган, қоп-қора қонга беланган қўлларингга, дарахтнинг сендан-да мўйсафидроқ, сендан-да донишроқ бужур танасига қарамоқчи бўласан – қараб улгурмайсан – дарахт тупроғу заминдан кўпорилиб чиқа бошлайди!.. Дарахтни шоҳларидан тутиб-кўтариб кетаётган қудрат эгасини аланглаб кўрмоқ истайсан... уринишларингни элас-элас англаб идрок эта бошлаган замонинг чалажон жисмингни дарахтга ташлайсан... дарахтга канадек ёпишасан... дарахт эса сендан қочади – қўлларингдан сирғалиб чиқиб кета бошлайди!.. Билагинг, тирсақларинг қонга беланади, жон талвасасида тишлаб олгансан чоғи, лабингдан тиркираб қон отилади – сен қонга парво қилмайсан – жаҳаннамга қулаётган одам оёғи шикастланишидан чўчимайди! –

дам безабон шилимшиқ куртдек, дам кўрқоқликдан яралган сичқондек дарахтга тармашасан, дарахт эса чангалингдан, кучоғингдан сирғалиб чиқиб, ҳавога кўтарилади, сўнги умид-илинжда унинг илдизига тармашмоқчи бўласан, шунда... шунда... ақл бовар қилмас ҳолатга дуч келасан – сен ишонган, танҳо ишончинг-суянчинг – тут илдизсиз эди!.. Шу чокка до-вур илдизсиз дарахтга суянганингни, илдизсиз танага ихлос қўйганингни англаб етасан... нафсониятинг, иззат-нафсинг ўртанади... Эмган сутинг хом эканидан, йўқ, ҳеч бир инсон боласи онасининг сутини пишириб ичмаган! – хом сут эмганингни унутганингдан, Ер юзида ўзингни мутлақ комил ва қодир жондор санаб юрганингдан, қўлларинг истаган юлдузга еггудек кибрланганингдан, вақти етиб арзимас бир кемтиклик олдида ҳушингни йўқотишинг ҳеч гап эмаслигини – ожиз, нотавон банда эканингни лоақал ўйлаб кўрмаганингдан ададсиз афсус-надоматлар чекасан... Сим-сим қоронғида ёлғиз ташлаб кетишганига фаҳм-фаросатинг етмай катта тош йўл қолиб ўзингни ўйдим-чуқур, паст-баланд пахтазорга урганингдан лолу хайрон бораверасан... оёғинг ости қора булутлар қоплаган осмон янглиғ зулматга бурканган – «йилт» этган шуъла кўринмайди, лоақал манглайингни «тақ» этиб урарга арзирли девор тополмайсан... баҳоли қудрат умргузаронлик қилган болалик, ўсмирлик сўқмоқларини қўмсайсан, мушфик волиданг, умр йўлдошинг бирлан қўлни қўлга бериб борадиган – ҳам уқубатли, ҳам ҳузурбахш фақирона сўқмоққа қайтишни қўмсайсан... Йўқ ердаги таҳликалар гирдобига ғарқ бўлаётганинг – ўзингни шу йўлга гирифтор қилганинг аламидан бошингга муштлайсан... шу пайт зулмат чулғаган зимистон осмон қаъридан учар баркашнинг ажабтовур, лекин жонга ғулув солувчи гувири эшитилиб қолишидан чўчиб бирон паноҳ истаб жуфтакни ростлаш пайига тушасан... Бошпана топиб улгурмасингдан – Аминвой айтаверади: «Ернинг остига кириб бўлсаям кўздан йўқол!» – дейиш осон!.. рўпарангда хушқомат ёхуд дароз келгинди пайдо бўлиши ҳеч гап эмаслигини тасаввур қилиб юрагинг орқангга тортади,

ажал таъқибидан халос бўлмоқчидек иланг-биланг йўл соласан... уйингга етиб олишни, дарвозадан кирибоқ уни гумогурс тамбалашни, сўнг кўрпа-тўшакни кўлтиклаб хотининг билан этакдаги онангнинг уйига кириб олишни – у ердаги эшик-деразаларни тақа-тақ зичлаб, қалин пардаларни тушириб... жон сақлаш, анавилар келиб чақиргудай бўлса мик этмай ётаверишни дилингда тугасан – шу мўлжалда югурасан-югургилайсан, қоқиласан-суқиласан... эмаклайсан-судраласан... чақалокнинг бошидек-бошидек кесаклар орасидан паноҳ истайсан, думи узилган калтакесак янглиғ ўзингни урарга туйнук тополмай ўрмалайсан... кесаклар ва ғўза қаторлари орасидан эмаклаб чиқаётиб бетларинг, кафтинг, тирсақларинг, тиззаларинг шилинади... Инсон таъқибидан жон сақламоқ таҳликасида орқа-олдига қарамай қочаётган йирткичдек кўзларинг қонталаш, тилинг осилган – ҳарс-ҳарс нафас оласан... қаддингни ростламоққа уринасан – белингда оғриқ туриб инграб юборасан – оёқларинг жонсиздек – узилиб қолаётгандек ортингдан базўр судралади... сўнги дақиқада худо сенга раво кўрган тинч, осуда йўлга қайтиш илинжида узр сўраётгандек, та-зарру қилаётгандек инграйсан-ингранасан – тавбалар бўлсинким, инграшларинг қопқонга тушган сичқоннинг сўнги бор чийиллашига ўхшаб кетади – ўзинг буни сезмайсан, негаки, вужудинг, вужудинггина эмас, бутун ёруғ дунё кўрқувга лиммо-лим тўлган, бинобарин қулоғинг, шууринг зимистон оғушидаги сарҳадсиз далани тутган юрак дупури остида том битган бўлади, Бозор!..

## 15

Хайрият, Бозор уйига эсон-омон етиб келди. У шунчалик тез юрдик, оёғидаги этикнинг оғирлигини ҳам, устидаги пахтали камзулнинг бесўнақайлигини ҳам, йўлнинг зим-зиё қоронғилигини ҳам пайқамади. Фақат деворнинг нураган жойидан «лип» этиб ошиб ҳовлига тушди-да, бориб дарвозанинг танбасини ушлаб кўздан кечириётганида қўллари қалт-қалт титраётганини, аъзои бадани жикқа терга ботганини, бирдан музлаб совқотаётганини сизди. Фақат буни ўйлаб ўтирадиган

фурсати эмаслигини яхши билганидан этигини дўпирлатмасликка уриниб, айвон ёқасига борди – ҳа, Аминвой гуппи қолдириб кетган жойдан уйига кела-келгунича этигини дўпирлатмаслик учун панжаларини чангак қилиб йўл босган – шундан пайтаваси йиғилиб кетган шекилли, иккала оёғининг юзи жазиллаб ачишаётгани – айвон чироғини шошиб ўчирди – «Ахир, ёп-ёруғ уй тўппа-тўғри нишон-ку, уларга... кўради, адашмай-нетмай топиб келавуради» деб кўнглидан ўтказди у – уйга кирди, этигини ичкарига ечиб чироқни ёқмай қоронғида пайпасланиб тахмондан кўрпа олаётганида ташқаридан оёқ шарпаси келди. Бозор иккала қўлини билагигача кўрпа орасига сукқан қўйи шамдек қотди – бошини даст буриб ортига қаради, «Эшикни кулфламабман!» – деди аламдан лабини тишлаб. Шу пайт ҳовли томондан «Бозор ака!» деб чақирди хавотирли овозда Шабнам. Чақирдию, айвоннинг чироғини ёқди. Ухлаб ётгану, бирдан кўзи қамашиб кетгандек:

– Ёқма, ўчир! – деб жон ҳолатда ичкаридан ўшқирди Бозор.

– Вой, нега-а? – Шабнам шундай деб уйга шошиб кирдию, қоронғида оёқ остидаги этикка чувалашиб ётган пайтавага қоқилиб юз тубан йиқилаёзди.

Бозор бунга эътибор қилмади. Аксинча, шивирлаб дўк урди:

– Уйқузираяпсанми?! Ўчир, дедим!

– Қаттасиз? – деди Шабнам йиғламсираб чироқ тугмаси томон бораётиб. – Энам ўчирманглар деганлар-ку... Ёруғ бўл туриши керак...

Энаси шундай деган, тўғри, ҳатто Бозор билан Шабнамнинг ёдидан кўтарилганида атайлаб неча марта айвоннинг чироғини ёқиб кетган, қишлоқда чироқ ўчғудай бўлса зудлик билан лампа шишаларнинг барини ёқиб қўйган.

Қоронғига кўзи кўниккан Шабнам эрининг тахмонга қапишиб турганини кўрдию, кулиб юборай деди. Ваҳимага тушиб тез-тез юриб келиб эрига ёпишди.

– Нима қиялсиз? Нима бор этга? – деб сўради. Сўрадию, жавобини кутмай ҳайқириб юборди: – Ву-

уй!... Нима, чўмилдингизми?! Вой, ўлай-й!.. Қатта мунча терладийиз?!

Шабнам талвасага тушгудай шошқалоқлашиб эрининг дам сочини, дам елкалари, кўксини, юз-кўзларини пайпаслаб чиқди. Бу орада хавотири хийла ариган Бозор ўзининг аҳволи нақадар аянчи-кулгили эканини фаҳмлаб ҳушини жамлашга уринса-да, кўнглидаги асл муддаони яширолмади.

– Кўрпа олаётгандим... – деди у куруққина қилиб. – Оббориб онамнинг уйида ётмоқчиман...

– Вой!.. Сизга нима бўлли, Бозор ака? Ўйлаб гапиряпсизми?

Шабнам эрининг мақсади жиддийлигини ҳам, унинг ҳазиллашаётган-ҳазиллашмаётганини ҳам фарқлай олмади.

Бозор тахмондан нари кетди. Хотинининг: «Ювиниб олмайсизми?» деган сўроғига, «Бугун кўп ишламадик», деб жавобни қисқа қилди-да, Шабнамга, «Айвоннинг чироғини ўчир, ҳозир тонг отади», деди ғудраниб.

Шабнам айвоннинг чироғини ўчириб қайтди. Қайтиб уйга кирдию, ўқчиб юборди – инкиллаб-синкиллаб ёнбошига энкайганича пайтавани этикка тикиб айвонга чиқарди. Ётоқ бўлмасига кириб олган Бозор ичкаридан, «Чироқни ёқма, эшикни ёп», деб кўрсатма берди. Шабнам эрининг амрига сўзсиз бўйсунди. Одатда Бозор бу тахлит кеч қайтганида ортиқча гапирмас, хотинининг пўрсиллаб шишган бетлари, лабларидан ўпич олиб, дўмпайган қорнини силаб, «ўғилча»сини эркалар, сўнг чарчаб ўзини ўринга ташлардию, донг қотарди. Шабнам эрини сира бугунгидай аҳволда кўрмаганди – унинг шундайига ҳам куш уйқуси ўчган, эри ишдан қайтганига – қайнонасининг ёнидан туриб жойига келиб бемалол ётганига енгил тортиш ўрнига хавотири орта бораётганига тушунолмаётган, негадир чироқни ёққиси, эрининг ранг-рўйига разм солиб қарагиси, гап нимада эканини билгиси келаверди.

– Эшикни зичладингми? – сўради Бозор ётоқ бўлмасига кирган заҳоти. – Деразапардани торт!..

Шабнам ётса, турса, юрса хаёли бир нарса билан банд – омон-эсон енгиллашиш, хаёлига шундан бўлак

ҳеч нарса сиғмас, ҳатто ой-куни яқинлашгани сайин яхши ниятлар билан жажжи-жажжи кўйлакчалар, ширин-ширин қалпоқчалар тикаётган бўлса, энди юрагига ўшалар ҳам сиғмаётган, ўзинигина эмас, ота-онаси, қайнонаси, эрини қийнаб юборган гумонасининг туғила қолмаётганига дарди дунёси зим-зиё тундек қоронғи эди. Мана, энди, шу топда эрининг пўписа аралаш зардасига эътибор қилдию, «Эрим тагин келгиндиларнинг қўлига тушган!» деган гап хаёлидан яшиндек ловуллаб ўтиб, қаттиқ кўрқиб кетди.

– Овозингиз ғалати чиқяпти-я! – деди у хавотирланиб. Бозор жавоб бермади. Шабнам шошилиб каравот қирғоғига ўтирди-да эрининг елкасини, қўлларини пайпаслади, силаб-сийпади – Бозор безгак хуружи тутган хастадек ғужанак бўлиб ётар – қўли, елкаси ҳамон илимаган эди. «Совуқ қотдингизми?» – Шабнамнинг товуши қалтираб эшитилди, «Бунча кеч қолдийиз?» сўради у ялинчоқ овозда, сўнг, кўрпани эрининг елкасига довул тортди. Шунда...

– Вой, ўлмасам! – деб ҳайқириб юборди Шабнам ва аввал бир, кейинидан икки қўллаб эрининг бошини, чаккаларини пайпаслай кетди. Кўрқишни ҳам, таажжубланишни ҳам билмай гапирди: – Бошингизга нима қилди?! Вой, тавба!.. Бошингиз-чи, Бозор ака, кичкина боланикидай бўлиб қолибди!.. Ўзингиз сезмадингизми?!

Бозор қалтирайверди. Хотинининг гапидан ортик ажабланмади ҳам.

– Майли, – деди у титроғини босишга чираниб. – Овозим ингичкалалашса ҳам, бошим кичрайса ҳам майли, ўзим... ўзимиз жон сақлайлик, Шабнам... ух, белим!.. Белим узилиб кетай деди-ей, Шабнам!.. Нимадир қисиб қолганга ўхшаяпти. Қарагин...

Шабнам эрининг елкасини, белини силаб-сийпашига тушди, «Секин, астароқ!» деб ғингшиди Бозор.

– Қатгайдийз, Бозор ака? Пуф-э!.. Сичқоннинг инида биқиниб ётганмидингиз, нима бало!.. Ё, биров қувдими, а? – Шабнам эрининг оҳ-воҳини охиригача эшитмай сўрашга тушди. «А, айтинг, айтинг»лаб турди-турди-да, ўпкаси тўлиб пиқиллаб йиғлаб юборди.

– Йиғлама! – жеркиб шивирлади Бозор. – Жим! Секи-ин!..

Шабнам лабини қонатгудай тишлади.

– Нима бўлди, ўзи? Нега айтмаяпсиз? – йиғи аралаш ўпкаси тўлиб сўрайверди у. – Аҳволингизни кўриб кўрқиб кетяпман. Яширманг, айтинг, Бозор ака...

– Ёт, ётгин... Секинроқ гапир... – деди Бозор ўрнидан туриб ўтириб. Сўнг, Шабнам чирокни ёқмоқчи бўлиб шайланганини кўрди-да, сирни очишга қарор қилди:

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ, – деди у ўзини босиқ тутишга уриниб. Сўнг хотинининг диққатини жалб қилмоқчидек бир зум сукут сақлади-да, давом этди: – Кўп жойга тушаётганмиш-ку, анавилар... – қоп-қоронғи жимжит уйда овоз чиқариб юбормаслик учун оғзини бармоқлари билан беркитиб ўтирган Шабнамнинг пишиллаб нафас олиши эшитилиб турарди. Бозор гапирди: – Кўкдалага тушибди, Бедапоёга тушибди... Келгиндилар дарё ўзанига уя қурибди, деган гапга ўзи ишонмагани учун буни хотинига айтмади.

– Тушиб нима қилаётганмиш? – савол қотди Шабнам.

Бозор ҳеч бир мазмун англамайди деган тарзда «ҳм» деди-қўйди.

– Сизга бошқа йўлиқмадими?

Бозор бош чайқади.

– Нега унда... Унда нега бошингиз, товушингиз ўзгариб қоляпти? Белингиз...

– Жимм! – шипшиди Бозор. – Сўраб енгяпти улар. Сўрагани сўраган!.. Сўроққа тутганнинг ўзида бир ёқлик бўляпти одамлар. – Шундай дедию, бирдан тутакит кетди. – Сўраса, нима? Сўраса сўрайверсин! Сўроққа тутаверсин! Сен жавобингни беравер! Сендан нима кетди!.. Нима, жавоб беришдан кўрқасанми? Жавобинг йўқми?! Жавобни қалаштириб ташла! Уюб ташла! Шундай жавоб бергинки, савол тополмай ўлсин, кетсин, йўқолсин, келган жойига!..

Шабнам инграб биқинини чангаллади, оғриқ қаттиқ чангак солди шекилли, ўрнидан ирғиб турди, нафас учун ҳаво етмагандек дераза яқинига бориб пардага қўл

чўздию, изига қайтди – эшик томон юрди. Уйнинг ўртасига келиб тўхтади. Нафас ростлаб турди-турди-да:

– Қайгадир кўниб, ўрнашиб олганмиш-ку, – деди инграмоқдан нари бўлиб.

Бозор зийрак тортди, авзои бежолашди.

– Қатган эшитдинг? – сўради у хотинининг афтига қарамай. – Сенга рўпара келдими, улар?!

Шабнам қоронғи уйнинг ўртасида турган жойидан ўзини каравотга – эрининг ёнига ташлади. Ташладию, ўпкасини босолмай йиғлаб юборди. Бозор ўзининг таҳликада ўтирганини унутиб хотинини юпатишга тушди.

– Нима дедингиз, Бозор ака! Менга нега рўпара келади уларингиз?! Мен нима ёмонлик қилдим уларга?! Мени сўроққа тутса ўлиб қоламан, Бозор ака...

Бозор ўйга толса учар келгиндиларга қарши чора топадигандек, ўзигина эмас, бутун оиласи, у ёқда заводдагиларнинг тинчини ўғирлаган, бутун-бутун қишлоқларни таҳликаю саросимага солаётган кўркувнинг давосини топадигандек жим бўлиб қолди. Унинг мияси ишламаётган – нимани ўйлашни ҳам билмаётган эди. Но тайин хаёллар измида қанча ўтирди – эслолмади, ниҳоят, Шабнамнинг «Хамма гапиряпти... Одамларни обкетиб қолаётганмиш» деганини эшитди. Энди яширишнинг ҳожати йўқ эди. Кўнглига туккан-тулмаган гапларини пешма-пеш тўқа кетди:

– Опкетса, зиён-заҳмат етказмай қайтариб жойига қўйиб кетяпти, – деди Шабнамга тасалли бериш учун латифа айтаётгандай ҳиринглаб. – Обкетиб бошига урадим... Кўркувдан юраги ёрилаётганларни даволаб юбораётганмиш...

Бозор ўйламай айтган гапидан севиниб кетди. «Шундай бўлса-чи? Шабнамга ёрдам берар!» деган ўйда қоронғи уйнинг шифти йилт этиб ёришганини кўрди – кўнгли ёришиб, кулгиси қистади, хотинининг дардига даво топгандек севинди, севинчининг боисини хотинига ошқор қилмоққа лаб жуфтлади, «Суюнчини чўз, хотин, мушқулинг осон кўчадиган бўлди. Ўшалардан маслаҳат сўрайман!» деб гап бошламоққа оғиз жуфтладию, ичи-

да ҳали босилиб улгурмаган бояги жазава қайта бош кўтарди:

– Биз нега кўркамиз?.. Биров «Отинг нима?» деб сўраса ўтақаси ёриладиганлар кўрксин улардан!.. Қочарга жой тополмайдиганлар... Талвасага тушиб телба бўлиб қоладиганлар... Ўзини осиб қўядиганлар... Биз нимадан кўркамиз?.. Кўркадиган гуноҳимиз йўқ, Шабнам йўқ!..» Бизни обкетиб қомайди, биз... мени бошқа бевозта кимайди, жоним!.. Бизни... Биз оддий бир камбағал одамлармиз, Шабнам!.. Соғ бўлсак... эсон-омон қутулиб олсанг, бас, бошқа нарса керакмас, Шабнам!.. Сўроқдан кўркадиганлар бошқалар, жоним. Биз...

Шабнам эрини базўр гапдан тўхтатди:

– Бозор ака! Бозор ака! – деди у устма-уст нафаси бўғзига тикилиб. – Ўзингиз айтдингиз-ку, Бозор...

– Нимани?!

– Улар фақат тунда келади, дегандингиз.

– Одамлар қаттиқроқ талвасага тушсин, деб атай тунда келади... Хўп, нима демоқчисан? Айт, айтадиганингни! Айтган бўлсам, нима?! Кўркяпти деб ўйлаясанми?! Кўркяпманми?!

– Тонг отай деб қолли, тонг отяпти, Бозор ака, – деб эрини чалғитишга уринди Шабнам ва дераза пардасининг бир чеккасини кўтарди. – Ана, қаранг, энди кемайди улар.

Бозор кўз кирини ташлаб хали тонг бўзармаганини кўрди. Кўрса-да, хотини оғироёқ бошига ўзига далда бўлаётганини пайқади, пайқадию эс-ҳушини йиғиштириб олмоғи зарурлигини фаҳмлади. Сўнг гўё эсон-омон тонг отса қайтиб қоронғи тушмайдигандек, анавилар қайтиб келмайдигандек ич-ичидан қувонди. Қувончининг зўридан ўрнидан туриб хотинини қучди, эркалади, уни юпантира кетди. Шу чоғ!.. Нимадир қаттиқ шарақлади, гуриллади, йўқ, гувиллади чоғи!.. Бозор дабдурустдан англаб улгурмай шовқин яқинлашаверди, шиддат билан яқинлашди!... Бозор бир кафти хотинининг сочларида, унга бўзрайган кўйи шамдек қотдиқолди... Шовқин кучайди – «Шу сафар обкетади!» деган ўй миясини тилиб ўтди Бозорнинг. Бу шум ўйдан у



товонига найза кирган одамдек ирғиб тушди. «Нима?.. Ким?..» деб шивирлаб сўради Шабнам. Бозор хотинининг шивирини эшитмади – унинг қўллари асабий титрай бошлади, зум ўтмай титрок тўхтади... Бозор мажолсизланиб, кичрайиб, жони оғзидан чиқиб кетаётган хаста одамдек шилқ этиб ўринга ўтириб қолди. Шабнам тик турган кўйи эрининг боши-елкаси аралаш кучди. Бозор кўзларини чирт юмганча пешонасини хотинининг қорнига босиб тин олди. Шабнамнинг юраги тез, безовта ураётгани эшитилди, туйкус хотинининг қорнида нимадир ағдар-тўнтар бўлгандек гулдиради, нимадир асабий типирчилади – Бозор чўчиб пешонасини хотинининг қорнидан узди – бошини тиззалари орасига солинтирганича ҳамон кўзини очмай Шабнамнинг қўллари чангаллади. Шу пайт чамаси кўшни хонадон рўпарасида мошин тўхтагани эшитилди. «Хайрият! – Енгил нафас олди Бозор. – Қўшникига кепти...» Кўнглидан ўтган бу гапни сўнг овоз чиқариб такрорлади, «Қўшникига... юк мошин...» деди Шабнам ҳам ўзини, ҳам эрини тинчлантириш мақсадида. Эр-хотин хотиржам тортиб улгурмаган ҳам эдиларки, мошин тўхтаган томондан кимдир оғир кирза этигини дўпирлатиб югуриб кела бошлади, яқинлашдию, Бозорнинг деразасини шошилинич чертди – тақиллатмади, чақирмади ҳам – чертдию, тўхтамай этигини дўпирлатганича ҳалослаб югуриб ўтди...

## 16

Бозор бир қарорга келолмай боши қотди: югуриб ташқарига чиқсами ёки чақиринларини кутиб ётсамми?.. Деразани чертди-ку, шу чақиргани-да!.. У ҳолда чақирувчи нега югуриб узоқлашди?.. Қаёққа кетди?.. Ким ўзи?..

Бозор бўйинини чўзиб қулоғини динг қилди, кўрпа остига кириб кетди, манглайи тиззасига теккудай ғужанак бўлиб олди – шундай ўраниб-чирмалиб ётса ташқаридаги чақирқни эшитмайдигандай эди. Шунда беҳосдан билаги дўмбоқ нарсага тегиб турганини сездию, бирдан хушини йиғди. У ғайришуурий бир ҳаракатлар билан Шабнамнинг қорнини силамоққа ури-

наётган – бу билан гўё хотинини, туғилажак ўғлини тинчлантираётгандек эди!..

Аслида эса Бозор куч-қувватга тўлган гавдасини ҳис қилмаётган, гўё ёш боладек, онасининг бағрида ором олаётган митти гўдакчалардек хотинининг пинжигасукилиб ётган эди. У шу аҳволда бошини кўтармай ғужанак бўлиб ётаверишга рози эса-да, тўсатдан очикдан-очик юраксизлик қилаётганига фаҳми етди, ўша замони «Сен ётавур, тинч ёт, мен чиқай» деди оғзи қуришганидан калта-култа, узук-юлук гапириб. Шабнам васвасага тушган эрининг қўллари кўйиб юбормай, «Ёта туринг, чақирмади-ку» деб шивирлади хавотирда.

– Бутун қишлоқ телба бўп қолли, ўзи! – Бозор хотинининг сўзига қулоқ солмай ўрнидан дик этиб турди-да, кийинишга тушди. У Шабнамни тинчлантириш учун атайин овозига зўр берди: – Осмондан тушгич баркашдагиларнинг саволидан адои тамом бўлли!.. Юраксизлар!..

Ҳозиргина ўзининг қай аҳволда ётганини унутган Бозор шундай дедию, гўё хотинининг назарида довюрак эркакка айланди. Шу пайт аллақайси қўшнининг ити сахар сукунатини бузиб безовта вовуллади, унга бошқа итлар жўр бўлди. Дарвозани кимдир итарди. Бозор, «Сен ётавур, Шабнам, кўп юрмай ётгин, мен ҳозир билайчи» деб тоқчага терилган чойнаклар орасидан дандон сопли пичоқни қини билан олди-да, эшикка йўналганида дераза ортидан келувчининг шипшигани эшитилди:

– Бозор... Бо... зор... – деди кўлага жон таслим қилаётган одамдек заиф овозда.

Бозор овоз эгасини танимади, танимаса-да, ҳам нозизи, ҳам хавотир, ҳам хавотирнинг зўридан каравотда ўтирганича бир қўлини бикинига тираб ёнбошига суяниб қолган Шабнамни тинчлантирмоқчи бўлган оҳангда:

– Ҳозир, чиқяпман!.. – деди баралла.

У дарвозани очиб чиққан заҳоти кўчадан ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитилди, Шабнам қулоқ солиб улгурмай овозлар тинди. Шабнам деразанинг олтидан узоқлашиб алпанг-талпанглаб эшикка йўналди, йўналдию, эрининг изидан чиқиш-чиқмаслигини билолмай турганида «чик» этиб айвон ёришиб кетди.

– Шабнам!.. Бозор!..

Шабнам қайнонасининг овозини таниб айвонга чиқди. Чиққан замони Бозор кўчадан қайтиб кирди.

– Ҳа!.. Тинчликми?! Ким?! – Чучук момонинг кўзлари олайиб кетганди. Шабнам ҳам қайнонасининг хавотирира «хисса» кўшиб эрига жавдиради.

– Нарзикул амакнинг ўғли, – деди Бозор овозига атайин вазмин тус бериб. – Ваҳима кўтарманглар... Тинчгина ётинглар... Мен бориб қайтай...

– Х-худойим-эй-й!..

– Эҳтиёт бўлинг!..

Бозор аёлларнинг бири олиб-бири кўйиб зорланишига кулоқ солиб-солмай йўл-йўлакай пахтали камзулини кийиб кўчага чиққанида мошин томонда Нарзикул амакининг ўғли кўринмади. У ён-верига аланглади, энди «Ҳай!» деб овоз бермоқчи эди, пахтазорга туташ дўнглик томондан:

– Бозор... бери кел, – деган садо чалинди кулоғига.

Бозор овоз келган томонга борди.

– Ўтир! – деди амакининг ўғли худди овозини биров эшитиб қоладигандек шипшиб. – Чўк туш!..

Бозор унинг айтганини қилди.

– Учар махлуқлар изимга тушди, – деди у овози қалтираб, – кетимда пойлаб юрибди...

Шундагина Бозор боя чиққанида чакирувчининг, «Учар баркашчилар отамди тутиб олиб қийнабди. Тез юринг, отам сизди сўраб қўймапти» деганини фаҳмлаб етди. Боя эшитгану, дуруст укмаган – «ҳозир» деганча ичкаридагиларни тинчлантириш учун шошиб уйга кириб кетган эди.

– Исмингиз ким, ака? – савол қотди тўсатдан Бозор қад ростлаб.

– Ўтир, тез! – деди кўрққанидан овозини пича кўтариб амакининг ўғли ҳамон дўнглик биқинига қапишган жойидан жилмай.

– Исмингизни айтинг, ака? – сўради Бозор пинагини бузмай,

– Р.. ррахимкул...

– Раҳимбой ака, юринг, мошинга ўтиринг, гап бор.

Раҳимкул кулоғига ишонмай кўрка-писа қад ростлади, индамай кетиб бораётган Бозорга эргашди.

– Қанақа одамсизлар-ей! – гапнинг дангалига кўчиб жеркиди Бозор мошинга минишгач. – Отангиз кекса, ҳарқалай, содда одам. Сиз мунча кўркмасангиз?

– Кўркмаган одам қоллими, Бозор?.. Пахта хонавайрон қилли, ҳаммани!

– Пахтада гуноҳ йўқ! Гуноҳ – ўзларингда!.. – Бозор тутакиб шундай дедию, Раҳимкулнинг кўзи олайиб, пахтаси ўйнаб кетаёзганини кўриб тилини юмшатди: – Гуноҳ – одамларнинг ўзида... ҳаммамизда...

– Менинг гуноҳим нима, Бозор? Мен кимга ёмонлик қилдим?!

– Сиз ёмонлик қилдингиз деёпманми мен?

– Унда нега ҳаммамиз деёпсан?.. Мен ҳам шу ҳамманинг бириманми?!

– Ёмонлик қилмаган бўлсангиз мунча кўрқасиз, Раҳимбой ака?! Ўғри эмассиз, бузуки эмассиз, муттаҳам эмассиз – тўғрими?! Диёнатли одамсиз? – Шундайми?.. – Раҳимкул Бозорнинг ўзига тикилиб турган кўзларига тик боқолмай тарракдек қотди. Бозор шафқатсиз савол ёғдирди: – Айтинг, Раҳимкул ака, қайси гапим тўғрироқ: диёнатли инсонсиз ёки аввалги айтганларим... Гапиринг, нега индамайсиз?!

Раҳимкул гапирмоқчи бўлиб оғиз жуфтладию, гўлдираб нафаси ичига тушди. Гуноҳкор боладек кўзлари жавдир-жавдир қилиб тикилиб тураверди. Ниҳоят, бирдан:

– Ўйламаганман, ўлай агар, ўйламаганман! – деб юборди. – Ахир... ахир орқамдан келли, Бозор! Измаиз... Теппамдан пойлади!.. Ўлла-а, Бозор!..

Раҳимкул йиғламсиради, Бозор унинг йиғламсираган овозини эшитиб «отасиникига ўхшар экан» деб кўнглидан ўтказди, унинг аҳволини кўриб қаҳри бир оз юмшадди.

– Хўп, келса-чи, келса, нимадан кўрқасиз, Раҳимбой ака?.. Жонингизни олмаса...

– Тутиб олса-чи?..

Бозор фикрини уқтира олмаслигига кўзи етиб ҳафсаласи пир бўлди.

– Хайданг мошинни, Раҳимбой ака! Кетдик! – деди унга далда бериб.

Раҳимкул калитни уясига суқолмай анча уринди, шабкўр одамдай энгашиб тимирскиланди. Унинг қўли қалтираётганди... Буни сезган Бозор калитни унинг қўлидан олиб жойига суқди. Шундан сўнг Раҳимкул икки-уч қайта уринди ҳамки, мошин «кфғ-кфғ»ладию ўт олмади. Ўт олмагани сайин Раҳимкул аланг-жалаң қилар, дамо-дам бежоланиб рўпарасидаги, ёнидаги ойнадан осмонга кўз ташлаб қўяр ва худди Бозор бирон ёкка қочиб кетадигандек шошиб ёнига қарар, Бозорнинг хотиржамлигини кўриб тинчланар эди. Ниҳоят, у мўлтайиб Бозорга ёлборди:

– Ке, ўзинг ҳайда, Бозор, қўлим калтираб кетяпти.

Бозор гап-сўзсиз тушди-да, мошинни айланиб ўтди. Ўтгач:

– Сурилинг, – деди Раҳимбойга ва унга сездирмай тонгги юлдузлар чарақлаб турган осмонни бир кур кўздан кечирди, ён чўнтагидаги пичоқни ушлаб қўйди. Сўнг, рулга ўтириб мошинни ўт олдиришга чоғланди. Бир-икки уриндиямки, мошин, бояги-бояги «кфғ-кфғ»дан нарига ўтмади. Шундан сўнггина Бозор ҳамроҳидан беркитмай-нетмай осмоннинг тўрт буржигга обдан аланглади. Уйда – хотинининг ёнида ётган жойида тал-васага тушганининг боисини тушунмай ҳайрон бўлди, қилган қилиқларидан энди ажаблана бошлади.

– Ҳа, Бозор? – сўради нафасини ютиб, ғужанак бўлиб ўтирган Раҳимбой.

– Бехавотир, Раҳимбой ака, – деди Бозор моторни ўт олдиришга уриниб. – Ўзи... Аслида!.. Ҳа!.. Ҳа!.. Кетди-и!..

Юк мошин силтаниб кўзғалдию, бир маромда юриб кетди. Бозор билан Раҳимкул енгил тортиб «Хайрият» дегандек бир-бирларига қараб қўйдилар.

– Ҳайда, Бозор, тезроқ ҳайда! – кисталанг қила бошлади бир оздан кейин Раҳимкул.

Катта йўлга чиқишгач, тезликни оширган Бозор боя бошлаган гапини давом эттирди:

– Ўзи, аслида, – деди Раҳимкулга бирров кўз кирини ташлаб. – Улар истаса мошинни ўт олмайдиган қип

қўяди... Кейин-чи, ака!.. Улар сиз минан қувламачоқ ўйнаб ўтирмайди: истаган заҳоти тўхтатади-да, сўроққа тутаяди.

– Нимани сўрайди?

Бозор кулимсиради, хиринглади, кулди, телбаларча совуқдан-совуқ хаҳолади ва Раҳимкулнинг саволини эшитмагандай:

– Сиз эса дўнглик панасига биқиниб олибсиз!.. Хоҳ-ласа-чи, ака... хоҳласа ерга кирсангиз – қулоғингиздан, осмонга чиқсангиз – оёғингиздан тортиб олади улар!..

– Уларнинг ўзи осмонда-ку!

– Э, ўлманг! – деди Бозор Раҳимкулнинг кифтига шапатайлаб. – Бизнинг мақол уларга тўғри келмас экан. Булардан-чи, ака, фақат ерга кириб қутулиш мумкин. Ўшандаям, омонатни топшириб лаҳадга кирасиз, қутуласиз. Унгача... лаҳадга тушгунга қадар жавобингиз тайёр бўлсин, ҳа, ака, жавоб чоғида бийронлик қутқаради!..

– Тўғри айтасан, Бозор, – деди Раҳимкул унинг бемаврид ҳазилига эътибор қилмай. – Отамди уйдек ғарамнинг остидан тортиб чиқарибди!

– Сичқоннинг ини минг тилло бўлибди-да, – Бозор кулмоқчи эдию, бирдан жиддий тортди у – бели симиллаб оғриди, овози ёқимсиз чийиллади: – Қаерда, қандай ғарам?!

– Фермада! Фермада ўтиб келаётганида!..

– Қандоқ қийнабди?

– Ёмон қийнаган, Бозор... нукул алаҳлаёпти!..

– Қийнаганидан эмас, – Бозор Раҳимкулнинг гапини чўрт кесди. – Отангиз кўрққан!..

– Кўрққанидан шунчалик азоб чекмасди, Бозор.

– Кўрқишдан оғирроқ азоб йўқ, ака! Каллангни сапчадек узиб ташласа қутилсан-кетасан, лекин «каллангни оламан» деб судраб-чўзиб юргани ёмон!..

– «Ўлганим яхши» деёптилар, отам, – деди йиғламсираб Раҳимкул.

Бозорнинг қўллари мажолсизланиб руль чамбарагини базўр тутиб қолди. Беихтиёр хурпайди, бошини елкалари орасига тортди.

– Ваҳима... – деди у пичирлаб. – Ваҳима...

– Нима? – сўради Раҳимкул.

Бозор жавоб бермади. Мошин Нарзикул амакининг дарвозасига яқин келиб тўхтади, суҳбат узилди. Бозор ўтни ўчиргач ҳам мошиндан ташқарига чикмади – бошини елкалари паноҳидан чиқариб ойна томон оғдириб кулоғини динг қилди. Шу алфоз бир муддат тек ўтиргач, «қарс» этиб эшикни очдию, пастга эниб ғизиллаганича ўзини йўлакка урди. У Раҳимкул етовида ҳовлидан ўтаётганида тонг бўзара бошлаган эди...

## 17

Бозор даҳлизга етмай ичкаридан, «Ана, келли, келишди» деган овозларни эшитди. Уйга кириши билан сим каравотда бошини кўрпага буркаб ётган Нарзикул амаки ўрнидан туриб ўтирди ва:

– Бозор, ини-им-м! – дедию, ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

Бозор амакининг қўлларини силади, кифтига қоқиб юпантиришга уринди, нимадир дейиш мажбуриятини сезса-да, сўз тополмади ва хонани тутган сичқон исидан бурнини жийириб хаёлига келганини айтиб юборди:

– Сув беринглар...

– Сув бердик... Сиз юпантинг, бобойни!

Бозор тепасида дўриллаган товуш эгасининг авзойи чатоклигини пайқаб бошини кўтарди. «Амакининг тўнғичи бўлса керак, – хаёлидан кечди унинг. – Менга нега тўнғиллаёпти? Нима, мен...» Нарзикул амаки ингради – Бозор амакини юпантирадиган сўз тополмай ўйга толди. «Амаки нимадан бунчалик кўрқади?.. Бор-йўғи юкчи бўлса... Раҳматовдек суянчиғи қараб турмас... Келгиндиларга биринчи рўпара бўлгандаёқ бўлари бўлди амакининг!.. Кейин Бозор айтди, «Директорга айтиб кундузги ишга ўтиб олмайсизми?» деди. Амаки кулди – Бозор энди фаҳмласа ўша топда амаки одамсимон махлуқларнинг ташрифини ҳам унутиб, сўнг, «Сен нимани билардинг, бола» деган оҳангда қандайдир ўзига ярашмаган димоғдорлик билан мийиғида кулган эди. «Ҳа?» – сўради Бозор ҳайрон бўлиб. «Э, бўлак юмушлар кўп, ука» деди амаки тағдор термилиб. Бозор ортик

суриштирмади, суриштирмаса-да, орадан пича фурсат ўтказиб амакининг ўзи гап бошлади:

– Бола-чақа деб юрибмиз-да шетларда тунни минан, ука... Бари жонга тегди, аслида...

Нима жонга тегди, амакининг кўнглида қандай ташвишлар тугун бўлиб ётибди – Бозор учун қоронғилигича қолди...

– Ферма ёнидан кетаётувдим...

Бозор дабдурустдан амакининг хаста товушда бошлаган гапини англамади.

– Лаббай? – сўради у бўйнини чўзиб.

– Гапираверманг, ўша фермани! – ўшқирди тўнғич ўғил.

– Гапираверсинлар... гапираверинг, амак... – жуда вазмин, босиқ оҳангда деди Бозор бояги зардаси учун тўнғич ўғилдан аламини олмоқчидек. – Оғзингизга келганини айтаверинг, ичингизда қолмасин... Енгил тортасиз, амак, гапираверинг...

Нарзикул амаки ётган жойида қўзғалди.

– Қўзғалманг, ётган кўйи айтинг... Кулиб-кулиб айтинг-да, амак!..

– Одам ўлай деёптию, кулинг дейди-я! – тўсатдан ўшқира кетди тўнғич ўғил Бозорга: – Мазах қилмоқчимисан бизларни?!

Бозор кўрқув ўғилни васвасага солиб қўйганини сезди. У отасининг шу аҳволга тушганидан эмас, балки ўзининг ташвишида қаттиқ кўрқаётганини Бозор сезди. Ўзини босиб, «Ҳа, гапир, зардаларинг бўлса тўкавер» деган маънода тўнғич ўғилнинг башарасига бамайлихотир назар ташлади.

– Ўша келгиндиларингга қўшиб уруғингни қуритаман!!!

– Ўчирр!! Оғзингни юм!

Бозор тўнғич ўғилнинг жон талвасасида гапираётганини пайқайди, унга жавоб қайтариш нияти йўқ эдию, амакининг баттар таҳликага тушиб сапчиб туриб кетганидан шошиб қолиб ўшқира кетди:

– Кўрқаётган экансиз, чикинг уйдан! Боринг!

– Мен кўрқяпманми?!

– Кўрқяпсиз!..

– Нимадан кўрқаман?! Кўрқадиган жойим борми?!  
– Чик, уйдан чи-ик... – ингранди Нарзикул амаки. Раҳимкул акасининг тирсагидан олиб уни ташқарига торғди.

– Билсанг, айт! – ҳамон Бозорга ҳамла қилишдан тўхтамади тўнғич ўғил.

Бозор ўрнидан туриб кетди, каравотдан оёғини осилтириб ҳолсиз ўтирган амакининг елкасига кафтини босганича укасининг етовида эшикдан чиқаётган тўнғич ўғилдан кўзини узмади. Ака-ука остонадан ўтиб эшик ёпилаётганида тилининг учига қадалиб қолган гапини айтди:

– Кўрқадиган жойингизнинг ҳисоб-китобини ўзингиз қилинг!.. Мен қаёқдан билай, сиз нимадан кўркишингизни?!

– Бунинг ваҳимаси ортиқча! Жондорга рўпара келган ман-у, юраги адо бўлган – у.

– Мен янаги ҳафта бўладиган тўйнинг ташвишидаман!.. – тўнғиллади ташқаридан тўнғич ўғил.

Бозор дағдағага кулок солмади, амакини, колаверса, ўзини тинчлантириш ниятида гапни учар келгиндиларга бурди:

– Қўйинг, бу ташвишларни амак, анавиларни учратганингиздан эшитайлик.

Нарзикул амаки боя бошлаган ҳикоясини эътирозсиз давом эттирди:

– Сен қайтавермагач, пахта ҳам сийраклашди... Пахта адо бўлди, бу ёғи қиш... Сўнг, кетдим... Ҳаво булут, осмоннинг дами қисяпти деб ўйладим – чиқиб уйга қайтавердим... Ферма ёнидан ўтаётувдим... Қаттан пайдо бўлли – ақлим хайрон десанг!.. «Ғир-ғир» қилдию, беш кадам рўпарамда!.. Ўзимни ғарамди остига урдим!.. Белимга довр кириб кетдим!.. Нафас олмай ётавердим!.. Ўша – пахта ғарамига тушган дароз бўйлиси – худди ўзи! «Пайқамасин-да, ишқилиб!» деб юрагим отилиб кетай деб ётибман. Ферманинг итларини ер ютганми, бирон-тасининг дами чиқмайди! Вовуллаб келса қочармиди, баркашига миниб! Бозор ука-а, шундай деб ўйлаб ётибману, мунда-ай қарасам, устимдаги хас-хашакка қўшиб

биров суғуриб оляпти!.. Иккала биқинимда қандайдир қўл! Қарасам, икки оёғимда тик турибман, рўпарамда – дароз жондоринг!..

– Нимани сўради? – лукма ташлади Бозор, амакининг ҳикоя қилишидан тоқатсизланиб.

– «Яхшилаб ўйладингми?» деди.

– Нимани? – Бозор шундай сўрадию, ғарам тепасига ташриф чоғида келгиндилар баркашига томон кўтарилаётиб «Яхшилаб ўйлаб бок» деганини эслади.

– Кейин, «Маошни қаердан олдинг?» деди. Сўрайверди.

– Нима жавоб қиллингиз?

– Айтдим, Бозор... Йўқ, дарров айтмадим. «Раҳматовдан сўранглар» дедим, «Директор у-ку» дедим!.. Тўғримасми, иним, ўзинг айт, заводди ишини мен қайдан билай?.. Қора юкчи бўлсам... Ана, Раҳматовдан сўрасин, Давлатовди сўрок қилсин!.. Гуппининг дўки ортиқча!.. Раҳматов акаям ўшанинг чизиғидан чиқмайди!.. Оқсоқолди мен қайдан билай!.. Уни кўрмаган-нетмаган...

– Оқсоқолни сўрадим?

– Сўради. «Оқсоқол заводга неча марта кеган?» деди. «Кўрмаганман» дедим. «Ёрдамчилариминан кеганми?» деди. «Билмайман» дедим. Сўрайверди – билмайман деб тек туравердим. Жўнаб қолай десам оёғим йўқдек! Шол бўп қоллимми деб кўрқдим, Бозор! Чини, иним, сўрок қилаётганда оёқни мадорсизлантириб кўяркан!.. Бир чок кўрқитишга тушди – тишим шақиллаб, қўл-оёғимдан мадор кетиб, турган жойимда йиқилдим.

– Урдими?! – чўчиб сўради Бозор.

– Урмади, Бозор, ургандан баттар қилли: «Оқсоқолга бўйсунасанми?» деди. «Бўйсунаман» дедим. Ким бўйсунмайди у кишига, Бозор! Раҳматовдек директорнинг капалаги учиб кетадию, у кишининг номини эшитиб, бизга йўл бўлсин, Бозор!..

Бозор Опанинг телефонда Оқсоқол билан эмас, унинг ёрдамчиси билан неча қизариб-неча бўзариб, дудукланиб гаплашганини эслади. Амаки дам тоғдан, дам боғдан келиб вайсайверди. Бозор «қисқа қилинг» демокқа лаб жуфтладию, айтмади, «Ҳар қалай, гапиргани сайин енгил тортяпти» деб мулоҳазаланди. Амаки гапираверди:

– «Оқсоқолни кўрганмисан?» деб сўради. «Йўқ, дедим». «Маошни ким беради?» деб сўради. «Давлатов беради – кассадан оламиз» дедим. «Фақат кассадан ола-сизларми?» деб айлантирди. Жавоб бермасимдан яна сўради – «Давлатов Аминвойга ким бўлади?» деди.

«Бўласи» дедим. Сўнг тагин Оқсоқолга бурди сўроқди: «Оқсоқол заводга келганми?» деди. Сўрайверди, сўрайверди. Жонимда жон қомади, Бозор!.. Ҳўлган бо-боларимни, момоларимни кўрсатди, кўзимга, ука!.. Кейин... Сўнг... «Кўрганман, Оқсоқол кеган, кўп кеган, за-вудга» дедим...

– Кўрмагансиз-ку, Оқсоқол кеганини? – биринчи бор унинг раъини қайириб савол қотди Бозор.

– Ҳша топда жонимни оларди, Бозор!.. Кўрмаганман, десам, болаларим етим қоларди, иним!.. Ажалим Ҳшарларнинг кўлида бўп қолли, ука!..

Бозорнинг боши қотди. Келгинди махлуқлар Ҳзидан ҳам Оқсоқолнинг сўраганини эслади. Тагин дуч кел-са, сўрайверса, сўроққа тутаверса – Бозор нима дей-ди? Оқсоқолни кўрган-нетган бўлмаса! Қандоқ қилиб «кўрганман» дейди?.. Оқсоқолнинг, лоақал сурат-пуратини кўрмаган... Нарзиқул амаки ҳар қалай Раҳ-матовни, Давлатову Аминвойни яхши билади, Бозор-бой эса Аминвой билан салом-алиги демаса... бир ҳадди сиғиб «чиқмаган жондан умид» қабилида ёрдам сўраган, омад кулиб, гуппи ёрдамни дариг тутмаган, холос!..

– Сўнг, мени кўтариб олли, Бозор! Нарвонига тар-машиб юқорига олиб чиқди. Бояги... хотинларга Ҳхшаш хипча беллиги бор-ку, Ҳша, боласини кўтаргандек кўлтиқлаб олли!.. Баркашига олиб кирди. Оғзим ланг очилди, Бозор!.. Қарасам, баркаш учяпти! «Ҳлдим!.. Энди болаларим Ҳлигимниям тополмайди!» деб Ҳйлай дейман, қани, Ҳйласам!.. Сира кўрқмадим. «Ҳйингга тушасанми?» деб сўради хипча бел жонивор. «Туша-ман» дедим. «Мени тинч кўйинглар. Ҳн икки болам бор, раҳминглар келсин, мусулмонман», деб ялиниб-ёлвордим. «Топишим уйимдан ортмайди, худо ҳаққи, босиб кўйган мол-давлатим йўқ. Беш кундан кейин уйимда тўй – Ҳғил уйлаяпман» дедим.

– Жавоб бердимми?

– Жавоб қайда! – Нарзиқул амаки шундай деб атайин Бозорни синамоқчидек жим туриб қолди. Пича фурсат Ҳтқазиб, сўнг, гапирди: – Сени сўради.

– Мени?!

– Сени!.. «Аминвойга ким бўлади?» деди. «Оқсо-қолни кўрганми?» деди. «Йўқ» дедим. «Топиши қан-дай?» деди. «Камбағал, етимча», дедим. «Нега заводга Ҳтди ишга?» деб сўради. «Билмадим» дедим. Кейин... кўрқитди. Баркашнинг эшиги очилди-да, мени таш-лаб юбормоқчи бўлли! Нақ абжағ бўлардим, Бозор!.. Ҳовлининг Ҳртасига тушиб ер минан текис бўлардим!.. – Нарзиқул амаки боядан бери йиғламай кўйганини эсла-гандек бурнини торта-торта пиқиллади. Ҳпкаси тўлиб, овози баттар бўғилди: – Сен эҳтиётингни қил, Бозор!.. Айтдим, Ҳлиб қомай, осмондан ташлаб юбормасин, де-ган хавотирда айтдим: «Бозор Оқсоқолни кўрган. Бирга кўрганмиз» дедим. «Бозорнинг топишини Аминвойдан сўранглар» дедим... Бундай қарасам Ҳвлимда – молхо-нанинг ёнида ётибман!.. Қандоқ тушдим, уларга нега шундай дедим, қандоқ тилим борди – Ҳллай агар билсам, Бозор?! Энди нима қиламиз, иним?.. Ким деган одам бўллим?..

## 18

Бозор мийиғида кулимсиради, бехосдан овоз чи-қариб ҳиринглади, ҳайрон бўлиб қулди, нега кулаётга-нини билмай ажабланиб қулди, Нарзиқул амакининг тентақбашаралигидан истехзоли қулди, амакининг учар баркаш ичида қай аҳволда Ҳтирганини тасаввур қилиб, одамсимон махлуқларга ялиниб-ёлборганларини, ялтоқ-ланганларини кўз Ҳнгига келтириб тиржайди, илжайди, қикирлаб қулди... дарғазаб бўлиб қулди, тишларининг орасидан тупук сачратиб, жиғибийронлигидан тилини тишлаб олгудай бўлиб қулди, Нарзиқул амаки қовун ту-ширганидан хабар топган Аминвой гуппи қай аҳволга тушажагини тахминлаб... дами ичига тушиб қулди, Дав-латовнинг айикникидай сумбати кичрайиб кўзлари бе-жоланишини эслаб, ваҳиманинг зўридан шайтонлашини эслаб кўрқувга тўлиб-тошиб қулди... Номсиз махлуқлар учар баркашга миндириб олгудай бўлса, сўроққа тут-

са – Бозор жавоб қайтармаса, улар ҳоли-жонига кўймай сўрайверса... Бозор оёғини тираб тураверса (ҳеч вақони билмаса нима деб жавоб қилади ахир!), баркаш гувиллабми-гувилламай ҳовлисининг тепасига бориб тўхтаса, «айт» деса – айтмаса, «Айтмасанг, ташлаб юбораверайликми?» деса, «Кўлингдан келса, ташлаб юборавер!» деб тураверса Бозор, «Хотинчангни оёғи остига тушиб мажақ-мажағинг чиқиб кетса ҳам майлими?» деса, Бозор без бўлиб тураверса, уни қўл-оёғидан кўтариб баркашнинг очик эшигига судраб келишса, энди туртиб юборишмоқчи бўлганда, «Тўхтанглар! Қонхўрлар!.. Келгиндилар!.. Одамхўрлар!.. Иблислар!..» ва яна алланимабалолар деб сўкса, шовқин кўтарса, жон аччиғида васвасага тушиб совуқдан-совуқ махлуқларга ташланиб муштлаб-дўппослаб хумордан чиқмоққа чоғланса, лекин ҳарчанд даф солмасин дўппослаш у ёқда турсин, қўлини кўтаролмаса, махлуқларнинг афтига лоақал тик қаролмай мажолсизланиб, ҳолдан кетиб... хўнграб юборса, ялинса-ёлборса, ахир, Шабнам оғироёқ, ўзи туролмаяпти – хотини шўрликнинг юрагида юрак қолмади! – уч терак бўйи тепалиқдан чалпақдек бўлиб ерга тушган Бозорнинг оёқ-қўллари тўрт томонга тарвақайлаб отилиб кетса, мияси мажақланиб кўзлари косасидан ситилиб чиқса... шундайига ҳам адои тамом бўлиб юрган Шабнамнинг юраги ёрилса... уйдан югуриб чиққан онаси ўғлининг жасадини танимамай ўзини келинининг жонсиз танаси устига ташлаб уввос солса, қон қақшаб фарёд кўтарса – қўни-қўшнилاردан биронтаси «Нима гап?» деб чиқмаса – кейинги пайтда Бозорнинг уйдагиларга қим рўпара келса орқасига қарамай қочадиган, сўрашмай ўтадиган одат чиқарди-ку! – аллақачон ой-куни етиб муддатидан ўн-ўн беш ҳафта ўтган шўрлик Шабнамнинг жонига оро кирадиган бирорта диёнатли мўмин топилмаяптию! – сўнг бурда-бурда бўлиб титилиб ётган ўғлининг жасадини таниб қолган онасининг ўша жойда эси оғиб қолса... Кўнглида тўфон кўтараётган ноаён ваҳмга бас келолмай укубат ва аянч билан қулди Бозор... озор чекиб, рутубатли қулди... кўз ўнги қоронғилашиб қулди... телбаларча қулди... ҳали дунёга келмаган ўғли

фироқида қон йиғлаб қулди.. Хайр-хўшни насия қилиб, кула-кула чиқди амакининг уйдан, кула-кула излади Аминвойни, қулиб-йиғлаб, йиғлаб-қулиб айтди Аминвойга бор гапни... Аминвой шарақлаб қулди, бехосдан қулди... Хайрон бўлиб, кўзлари олайиб, итлиги тутиб ижирғаниб, иржайиб қулди... – «Ўчир!» деди туйқус!.. «Турқинг қурсин!» деди, «Сўтак! Даюслар!» деди, «Латтачайнар!» деди, сўқинди, бўралатиб сўқди... Кимларнидир остин-устун қилиб онасини... Бозор ҳушини йиғавермади, ниҳоят, қулоқ чаккаси шарақлаб кетди – чайқалиб бориб бошини деворга урди – кўзидан ўт чакнади – ҳушини йиғди, чаккаларини чангаллаганича деворга ҳолсиз суянди...

– Очиб қўйибдим, қуласан, ит! – деб кекирдаги йиртилгудай бақирришга тушди гуппи. – Сенларни қатимга олган мен аҳмоқ! Мен! Одам қиламан девдим!.. Сенлар сотасанлар!.. Сендақа хотинчалиш дўстлардан етти ёт бегона афзал, душман афзал! Душман!..

Аминвой ғазабдан тушмай Бозорни хотинчалишдан олиб хотинчалишга солаётиб бирдан овози ўзгарди. Бозорнинг назарида гуппи йиғламсирагандай бўлди. Боядан бери ичи қизиб, боши қизиб гап тўплаётган эди – бир бошласа гуппининг оғзини очирмай қўйгудай эди, тўсатдан унинг ўзи юмшади. Бозор буни қутмаганди. Унинг назарида бу яқин-атрофда Аминвой акасидек қудратли, Аминвой гуппидек дасти дароз инсон йўқдек эди. Аминвой гуппи истаса Раҳматовни ҳам, Давлатовни ҳам қуйруғига чўп суқилган хўрозқанддек ўйнатишини Бозор яхши биларди. Аминвой ҳатто ўша кишлокқа танда қўйган одамсимон келгиндилар билан ҳам тил топишиши, улар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетиши ҳеч гап эмас деб ўйлар эди. Шундай тахминлар билан қўнглининг овлоқ бир чеккасини хотиржам қилиб юрган Бозор олдида, мана, Аминвой йиғламсираб турибди, бурнини тортиб...

– Бетингни арт, юр, – буюрди синиқ овозда Аминвой. Бозор унинг айтганини қилди – бетини артди, энгилбошини тузатди, кўчага чиқмай ҳовлида ҳозир бўлган «Жигули»нинг ёнига гуппининг изидан эргашиб борди.

Гуппи «Жигули»нинг орқа эшигини очиб «Кир» деди, Бозорнинг назарида Аминвой акаси уни лаҳадга тикиб юбораётгандек сесканди – юраги орқага тортдию, кирди, кетидан Аминвой кириб ёнига ўтирди. «Хайрият, ўзиям чиқди» деб кўнгли таскин топди Бозорнинг ва ён-орқа ойналари махсус қоронғилаштирилган «Жигули»нинг ичида хайронлигини яширолмай аланглайверди.

«Жигули» на рўпарасидан, на ён-веридан ўтаётган мошинларга парво қилмай елиб, узоқ юрди. Аминвой тилини ютиб юборган одамдек чурқ этмади, Бозор ҳам журъат қилиб оғиз очмади. Тоғ этагига яқинлашганларида мошин икки-уч бурилдию, мутлако нотаниш йўлга тушди. Бозор трактор ҳайдаганида яқин-атрофда ўзи билмайдиган йўлу чўл қолмаган деб ўйларди. Афсуски, ҳаммаси аксинча – Бозорбой билмайдиган йўллар, у бош суқиб кўрмаган кўчалар ҳали жуда-жуда кўп эди...

«Жигули» бир ёни бош кўтариб тепасига қаралса, дўппи тушиб кетадиган даражада қиялик, иккинчи ёни тубсиз сойлик йўлдан елдек учиб бораётиб тўсатдан тўхтади, тўхтагани замони Аминвой ҳе йўқ-бе йўқ мошиндан тушиб эшикни қарсиллатиб ёпдию, сойлик томон шахдам юриб кетди. Бозор хайрон бўлиб улгурмай «Жигули» кўзғалиб йўлга тушди.

– Қаерга келдик? – журъатсизланиб сўради Бозор.

Ҳайдовчи индамади.

Бозор рўпарадаги ойнадан атрофни кузатиб кетаверди. Биронта йўловчи мошин учрамас, одамнинг қораси кўринмас, фақат тобора ҳаво мулойимлашиб бораётганини сезди Бозор.

– Токқа қор тушибдими? – савол котди у беихтиёр.

«Жигули» бир маромда кетаверди. Орага бояги-бояги жимлик чўкди. Икки-уч бурилишдан сўнг йўлнинг қоқ ўртасида кўндаланг турган катта оқ эшак кўринди. «Жигули»нинг юриши секинлашмади. Бозор трактор ҳайдаган кезларда бундай ҳолатларга кўп дуч келган эмасми, беихтиёр эшакнинг қай томонидан ўтиш маъқулроқ эканини мўлжаллади – «ўнг томон кенгроқ» деб чамалади, чамаладию, «Жигули» тезликни заррача пасайтирмай чап томонга бурилганини кўриб кўзини чирт юмиб олди – назарида мошиннинг чап қаноти

туртиб чиққан харсанг тошга ёки ўнг қаноти эшакнинг қуйруғига тарақлаб уриладигандек эди, йўқ, мошин бир чайқалдию, йўлнинг ўртасига тушиб олди.

– Ҳеч зоғ йўқ жойда эшакка бало борми?! – деб юборди Бозор азбаройи чўчиганидан.

Ҳайдовчи индамади, «Жигули» йўлидан қолмади. Бозор қаёққа, не мақсад-муддаода бу қадар елиб кетаётганини билолмай тинмай таажжубланар, саволлари тўнкадек ўтирган ҳайдовчига қор қилмаётганига баттар ғижинаётган эди. У ҳайдовчининг пешонасига теккудек турган шапалоқдек кўзгуга қаради – афтидан дурустгина одам, ўзи тенги, эхтимол бир-икки кўйлакни ортиқроқ тўзғитган бўлса бордир. Манглайининг ўнг чеккасида қиялаб тушган чуқур чандик изи демаса, хушрўйгина, мулойим йигит кўринади. Бозор уни қаерда кўрганини эсламоқчи бўлди. Тунов кунни заводдан чақиртириб гуппининг ёнига эргаштириб борган ҳайдовчига мутлако ўхшамади. Униси – ёши катта, кўнғиз мўйлабли эди. У ҳам чурқ этиб оғиз очмаганди бора-боргунича... Аминвой тайинлаган бўлса керак-да... Бўлмаса одам-ку, шунча юриб ичи қизиб кетмаганини-чи?!

Шу пайт «Жигули» дарё устига қурилган омонат кўприқдан ўта бошлади. Кўприк, кўприкка кўшилиб «Жигули» қаттиқ лопиллади.

– Қайси дарё бу, биродар? – сўради Бозор хаёл ара-лаш ва саволига жавоб кутмай ён-верига аланглади.

Хийла узун кўприқдан эсон-омон ўтиб олган «Жигули» яна тезликни оширди. «Қаёққа шошаётганини ўзи билармикан?» деб ўйлади Бозор. Бу йигит ҳам Аминвойга орқа қилган кўринади, ўшанинг хизматидаги йигитга ўхшайди... Нимасига кеккаяди?.. Мен еб, у қурук қолгандай!.. Ёки гунг-соқовмикан?..

Бозор илкис хаёлига келган фикрдан ўнғайсизланди, боядан бери шўрлик ҳайдовчидан ноўрин ранжиб келаётганидан, ичида уни тўнкадан олиб тўнкага, сўқимдан олиб сўқимга солганидан хижолат чекди, шапалоқдек кўзгудан ҳайдовчини қайта кузата бошлади. Шу пайт тоғ томонда қандайдир қуш қичқирдими-сайрадами – ҳайдовчи чўчиб бошини бурди – сайраган қушни тополмади чоғи, бошини сараклатди.



Бозор тахмини хато эканига икром бўлди. «Гунг бўлса, кушнинг сайрашини эшитадими!» деб кўнглидан ўтказди. Беихтиёр сўради:

– Галати сайрар экан-а?..

Бозор лоақал шу саволи жавобсиз қолмайдигандек эди, йўқ, бу умиди ҳам пучга чиқди. Пучга чиқибгина қолмай, Бозорнинг тамом ҳафсаласи пир бўлди. «Гап-лашмасанг – ундан нарига!» деди-да, момик бахмал ғилофли суянчиққа ясланиб кўзини юмди – бели зирқ-зирқ қилиб симиллаётганини, қандайдир темир қайиш белини тобора қаттиқроқ қисаётгандек, қаршилик кўрсатмай ўтираверса ҳализамон умуртқаси қарсиллаб синадигандек туюлди – оҳиста ўриндиқнинг бир томонига сурилди, бироқ оғриқ аримади, – «Манави тўнка бир оғиз гапирса ҳам енгил тортар эдим!» – лекан шофёр учун Бозор йўқдек эди гўё... «Кўзим юмилиб боряпти... ҳушимни йўқотмаяпманми?.. Ёки туни минан мижжа қоқмаганининг касрими?..»

Бозор на ухлаётганини, на ҳушидан айрилаётганини, на оғриқнинг боисини, на-да қаёққа елдек учиб бораётганини англаган – фаҳми инон-ихтиёридан холи, асов кулундек тутқич бермаётган эди... Ўзи талвасага тушгани етмагандай ҳомиладор хотинининг пинжиги кириб олди-я... Ўша ётишидан қайнотаси хабар топса борми! «Қизимни сизга ишонамиз, ўғлим», деб кетган қайнона билса-чи!.. Онаси нима дейди?.. «Эркак кишининг ўлгани яхши, улим! Ким айтади, сени ота бўлади деб!» Нақ кўзини очирмай жавраб ташлайди онаси... Раҳматли отаси ҳаёт бўлсаю, яккаю ёлғиз ишонган тоғи – ўғли қаёқдаги нотайин-ножинс келгиндилардан қочиб-хуркиб оғироёқ хотинининг путига биқиниб жон сақлаганини эшитса!.. У-у, бундай исноддан кўра ўша учар махлуқларнинг қўлида нимта-нимта бўп кетгани афзалроқ!.. Бозор бурнини жийирди – димоғига ўрнашиб қолган сичқон иси кўнглини ағдарди... кеча тунда, ўрнида ётган жойида ҳам бирдан димоғига шу қўланса ис урилган эди – хотини ҳам уч-тўрт қайта босим ўқчиди...

«Жигули» қаттиқ ғийқиллаб тўхтади, Бозор сапчиб кўзини очди, беихтиёр қўйнидаги пичокқа қўл суқди:

– Нима гап?! – деб юборди ховлиқиб.

«Жигули» бояги-бояги шитоб билан олға интилди. Хаёллари тўзғиб кетган Бозор юрагининг аллақаерларини укубатларга солиб ўртаётган ўй-хотирага берилгиси келди – пичокқа узатилган кафтини чап кўксига босиб шиддат билан ураётган юрагини тинчлантиришга уринди.

«Отаси, онаси, қайнона-қайнотаси билмаса – хотини кўрди-ку, ахволини... ўзи гувоҳ бўлдию, ўзининг нима-ларга кодирлигига! Ўзининг, Шабнамгинасининг олдида ким деган одам энди у?! Вақти келиб хотини ўғлига айтиб берса-чи!.. «Сенга ҳомиладор вақтимда шундай-шундай бўлган... Бошимизга кў-ўп кулфатлар тушган... Учар баркашда келадиган одамсимон махлуқлар қишлоғимиздагиларнинг барини бир чеккадан сўроққа тутган... Сўроқни аввалбош отангдан бошлаган... Бир куни отанг эхсонаси чиқиб кўрпанинг остига кириб кетган... Сен қорнимда эдинг... отанг қорнимни силаб-сийпаб сал ўзига келган, юрак ютиб кўрпа остидан чиққан... Шунда биров деразамизни чертган, кейин отанг икки-уч кун дом-дараксиз кетган, деса... Икки кун... Қайтиб келгунича хавотирдан ўладиган бўлганман, деса... Отанг келганда «Қаттайдийиз?» деб сўрасам жавоб қилмаган деса... Қатга бордим дейман? Кетавурдим, кетавурдим, шофир айтмади, қаёққа оборганини дейдими?! Тентакми, ўзи бу? Қаёққа бораётганини биладими?.. Дунёнинг чеккасига етиб келдик-ку?! Нақ анави келгиндиларнинг қўлига тушармиди, манави тўнка! Гапирган минан нафи кўринмаяпти. Ахир...

– Аминвой ака кутиб қолгандир? – сўраб юборди Бозор тоқатсизланиб таваккалига. Ҳайдовчи индамади.

– Эшитяпсизми? – сўради Бозор. Ҳайдовчи индамади.

– Мошин тош-пошга урилмагунича ҳайдайверасизми?

Ҳайдовчи жим.

– Э, қанақа одамсиз-ей? Қулоқми, бу, ёки?! Ҳайдовчи қалқиб кетди. «Жигули» чайқалди. Бозор ғазабдан бўғриқди.

– Ёки учар келгиндиларга рўпара кип кўяйми? – деди сўккандан баттар бўғилиб. У ҳайдовчининг елкасидан тутиб силтамоқ учун қўл чўзганди ҳамки, мошин шовқинсиз-несиз майин тўхтади. Бозор атрофга аланглаб қаерга келишганини фаҳмлаб-чамалаб улгурмай «Жигули»нинг эшиги очилиб Аминвой гуппининг тунд башараси кўринди.

## 19

Ҳаво очиқ бўлса-да, куёш кўринмас, дим, дарахт япроқлари қилт этмас – кишлоқ томон олиб бораётган «Жигули»да ўтирган учала одамнинг дарди дунёсию чехраси ҳам шу дамдаги ҳавонинг диққинафаслигидан кўпда фарқланмас – харқалай Бозорга шундай туюлаётган эди.

– Шофирга нима дединг? – сўради Аминвой «Жигули» тўхтаб, ундан тушганлари заҳоти.

– Нима дебман? – қарши савол қотди тўнглик билан Бозор, пинагини бузмай.

Аминвой аканинг йўл бўйи тундлашиб келган башарасига ним табассум югурди. У кулдими, кулганга ўхшадими – димоғи чоғ одамдек овоз чиқариб деди:

– Ўладиган қибсан-ку, ҳар балони сўрайвериб?

Шундагина Бозор ҳайдовчини суҳбатга тортмоққа беҳуда уринганларини эслади.

– Келгинди дўстларингдан ўргандингми, сўроққа тутишни, Бозор? – чиройи очилиб кулди Аминвой.

Бозор унинг кулгисига зимдан эътибор қилди – кулгига жўр бўлмоқчи эдию, гуппининг кулгиси остида қандайдир шум ният пинҳонлигини сизди. Сиздию, сир бой бермади.

Аминвой Бозорни ҳовуридан тушираётган эди. «Шофирига кўшиб юборди, шофири уни пичоксиз сўйди, сўймади, нимталади!.. Товага солиб ўтда тоблади, мана, энди буниси унинг бошидан сув пуркаяпти... Пуркайди, пуркайди-да, сўнг...» Аминвой яна нималарга қодирлиги ёки бўлмаса кейинги пайтларда ўзини ҳар қадамда қандайин кўргуликлар кутаётганини олдиндан билишга уриниш Бозор учун битмас-туганмас укубатлар келтираётган эди. «Келгинди дўстларинг» эмиш! Давлатов

«анавиларинг» деганди, Нарзикул амаки, «Сенинг касофатинг» деди, Амин гуппи эса... буларнинг тили бир!..»

– Энди бундай, Бозорбой, – деди туйкус Аминвой Бозорнинг хаёлини бузиб. Сўнг унга синовчан бўзрайиб қараб турди-да, нигоҳини «тутиб» олгач уни қўлдан чиқармасликка уриниб сўради: – Чарчадинг-а?..

Бозор жавоб бермади.

– Ранг кўр – ҳол сўр бўлиб турибсан-ку, тан олавур, ука.

Бозор гуппининг муддаога кўчишини кутаётган эди. Гуппи ҳам сезгандек муддаони юзага чиқара бошлади. Ва тўсатдан чўрт кесди:

– Гап шундай: Нарзикулнинг мазаси йўқ. Ҳозир уни касалхонага опкетишди. Дўхтирларга тайинланган...– Аминвой шундай деб Бозордан кўзини олиб қочди, кўлини узун, қора чарм камзулининг чўнтақларига суқди. Сўнг гапининг давомини айтди: – Агар бери қайтавермаса... Қайтмаса керак... сен ёнига бориб ётасан...

Бозор юриб бораётган жойида тўхтади. Аминвой ундан уч қадам илгарилаб тўхтади ва аста орқасига ўгирилди. Гуппининг нигоҳидан бирон мазмун-муддаони англаш иложсиз эди. Бозор бирдан мадорсизланган оёқларини сургаб Аминвойга тенглашди, ғудранди:

– Мен нима қиламан, ака?..

– Мўлтайма! – тўсатдан дўқ ура кетди Аминвой. – Ҳамма бало ўзингдан бошланди. Нарзикул қовун туширди, уқдингми?! Қовун!! Тагин «нима қиламан» дейсан!.. – Гуппининг овози бирдан мулойимлашди: – Борасан, ётасан – дам оласан... Нарзикулнинг даммини олдирасан... Кулоғига қуясан... Кулоғига кўрғошин эритиб қуйиш керак энди!.. – Аминвой ёмон сўқинди. – Кейин... кейингисини кейин айтаман... Изма-из етиб бораман... Боришимни айта кўрма!..

Бозор қулоғи том битган одамдек миясида нимадир гувиллай бошлади. Мулоҳаза юритишга чоғи келмай қолди. Шу аҳволда эсига келган саволдан севиниб кетди:

– Оқсоқолга айтдингларми, у кишини сўраганини? – деди Аминвойга сирдош одамдек ялтоқланиб.

– Оқсоқолнинг ўзи келадиган бўлди... – Аминвой

беихтиёр шундай дедию, тилини тишлади. Сирни очиб кўйганидан аттанглаб кизариб кетди. Бозорга тескари ўтирилди. Хатосини тузатмоқчи бўлди шекилли, тайсаллаб туриб атайин салмоқланди: – Келиши номаълум... Гуллаб юрмагин хали...

Бу хабардан Бозорнинг ичида чироқ ёқилгандай бўлса-да, у енгил торганини яширди:

– Йўғ-э, нима деб гуллайман, – деди-кўйди.

Пиёда, ёлғиз кета-кетгунича шуни ўйлади. Тўғрида, «Қишлоққа Оқсокол келармиш» деб кимга айтади, зарил кебдими айтиб! Ё айтса осмон узилиб ерга тушадими!.. Ёки Оқсокол деганлари пахтақайнарликларнинг кўзига кўринишдан кўрқадими? Кўркса, унинг оқсоқоллиги қатта қолади? Раҳматов, Давлатов, Аминвойдек казо-казолар соясига қуллуқ қиладиган зоти олий Пахтақайнарга хуфия келиб кетмаса керак ҳойнаҳой?.. Учар махлуқлар сўраб-суриштираётгани қулоғига етганмикан Оқсоколнинг? Бордию, шундан дарак топиб келаётган бўлса-чи!.. У холда Бозорни йўқлаб қолишар ҳойнаҳой?.. Нима, чақиришса, бор гапни яширмай-нетмай айтади: сизни сўради, дейди!.. Тағин, Оқсокол келганда Бозор жаноблари касалхонада ётса, бу ёғи неча пулдан тушади? Касалхонадан рухсат беришмаса... йў-ў-к, Оқсокол истаса касалхона тугул, камоқхонадан ҳам чақиришади уни. Фақат амакининг аҳволи чатоқлашгани чакки бўбди-да!.. Шўрлик, юраги одош бўлган. Баркашига обчикиб кетибди-я, баччағарлар!.. «Кўрқмадим» дейди амаки тағин, «Аланглаб томоша қилдим» деди. Кейин «Ҳовлингга ташлаб юборайликми?» деб кўрқитишган. «Ёвузлар!..» Келгиндиларни «ёвуз» деса ўзига ҳамқишлоқ манави одамлар-чи?! Келгиндилар одамсимон махлуқ бўлса, булар – одам-ку! Қаёқларга обормади улар?! Нега олиб борди, муддаоси нима, уни «Жигули»да айлантриб келгунича Аминвой қаёққа кириб чиқди, шофири одамми ё сўқимга боқилган танамми? Ким ўзи, улар?! Тағин «шофирни ўладиган қипсан» дейди! Наридан борса, Бозор ул-булни сўради, суриштирди, холос – шофёр жавоб бермади, гунг-соков бўлиб ўтираверди. Бозорнинг хуноби чиқди – сўрайверди-сўрайверди... Ҳа-а-а, сўраш, тинимсиз қистовга олиб де-

ворга тираб савол ёғдириш қандай бўларкан?! Ўсал бўп қолганмиш! Ўсал ҳам гапми? Тағин Бозор дўқ ургани йўқ, унинг гирибонидан бўғиб, қон чиқмайдиган жойига тепиб-нетгани йўқ, айтмайдиган сирларини хамирдан қил суғургандек тортиб чиқаргани ҳам йўқ – онда-сонда битта-яримта савол қотди, холос. Келгиндиларнинг кўлига тушмапти – сўроқнинг азобини чекмапти, ўша сўқим шофир! Шофиринг у ёқда турсун, Аминвойнинг ўзи ҳам булбулигўё бўлиб кетади уларнинг кўлига тушса!.. Манави пастқам, хилват қавакларга қочиб дўқ уриш осон, сўтакдан олиб сўтакка солиш, «валдирама, алжирама!» деб дағдага қилиш осон! Сўроққа тутилсанг, биласан унинг азобини!.. Сўтак эмиш!.. Бозорнинг уч-тўрт саволига айикдай шофиринг ўсал бўлаёзганида, тағин Нарзикул ўлиб қомабтию! Наридан борса, мазаси йўқ экан. «Дўхтирларга тайинланган» деди. Нима деб тайинланади? Дўхтир ўзи қарайвурди, даволайди-да, иши шу бўлгач? Ёки?.. Ёки?.. Бошқа нимани тайинлаш мумкин дўхтирларга?.. Тўхта-тўхта!.. Нега шундай деб туриб гушти кўзини олиб қочди? Киссасига суқаётган кўли титрадимми? Ёки?.. Кўлига титроқ турганини яширмоқчи бўлдими?.. «Агар бери қайтмас» эмиш!.. «Қайтмаса керак» деб фотиҳасини ўқиб қўяпти ҳам! Фотиҳа эмас, жанозасини... жанозасини?!

Бозор таққа тўхтади – мияси қотиб ўнг-сўлига, орқалдига аланглади – кун чошгоҳдан оққан вақт Бозорнинг ўй-хаёлларини писанд этмай ўтиб борар, қанча вақт ўтмасин Бозор ҳеч вақонинг уддасидан чиқолмаётган – Ер – ўша-ўша қаттиқ, осмон эса ўша-ўша йироқ эди. Бозор замину фалак оралиғида яшаш учун ўзига берилган фурсати ғаниматда жиндек ҳаловат тополмаётган, энди топай-топай деганда янги-янги мушкулотлар уни исканжасига олаётган, мана, айни чоғда Нарзикулнинг тақдири ўзига келиб тақалаётганига тушунолмамай гаранг эди... Дарвоқе, амакининг қулоғига кўрғошин қуйилади, сўнг жанозаси ўқиладиган жойда Бозорга нима бор?.. «Сен ёнига бориб ётасан» деди... Ёнига?.. Нега Бозор Нарзикулнинг ёнига бориб ётиши керак?.. Нарзикулнинг бери қайтмаслиги муқаррар эмиш... бундан чиқди, амакининг тақдири бирёқлик

бўлаётганида Бозор унинг ёнида бўлиши шарт эмиш... буни Аминвой ҳал қилар эмиш. Нега?! Аминвой ким ўзи?! Бозор келгинди махлукларнинг сўроғидан қочгани жой тополмаётган бўлса, бундан Бозор қолиб, Аминвой Давлатовлар юрак олдирган бўлса, Нарзикул адои тамом бўлган эса, бутун кишлок аҳли таҳликаю васвасага тушган бўлса, нима, Бозорнинг тақдирини, босадиган қадамини Аминвой белгилаб бериши керакми?! Ўзига бериладиган саволлар жавобини ҳар ким ўзи эпласа, бас, гуппи тугул, ундан каттароғи ҳам қўллаб-қувватлашига зорикмайди. Ахир Бозорнинг сўроқдан кўрқадиган жойи йўқ! Унинг учун онаси тинч бўлса, хотини эсон-омон кўзи ёриб кўчқордек ўғил туғиб берса – одатдагидек қириб-қиртишлаб, тирмашиб-эрмашиб рўзгорини тебратиб турса бас, бошқа орзу-ҳаваси йўқ Бозорнинг!.. Фақат, банда-да нима қилса ҳам, кўнгли бир султ кетиб қарз-парздан бир йўла қутулиб олай деганди, шу ўйда Аминвойга маслаҳат солганди, холос!.. Нима, Аминвой пахта зовудига юкчи қилиб ишга жойлаштиргани эвазига истаган кўйига солаверадими Бозорни?! Истаган жойига обораверади, истаганича мошинда сарсонини чиқаради, истаган ерида сикувга олиб, сўкиб-ҳақоратлаб, ерга уриб, иззат-нафсига тупуриб оёқости қилаверади? Шундайми?! Аминвой сўроқдан кўрқса Бозорда нима гуноҳ? Ҳар кимнинг жавоби ўзида – биров биров учун жавоб бермайди, ахир!.. Нарзикул амаки сўроқдан бир ҳолатга тушган бўлса унинг ёнида Бозор кўриқчилик қилишга маҳкум эмас-ку!.. Ёнида эмас, эҳтимол, унинг ўрнида ётишига тўғри келар?! (Бозор ўзининг шу кашфиётидан кўзи мошдек очилди!) Амаки эмас, Бозорнинг аҳволи бери қайтмай, нари кетиб қолар?! Бозорга хушёрроқ қараш вазифаси ҳам топширилиб қолар ҳойнаҳой, дўхтирларга!.. Бугун амакининг аҳволи оғирлашади, буни Бозор ўз кўзи миан кўради, эртага келгинди махлуклар Бозорни сўроққа тутди, гапирмаганига қўймайди, улар, ўзи истаган гапни маъқуллатиб олади-да, бундан дарак топган Аминвой бояги кимсасиз жойга боради, боради-да, аллакимга учрашиб, Бозорни касалхонада даволашни гаплашиб чиқади, ўша ерда туриб дўхтирларга махсус тайинлайди – «Бозор алоҳида

парвариш қилинсин» деб амр қилади. Дўхтирлар амри фармонни айтилганидан аълороқ қилиб ўринлатишади, кейин, Бозорбой, қарабсизки, онаизорию, хотинини, бўғзигача ғалваю машмашаларга ботган бу ёруғ дунёга келишни истамай оёқ тираб туриб олган ўғилчасини зор қақшатиб, қон йиғлатиб ке-етади-қолади. Шундайми... Шуми, ерлик одамсимон махлукларнинг марҳамати?!

## 20

Бозор йўл юрса ҳам мўл юрди, қадам ташлаши тобора оғирлашаётганига қарамай кетаверди. Тор кўчаларига етай деганида ёнига трактор келиб тўхтади. Бозор эски таниш ҳамкасбини кўриб сеинди, илдам юриб кабинага чиқди. Трактор тариллаб силкина-силкина жойидан кўзғалди. Бозор тўсатдан барча чарчоқларни, барча ташвишларни унутиб тракторни, унинг тор, аммо лекин файзли (айниқса шу топда) кабинасини қўмсади, танишига ҳаваси келди, афсусларини яширмай чуқур уф тортди.

– Ҳа-а, кўринмайсан? – сўради таниши унинг рангрўйига кўз югуртириб. – Нима, улфатларингга қўшилиб Кўкдаланинг ортига ўтиб кетганмисан?

Бозор «улфатлар», «Кўкдаланинг орти» деган луқмалар замиридаги кинояни тушунди. Ўлганининг кунидан жилмайди.

– Ишларинг дурустми? Заводда иш каттами, дейман?

Собиқ ҳамкасби билибми-билмайми Бозорнинг нақ гирибонидан олган эди!.. Бозор унинг саволига жавоб берадиган аҳволда эмасди, шу боис қочирикқа яраша гапнинг пўстқалласини айтди-қўйди:

– Кўкдаланинг ортига ҳеч ким ўзича ўтиб кетолмайди, жўра, у ерга опкетиб қолади, опкети-иб!..

Унинг бақириб гапиришидан чўчидими ёки Бозорнинг авзои жойида эмаслигидан бирон хатар тўйдими, тор кўчанинг бошига етгунча тракторчи қайтиб оғиз очмади. Тор кўчага етгач, тракторни тўхтатдию, ўтни ўчирди.

– Бу ёғи нима бўлади, жўра? – Бозор танишининг жавдираб умидвор қарашидан таъсирланиб унинг гапига

кулоқ солди. Таниши астойдил куюнчаклик билан давом этди: – Бутун қишлоқ, қўшни қишлоқларгача ҳаловатини йўқотди-ку. Одамлар нима бўлади, энди?..

Бозор мушкул жумбоқ ечимини топишга киришган одамдек оғир ўйга толди.

– Ҳамма балони сендан кўраётганлар ҳам бор. Одамлар...

– Одамларни қўя тур, – унинг гапини чўрт кесди Бозор. Ҳозир у яна янги хабарлар эшитадиган, эшитса-да, уларни ҳазм қиладиган аҳволда эмас, балки гапини мухтасар қилиб уйига етиб боришни, уйдагиларни тинчлантиришни кўзлаётганди. – Ўзинг ҳаловатингни йўқотмадингми, ишқилиб?..

Бозор танишига синовчан разм солди. Тракторчи мазмунсиз тиржайди, буни ўзича тушунган Бозор яна савол қотди:

– Бировдан тилинг қисқлик жойинг борми?

Тиржайганидан лаб-лунжини йиғиштириб улгурмаган тракторчи бу саволни эшитиб афти қийшайиб кетди. «Кўрқди» деган ўй кечди Бозорнинг хаёлидан.

– Сўроқлайвериб, жа, холи-жонингга қўймас экан-да, ўзиям, анавиларинг!.. Аслида, нимадан кўрқаман?.. Сўраса сўрар...

– Яша! Шундан маъқул гап йўқ оламда! – чўрт кесди Бозор танишини ортиқ гапиртирмай. – Ўзингдан хотиржам бўлсанг, ўзгача кўрқмайсан. Осмондан эмас, ундан тепароқдан кемайдими анавилар!

Бозор тор кўчадан уйига ета-етгунича гоҳ шу гапини айта олганидан севинса, гоҳ ҳатто шу таниши ҳам махлуқларни «анавиларинг» деб унга нисбат берганига дили ғашланди. Шундай тинч, хотиржам ишни ташлаб заводга ўтганига яна ўзини койиди. Заводда ишим жа дуруст, жўра. Жуда!.. – кесатди у тишларининг орасидан тулук сачратиб. – Иш катта бўлгандаям у ёқ-бу ёғи йўқ!..

У бутун умр кўрган-кечирганларини тўплаган тақдирда бир бўғчага жо бўладигандек, кейинги икки-уч ой асносидаги машмашалар эса қолган умрига татигудай борлигини эзиб-эзғилаётган – жонига азоблар бераётган эди...

Унинг назарида уйи узоқлашиб кетгандай, йўли сира умнаётгандай, шу алфозда яна узоқ юриши зарурдай, лекин қандай бўлмасин, у бу йўлни босиб ўтишга аҳд қилган – фикр-ёди уйига соғ-омон етиб олиш, онасининг, хотинининг ёнида нафас ростлаш, уларни тинчлантириш, юпантириш, сўнг... сўнг-ра... одатдагидек қош қорайиши билан ишига жўнайдими ёки Аминвойнинг йўриғига юриб хотинининг гулдор халтасига чойнак-пиёлани солиб касалхонага йўл оладими – Бозор ҳали бу ёғини ўйлаб кўрмаганди...

У дарвозадан ўтиб ҳовлига кирди, ҳаммаёқ жимжит. Айвон янгигина супурилганини кўриб кўнгли хийла тинчланди, сўнг қаёққа юрарини билмай турди-да, пахтали камзулини ечиб айвон устундаги михга илди. Айвон лабига омонатгина ўтирди. Узунасига тушган катта ҳовлига бу йил ҳеч вако эколмади, тўй деди – тўй ўтди, кейин пича дам олай деди – дам олди, куёвтўралик суруридан маст бўлиб саркаш хаёллар қанотида уйига тикка кириб-тикка чиқиб юрганида тўй асасаларининг акс садоси янглиғ бўйнидаги қарзларни чўтлади, уларни эгаларига қайтариш ҳисобини чамалади, чамаладию, капалаги учди, тик қомаги дол бўлди-қўйди – энди ўйлаб қараса ўша капалагига қўшилиб бошидаги хуши учиб кетган дамларда бегуноҳдан-бегуноҳ Шабнамгинаси кўзига бало-қазодек кўринганди – Бозор шайтоннинг найрангига учмади – «Ўйланиш баҳонасида қарзга ботаётган битта менманми!» деб ўзига тасалли берди, кўз очиб кўрган жуфти ҳалолига нисбатан туғила бошлаган шайтоний ўй-хаёлларини қувиб солди – боши ёрилгудай ўйга толган пайтларида ҳам ҳеч кимга ёрилмаганди – иттифоқо Аминвойга ёрилди: икки айтмади, бир айтди, холос: Аминвой кўп ялинтиради деб кутганди, йўқ, иккинчи сафар йўликқанида мушқули осон бўлди – тракторини топшириб, заводда ишлай бошлади...

Хулласи калом, Бозор қайтиб ҳовлидаги юмушларга фурсат тополмади. Сўнги марта режаларини чамалаганида, терим тугасин деб яна пайсалга солди, мана, далада пахта одош бўлай деди ҳамки, машмашалар кун сайин ўзидан урчиб, ўзидан кўпайиб ётибди...

– Ҳа, дайди!

Бозор бехосдан сапчиб турганидан ўзини тутолмай ҳовли ўртасига бориб қолди, беихтиёр осмонга, томларга аланглади. Ҳовлида юрган товуклар хуркиб қақақлаб қочди, патлари чўғдек қизил хўроз қайдандир етиб келиб товукларни муҳофазасига олиб гердайганча ер тепиниб кукукларди. Шабнамнинг шарақлаб қулиши ҳовлини жаранглатиб юборди.

– Секинроқ чақирмайсанми! Хаёлминан ўтирган-дим!.. – деди кути учиб Бозор хотинидан астойдил нозиланиб.

Шу пайт этакдаги уй остонасида Чучук момо кўринди.

– Ҳа, келлингми, улим? – сўради онаси остонадан тушиб улгурмай. – Қайга йўқоллинглар?

Бозор онаси билан хотини не боисдан ундан хавотирланишмаганига ажабланди. Унинг хаёлида туғилган саволга хотини жавоб берди:

– Бир йигит айтиб кетмаганида йўлга тикилавуриб ўлардик.

– Қандай йигит? – бирдан кизиқиб сўради Бозор. – Танидингми?

– Башарасини кўрмадим... Дарвоза ортидан сўйлашдим. Новча, ориқ йигит... «Бир юмуш билан қўшни қишлоққа кетяпмиз», деди... Қарасам, «Жигули»га минди-да, кетди...

– Ёнида ким бор эди?

– Ёнида... ҳеч ким йўқ, мошиннинг ичи кўринмади.

– Завудларинг тинчми? – сўради ҳовли ўртасига келиб Бозорни саросар кўздан кечирган Чучук момо.

Бозор онасига анграйди, «Ҳа, нега бунақа қараяпсиз?» демуқчи эди, хотини ундан илгарироқ гина аралаш савол котди:

– Салдан кейин ишга кетарсиз?

Бозор хотинига жавоб бермади – у салдан кейин ишга борадими, касалхонага равона бўладими ёки бўлак қутилмаган юмушлар чиқадими – унинг кўнгли шундан безовта эди! – ўзига ҳам қоронғи эди.

– Мен ётай, пича ётай! – деди у хотинидан нигоҳини олиб қочиб. Шундай деб этакдаги уй томон юрди. Буни кўрган Шабнам ҳайрон бўлди.

– Ётсангиз, уйга киринг... – деди қайнонасининг олдида ўнғайсизланиб.

Бозор бош чайқади, лабини кимтиб изига қайтди.

– Давлатобди кўрдингми? – сўради Чучук момо айвонга етган ўғлидан.

Бозор шиддат билан орқасига ўтирилди, қаттиқ хавотир ва сўнгсиз бир ҳадикда онасига ўқрайди – эрининг авзойини кўрган Шабнамнинг кўзлари қинидан чиқиб кетгудай олайди.

– Ҳа-а? – деди бунга эътибор қилмай Чучук момо. Бозор сакраб ҳовлига тушди, гурс-гурс юриб бориб онасидан икки қадам бериди тўхтади.

– Намунча қистовга олаверасилар?! Нима, мендан бошқа ташвишларинг йўқми?! Заводнинг тинчлиги, Давлатовнинг ҳаловати менинг кўлимдами?! Ҳаммасига мен жавобгарманми?!

Бозорнинг бўғилиб ғазабини сочишини кўрган Чучук момо «Ҳай-ҳай»лаб ўғлини тинчлантормоққа уринди-ю, овози чикмади, эрининг ўз онасига зарда қилишини сира кўрмаган Шабнам худди бақириб юборишдан кўрққандек қўлларини мушт қилиб оғзига босди – эрининг олдида бордию, тек туриб қолди.

Бозор онасига айтишга сўз тополмади чоғи, хотинига ўшқирди: – Йўқол! Бор!..

У шарт-шурт юриб айвонга борди, бир лаҳза ўй ўйлаб турди-да, яна этигини гурсиллатиб изига қайтди – ҳамон ҳушидан айрилгудай бўлиб турган онаси ва кўзлари жикқа ёшга тўлган хотинининг орқасидан ўтиб, этакдаги уйга кириб кетди.

## 21

– Мен йўқман!.. – тўнғиллади Бозор ичкаридан.

Шабнам эрининг тунги васвасаси давом этаётганини сезди, қайнонасига илтижо ва ўтинч билан қаради, қайнонаси эса атрофларини ажин босган қисик кўзларини келинига умидвор тикиб турарди.

Бозор Шабнамни чақирди. Чучук момо келинига «киринг» деди-да, ўзи нари кетди. Шабнам қайнонасининг уйи остонасидан ўтдию, тўхтади – «Эна, сизди чақиряптилар» деди хавотирли, лекин юмшоқ товушда.

Чучук момо ўглининг ечинмай-нетмай устига кўрпача ташлаб ётганини кўриб нимадир демокчи бўлдию, бемор тепасига келгандек ўглига индамайгина термилди.

– Сен ҳам эшит, – деди Бозор тепасида турган онасига, бошини кўтармай пойгакда қолган хотинига қарата. – Ким сўраб келса ҳам – мен уйда йўқман!..

Қайнона-келин ханг-манг бўлиб қолишди.

– Тушундингларми?.. – сўради Бозор бошини ёстиқдан узиб тирсагига таянаётиб. – Аминвойми, Давлатовми – барибир йўқман!.. Анув... Анув... махлукларга ҳам...

Чучук момо ўглининг гапини дабдурустдан англамади, келини тўсатдан оғзини қўли билан тўсиб, пиқиллаб йиғлаб юборганини кўргач, «Вой, шўри-им!» деганча ув тортди.

– Увламанг!.. Жиминг, она! – жеркиди Бозор.

– Нима, келадиганми, уларинг? – сўради онаси бурнини тортиб.

– Сен нега пиқиллайсан?! – ўшқирди Бозор жавоб ўрнига хотинига ўдағайлаб. – Ўзингни ўйласанг-чи, сен!..

– Бунга нега бақирасан?! Ўзинг, ўчир овозингни!.. – Чучук момо ўрнидан туриб кетди, келинининг елкасига қоқиб ўтди-да, дераза ёнига бориб уни шарақлатиб очиб юборди, очдию, ўша заҳоти лангиллаб очилган иккала тавақани қайтиб ёпди. Қайтиб ўглининг тепасига келиб чўнкайди ва ҳозир ўглига зарда қилганига афсуслангандек ўта мулойимлик ва меҳрибонлик билан гапирди: – Қандок қилиб ўзини ўйлайди, бу шўрлик, болам?.. Ётиб тинчимайди, туриб тинчимайди – осонми бунга, Бозор?.. Ундан кўра, мана, пахта ҳам одош бўлди, «терим тугасин, болани кесиб оламиз» деган духтурларга обор. Бу ташвиш турганда, сеники ортиқча, улим...

Шабнам даҳшат аралаш хўрлиги келса-да, овоз чиқармади, кўйлагининг енгини қайриб кўзларига босди.

– Бозор, очик айт. Бизга айтмасанг кимга айтасан, жон болам? Қаёққа бординг, ким келмоқчи уйимизга? Айт, болам.

– Бежавотир, она, – деди ниҳоят тилга кириб Бозор. – Ўзим... иш юзасидан бордик. Аминвой акаминан... ишлари жонга тегди, она, чарчадим. Пича дам олай... сўраб келганларга «Йўқ» денглар, шу...

– Нега учар махлукларди айтяпсан?

Бозор кулди.

– Э, канақасизлар, ўзи! Ўшалар келган тақдирдаям уйғотманглар, аллақатга кетган деб жавоб қилинглар, деган мақсадда айтдим. Йўқман, тушундингларми, йўқман! Тамом!

– Нафасинг курсин-э! – Чучук момо шундай деб сапчиб қаддини ростлади. – Оғзингга қараб гапир, нега йўқ, бўлар экансан?! Э, ишларинг қурибгина кетсин-а!.. Ҳе, онсонни чиқсин-а, ҳаммасини!..

Бозор онасининг жиғибийрон бўлаётгани ўзига дахлсиздек кўрпачага бурқанди. Шабнам эрининг бу тахлит ётиши унинг тунги талвасасининг давоми эканини тушунди. Қарийб эшитилмайдиган қилиб пичирлади:

– Майли, бир оз ётсинлар... тунда яхши ухламагандилар...

Бироқ Бозорнинг уйкуси келмади. Ўрнидан турмади, кўзини очмади ҳам – ўйлади, бекарор ўйлар билан олишиб ётди... Раҳматов кўрққанини сездирмаяпти... Давлатовнинг бўлари бўлди – «Иккови бир гўр, бирига «пишт» десанг иккови адо бўлади» кулди Бозор – Аминвой сир бой бермаяптию, илло алланималарнинг пайида ғимирлаб қолганини яширолмаюпти. Тулки!.. Тулки эмас – кашқир!.. – Бозор сапчиб кўзини очди, қўлини ёстиқ остига суқди – қалтираётган бармоқлари пичокни пайпаслаб, пича тин олди, тахмоннинг ёнида пайдо бўлган мушукни кўриб назарида ўзи – сичқону, ҳозир мушукнинг чангалига тушадигандек безовталанди, юрагининг бежо дукурлашини базўр босиб амаллаб тили калимага келди «Пишт!..» дедию, кигизни муштлади, мушук ўзини эшикка урди... Бозор кўзини қаттиқроқ юмди. «Фаол ўзини осибдими?..» Бозор нафас олмай ётаверди – юраги безовта дукурлай бошлади – шу топда юраги урмаса ҳам рози эди Бозор – начора!.. Кўзини очмай жавоб қилди: «Хабарим йўқ». «Токка қайси мошинда борган экан? Аминвойникидами?» – «Билмадим». «Ким билан борибди бўлмаса?» – «Эшитмадим». «Раҳматовнинг отгани ўки йўқмиди Фаолни?» Бозор кўрпачага бурқанди. «Раҳматов ёқтирмас эдими?» такрорланди савол. Бозорнинг оёғи силтанди – у аса-

бийлашаётган эди. «Нима?.. Итдан ёмон кўради?.. Раҳматов, Давлатов... Аминвой ҳамми?.. Итдан ёмон кўради – шундайми?.. Шундайми?.. Шундайми?..» Хона жимжит бўлиб қолди. Бозор кўнглидан ўтаётган гапларни тепасида биров сўзма-сўз такрорлаётганини, бу овоз хипча белли келгиндининг овозига ўхшаши-ни аниқ эшитди – ичида мутлақо ўйламасликка уринди – шубҳасини тасдиқлагандек ташқарида нимадир гувиллади, сўнг гувир садоси оҳиста узоқлашди, бирдан шовқини йўқолди... Жимжит, «тиқ» этган садо йўқ, юрак қурмағур дукурляпти, холос. «Йўқман, йўқман-ку!..» Топиб келди-я! Қийнамади, кистовга олмади, мени кистовга омайди... Фаол, Фаолга нима бўлди? Қачон? Нимадир қаттиқ шитирлади. Бозор жонҳолатда ёстиқ остига қўл югуртирди, кўзи олайиб кинидан чиқиб кетгудай очилди: тахмондаги сандиқ ёнидаги ғижим қоғоз уюми орасига тушиб қолган сичқон «бандилик»дан чиқишга уриниб талпинарди. Бозорни дув тер босди... Ортиқ ётолмади – бошини тиззаларига солинтирганча гангиб, ўтириб қолди: тушунтираман, мени тинч кўйинглар, мен Раҳматовди ҳам, Давлатовди ҳам танимайман... Аминвойдан бир марта илтимос қилганман, бир марта, холос... Бошқа ҳеч гап бўлмаган, худо ҳаққи, тушунинглар!.. Абдуфаол таги-туги йўқ одам аслида, сурати бор, холос, завудда одам зоти борки, уни бир чақага омайди – туйкус хўроз ҳовлини бошига кўтариб қичқирди!.. – чўчиганидан Бозор ўринга қапишди, қўллари мушт бўлиб тугилди... Ўзини осганидан беҳабарман, тоққа ким билан, қайси мошинда борганини ҳам эшитмадим... Қари онам бўлса, хотиним ҳомиладор, эрта-индин кўзи ёрийди, барака топгурлар, туғилмаган болам ҳурмати, мени тинч кўйинглар... Тушунинглар, махлуқ бўлсанглар ҳам одамбашарасизлар-ку! Сурагларинг одамга ўхшайди-ку, тушунсанглар-чи!..

## 22

«Аввал завудга борай, амак келмаса сўнг касалхонага ўтаман... Боришга борарман, лекин амакига қўл теккизмайман. Гуппи қаёққа бошлаяпти мени?! Ярамас!..»

Бозор ҳеч бир ўйини адоғига етказа олмаётганди.

Ахир, гуппи ишора қилган нарсага, ҳали касалхонага бориб берадиган топшириғига Бозор қодир эмас экан, нега кун бўйи Нарзиқулни асраб қолишни ўйламади?! Ҳозироқ боради у касалхонага... Йўқ, йўлакай амаки-никига киради. Касалхонага обкетишган бўлса, у ҳолда етиб боролмасачи?.. Гуппи дўхтирларга тайинлаган, дўхтирлар Бозорни кутмай... Агар боя – Аминвойнинг ёнидан қайтаётиб Нарзиқулнинг уйига борганида, Раҳимбойни чақиртириб, «Отангиз касалхонага бормасин, иложини топсанглар, бирон қариндошларникига жўна-тиб юборинглар» деб тайинласа олам гулистон эди!..

– Раҳимбой акани чақиринг, – деди Бозор дарвозахонада ёшгина жувоннинг қораси кўринган захоти.

– Отамди обкетишди... – деди ўзини панага тортиб, энги билан оғзини тўсиб, жувон.

– Қаёққа?! – сўради Бозор йўлакка отилиб киргундек шиддат билан.

– Касалхонага... Тузук эдилар... дўхтирлар кўймади...

Бозор бошқа сўз қотмади, у қандай қилиб бўлмасин, ҳозироқ касалхонага етиб бориши шарт эди. У катта йўлга чиқиши билан йўловчи мошинни тўхтатди:

– Касалхонага!.. Шошқинч!

Ҳайдовчи бош чайқади.

– Кечиксам чаток бўлади, тоға, илтимос!

– Ўтказмаяпти, биродар, – елкасини қисди ҳайдовчи.

– Нега ўтказмайди?

– Одам ўғирланибди!..

Мошин жўнади, Бозор йўл чеккасида турган жойида тахтадек қотди-қолди. У шу алфоз қанча вақт турди – билмади, бир пайт ёнига келиб тўхтаган мошин ҳайдовчиси, «Қаёққа, биродар?» деганини эшитдию, шошиб, саволга жавоб бермай-нетмай ўзини мошинга урди.

– Касалхонага ҳайданг. Тез!

Мошин тезлигини оширди.

– Йўлни тўсганмиш, эшиттиёмизми? – сўради Бозор.

Ҳайдовчи елкасини қисди.

Катта йўлнинг касалхонага бурилиш жойида чиндан ҳам мелиса мошинлари кўринди. Олатаёқ тутганлардан бири Бозор ўтирган «Москвич»га тўғри йўлни кўрсатди.



– Ким ўғирланибди? Қаердан? – сўради сабрсизланиб ва вазиятдан фойдаланиб Бозор. Мелиса жавоб қилмади.

– Нариги йўлдан юрайлик-чи, – деди Бозор ҳайдовчини шошириб.

Ҳайдовчи сўзсиз унинг амрига бўйсунди. Бироқ касалхонага бориладиган бошқа йўл ҳам тўсилган эди. Бозор мелисаларга нималарнидир тушунтириб, ўтиш учун рухсат сўради, ҳарчанд холи-жонига қўямасин, мелисалардан рухсат тегмади. Ниҳоят, унинг қўярда-қўймай, «Касалхонадан бемор ўғирландими?» деган саволига мелисалардан бири тоқат қилолмади шекилли:

– Касалхона тинч... ёнидаги йўлдан, – деди.

«Демак, Нарзиқул амакини эмас, – деб бирдан енгил тортди Бозор. – Хайрият, бошқа одам ўғирланган. Кимни, ким ўғирлаган?.. Пахтақайнар Пахтақайнар бўлиб одам тугул мол ўғирланганини биров эшитмаган... Қандайин осуда, ажойиб қишлоқ эди-я!.. Одамлари-чи!..» На Бозор, на Бозорларнинг оиласи бировдан ёмонлик кўрмаган – унинг назарида Пахтақайнарда чакки-чукки одам йўқ эди... Ёшлигидан ҳеч кимсага очиқ айтмаса-да, «Уйлансам, болаларим кўпайса, отам-онам невараларини бағирларига босиб ўтирса... отам билан онам сингари кексайганда ҳам аҳил-тотув яшасак хотиним билан...» деган ниятларни ўзича бот-бот ўйларди – отаси қутилмаганда раҳматли бўлиб кетдию, Бозорнинг бири-бирдан ширин орзу-ўйларига кирон келди. Куйди, ўртанди, дунё кўзига тангу тор кўринди – тағинам онаси пухта экан – отасининг йилии ўтар-ўтмас Бозорни уйлади – Бозор ўзи мўлжалини олгандек хушсурат, одобу фаросатда ягона қиз насиб этиб, турмуши шира боғлади!.. Ҳаёт юз чандон, минг чандон гўзаллашди – Бозор толиқиш нелигини билмай кун бўйи трактор ҳайдар, ишда, кўчада, уйда – қаерда бўлмасин одамлар билан ўйнаб-қулиб, суюб-севиб муомала қилар, беғам-беташвиш – етти иклимда ундан бахтиёрроқ инсон боласи йўқ эди!.. Шабнамнинг бўйида бўлганида-чи... Э-эҳ-ҳ!.. Кеч эди – Бозор уйга хийла ҳаяллаб қайтган – хотини келтирган макарон шўрвани хўриллатиб-ютоқиб, нон бўктириб-бўктириб косаси билан кўтарди – онаси «яхши ётинглар»

деб этакдаги уйга кетди – Шабнам даҳанини муштига қўйганича хонтахта чеккасида эридан кўз узмай ўтирди. Бозорнинг эсида – Шабнам пушти ранг, ҳарир қўйлақда эди, бошида ялтироқ дурра... «Тагин овқат опкелай» деди у Бозор косани бўшатгач. «Йўқ, – деди Бозор, – чой ичаман». «Пешинда кутдим-кутдим... овқат тайёр эди – келмадингиз», ўпкалади Шабнам. «Келолмадим, Шабнам, узоққа кетгандим», деди Бозор бир нарсадан куруқ қолаётгандек чойни ҳовлиқиб ичаётиб. – Эртага тушликка келаман, Шабнам». – «Эртадан далага чиқаман, чопикқа... Опа чақиртирибди». Бозор хотинини ишга чақиритганидан хабардор эди. «Чопикқа чиқдим деб кечгача кетмонни кўтариб юраверма, ўзингга қара» деди Бозор меҳрибонлик қилиб. Дедию, бирдан, ха-ха, беихтиёр хотинига синчков термилди. – Шабнамнинг оппоқ юзи одатдагидан тиник, кош-кўзлари ҳар қачонгидан коп-қора, сулув... бамисоли рўпарасида сувратда чизилган майойика жонлангану Бозор билан суҳбат куриб ўтиргандек!.. «Нега қараяпсиз?» деб кулимсиради Шабнам. «Шабнам...» деди Бозор лаб-лунжини сочикқа артиб, ҳамон хотинидан кўз узмай. «Ҳа, кўрмаганмисиз мени?» деди қулиб Шабнам. «Шабнам!..» деди Бозор хотинининг чиройига суқланиб, «Унақа қараманг...» деди Шабнам, шундайин бир навозиш билан! Бозор азбаройи энтиқиб кетди. «Шабнам!..»дан бўлак сўз тилига келмади яна. «Айтайми?» сўради Шабнам қув қараш қилиб. «Нимани?» сўради Бозор. «Айтайми?» деди Бозорнинг жонига чўғ қалаб Шабнам. «Айт, Шабнам, нима бўлса ҳам айт!» деди Бозор хотинининг жамолига тўймай. Шабнам «дик» этиб турдию, уйга кириб кетди. Бозор Шабнамни худди биринчи марта кўраётгандек ичи таталади. Сабри етмай ирғиб турдию, хотинига эргашди. Уй остонасидан ўтиши билан Шабнам унинг бўйнига осилди. Бозор Шабнамнинг белидан қучди. «Секин!..» деди Шабнам жуда сирли оҳангда. «Нега?» сўради Бозор ҳайрон бўлиб. «Ёш боламисиз!» қулди Шабнам. «Нега ундай деяпсан. Айтсанг-чи, нима бўлди?» қўярда-қўймай сўради Бозор. «Айтсам, нима обераисиз?..» Шабнам ўзига ярашган навозиш билан юзини эрининг юзига босди – Бозор адои тамом бўлди: боши айланиб ҳушини

йўқотгудай кўз олди коронгилашди – инсон зотига насиб этмаган бахтга мушарраф бўлаётгандай ададсиз масрурликдан маст эди... Шабнамнинг таниш, хушни ўғирловчи ҳиди унинг хуштини қайта жойига келтирди, Бозор эса сархушлиқдан чиқишни истамас, аксинча маст бўлиб хотинини бағрига босгиси, уни тўйиб-антикиб эркалагиси, ўпиб-кучгиси келаётган эди... мана, энди ундай сархушлиқлар қаерда – энди нималари биландир ўша ҳолатнинг айнан такроридек туюлган ҳолатдан аксинча хуштини сира йиғиб ололмапти, ҳарчанд уринмасин на бораётган жойини, на кўнглига туккан мақсадни идрок қилоляпти... «Ҳоҳлаганингни обераман, жоним», деди ўшанда хотинини бағридан чиқармай, «Кўғирчоқдек ясагиб-ясангириб қўяман, жоним», деб эркалади, «Сен менга ўғил ҳада этасану, мен сендан жонимни аяйманми, Шабнам» деди... Дедию, эртасига, йўғ-э, аниқ эсида – қок ярим кечаси, ним коронғи уйда уйғониб кетди – қайтиб мижжа қокмади. Шабнам толиққан, шу боис ширин тушлар оғушида ухлаётган, Бозор эса уйланганидан буён энди биринчи марта ўй ўйга, хаёл хаёлга уланиб қарз-хаволани чўтга солаётган эди!.. Эҳ, хом сут эмган экан, Бозор бола!.. Бўғзигача қарзга ботиб ётибдию, хотинчасини кўғирчоқдек ясагиб қўймоқ, унинг чиройига чирой қўшмоқ ва кейин жамолига сукланиб ўтирмоқ умидида ял-ял тақинчоқлар обермоқчи!.. Ола-а!..

Шу-шу тинчи йўқолди унинг. Ҳафта ўйлади, ой ўйлади – на ўзи тинди, на тракторини тиндирди – шундай қилса пулининг остида қолиб кетадигандек эди – аммолекин кўлига тушган ақчаси қарзга тўлаш тугул, кундалик рўзгордан ортмади... У ўйини ўйлагунича бу ёқда Шабнам кўйлакчалар, қалпоқчалар тикишга киришди, қайнонаси танда қўйди, онаси келинини пуф-пуфлаб уни ёлғиз қолдирмайдиган одат чиқарди... Ана шундагина Бозор бу аҳволда осмондан чалпақ тушмаслигига иқрор бўлди – «Пахта заводида ишловчиларнинг топиши зўр!» деган гапни дилига тугдию, чиқмаган жондан умид қабилида Аминвойга йўлиқди...

– Касалхонага бордингми? – салом-аликни нася қилиб сўради Раҳматов.

– Ўтказмади, – деди Бозор ўзининг бегуноҳлигига ишончи комиллигидан бамайлихотир.

– Ўтказмади?.. Ким ўтказмайди?! – Овозини дағаллаштирди Раҳматов.

– Йўлни мелисалар тўсибди... Иккала йўлдан бордим, бўмади. – Бозор шундай деб туриб тўсатдан онасининг уйида ётгандаги эшитганлари ёдига тушди. Тушдию, ранги ўчиб директорга қаради: – Абдуфаол ака қаердалар?..

– Нима қиласан Фаолни? – энсаси қотди Раҳматовнинг.

– Эшитмадингизми?

– Нимани?! – деди Раҳматов Бозорнинг авзойидан хунук воқеа юз берганини сезиб.

Бозор энди лаб жуфтлаган ҳам эдики, завод дарвозасидан ўқдек кириб келган «Жигули» нам асфальт майдончада сирғалиб бориб тўхтади. Эшик ланг очилиб ичидан Давлатов отилиб чиқди. Ва мошин тезлигига монанд шиддат билан юриб келди-да, Раҳматов билан Бозорнинг олдига етиб келишга мажоли қолмагандек тиззалари букилиб, қалтираб тўхтади, ўпкаси тўлиб:

– Бўлам!.. Аминвой бўлам йўк!.. – деб ёш боладек бўзлаб юборди.

## 23

Раҳматов бехосдан орқасига тисарилиб кетди. «Нима... Н... мм!» деб гўлдирадию, гапини англаб бўлмади. Ранги доқадек оқарган Бозор турган жойидан қимир этмай Давлатовдан кўз узолмай қолди. Бош ҳисобчининг эса рангида ранг йўк, жағи тушиб, қалин, сергўшт лаби осилиб қолган, бор қувватини шум хабарни айтишга сарфлаб адо қилгандек бошқа бир сўз деёлмай, йикилиб тушгудай ҳолсиз-мадорсиз турарди.

– Аниқми?

Давлатов директорнинг афтига қаролмай «ха» деган маънода бош ирғади.

– Уйидами?..

Давлатов бош чайқади, сўнг «Йўлда...» деб баттар мунғайди. Раҳматов чўзиб уф тортди. Ва:

– Кўчада юриб бўмай қолли, уларнинг дастидан, – деди бўшашиб.

– Баркашига миндириб кетиб сўроқ қилаётганмиш... – Бозор Давлатовдек одамнинг асл қиёфасини ху-у бирда, окшом қоронғисида пахта ғарами ортида кўрган бўлса-да, уни ҳозиргидек ожиз, ҳозиргидек нота-вон аҳволда учратиши эҳтимolini тасаввурига сиғдира олмасди. Шу боис у нимадир деб гапга кўшилмоқчи, бир-дек аянчли аҳволда қолган, зиғирдек суянчик-тасаллига зорманда икки ҳирсдай одамга далда бермоқчи эди, бош ҳисобчи шипшиди: – Кўкдалада одам зотини кўймабди... Бедапоянинг ярмини сўроққа тутибди...

– Навбат бизга етибди-да, – илова қилди Раҳматов. – Кўч-кўрону, бола-чақанинг баҳридан ўтиб бош олиб қочамизми энди?

– Қочамизми?.. – такрорлади Давлатов.

– Қаёққа қочасиз?

Раҳматов ёнларида Бозор турганини унутган эканми, туйқус сапчиб тушди. Бозорга «ялт» этиб кўзини чакчайтириб қаради-да, пичинг қилди:

– Нима, жон сақламай, даряга бориб сўроқ берайинми?

– Берсангиз берибсиз-да, безиён бўл...

Бозор гапини тугатолмади – Давлатов йўғон, этли қўлларини ҳаволатиб бир зум мўлжални олди-да, ўлжасига ҳамла қилган бургутдек панжалари билан Бозорнинг бўғзига чанг солди.

– Қанжиқ! – деди бақириб. – Касофат!.. Сўроқ қиладию, безиён бўладими?! Тергов безиён бўладими, латта?! Одамларнинг уйини куйдирди-ку, келгиндиларинг, палакат!.. Сендан бошланди бари! Сендан!.. Тиррақи!.. Йўқол!.. Дап бўл, кўзимдан, ўлдириб қўймасимдан! Йўқол, деяпман!..

Бозор бўғзини халос этиш учун қаттиқ силтанди – Давлатов бутун оғирлигини Бозорга солиб турганидан мункиб кетдию, йиқилмади. У рўпарасида турган, ўзининг ярмича келмайдиган болани мижиглаб ташлағудай важоҳат билан қад ростлади. Бозор томон икки одим кўйдию, «Шу чакди мени, шу», деганча нажот

истаб ҳамон серрайиб қотиб турган Раҳматовга ўғирилди.

Шу бир оғиз сўз неча йиллардан буён Раҳматов билан Давлатовни чирмаб боғлаган сирдошлик-ҳамтовоқлик ришталарини «чирт» этиб узди-қўйди. Шу топда Раҳматовнинг оёғи ерга тегмаётгандек эди, у юрсам йиқиламан деган хаёлда тек турмоқчи эди, боши оғирлашиб бутун жасадини орқага торта бошлади. У Давлатов ҳам Бозор сингари келгиндилар сўроғига йўлиққанини, Аминвой билан Абдуфаолнинг иши иш-каллашганини, энди навбат ўзига етганини шу сонияларда тўсатдан, лекин жуда аниқ-равшан фаҳмлади. Бироқ Раҳматов айни шундай мушкул вазиятлардан осон халос бўлиш бобидаги устомонлиги билан ҳам Раҳматов эди!

– Э-э, қалови топилмайдиган иш бор эканми дунёда, – деди у ичидан зил кетиб турганини хаспўшлаш учун зўраки кулиб. – Сизга тикилган ўша келгиндилар билан шундайин тил топишамизки ҳали, токи ер юзида Пахтақайнар деган кишлоқ борлигини унутиб юборсин ўшалар!..

– Аминвой бўлам-чи?!

Раҳматов ғўлдиради, кути ўчди, лекин шу заҳоти гап топди:

– Оксоқол кеб кетсин, йўлини қиламиз, топамиз йўли...

– Йўли битта! – Раҳматов гапи оғзида қолиб орага суқилган Бозорнинг оғзига анграйди. Давлатов ҳам бирдан умид учқунлари чараклагандек ҳозиргина ўзи бўғиб ўлдирмоқчи бўлган «бола»га умидвор мўлтиради. Бозор бир нафас жим туриб иккала суҳбатдошининг бардошини ўтда «тоблади-да», сўнг давом этди: – Йўли – ҳар ким ўзини ўзи сўроққа тутиш!.. Нима, келгинди жондорлар сўраётганини ўзимиз сўролмаимизми? Сўраб-сўраб жавобимизни пишитиб қўёлмаймизми?!

Директор билан бош ҳисобчи лом-мим демай қотиб тураверишди. Ниҳоят Давлатов ғўлдиради:

– Аминвой-чи?..

– Аминвой ака ўзи учун ўзи жавоб топади. Сиз...

– Ўзини бир нима қип қўяди у...

– Жавобни ўзидан топишга кўниккан одам ўз жонига қасд қилмайди. Сиз ўзингизни ўйланг.

– Аминвой нима бўлади? Бошқалар-чи?..

– Сиз ўзингизни ўйланг, – Бозор Давлатовнинг ғайришуурий алфозда такрорлаётган гапига беихтиёр жавоб қайтараётиб Раҳматовнинг беўхшов қийшайиб кетаётган афт-башарасига разм солди. Директор дам нафаси қисаётган одамдек бўғзини чангаллар, дам мувозанатини йўқотган дорбоздек қўлларини икки ёнга ёйиб юборар, дам устига тоғ кулаётган ва унга чап бермоқчидек бошини елкалари орасига тортиб букчайиб олар... бу ахволни кўрган Бозорнинг шуури «ярк» этиб ёнган шуъладан илкис ёришдию, ўша нур кўзларини чарақлатиб юборди – у дабдурустдан руҳида қандайин ўзгариш юз бераётганини идрок қилолмай гарангсиз турди, кўзини юмиб-очди, бошини силкиди ва... шундай енгил тортдики!.. Бозор уқпарга айлангану, ҳавога кўтарилиб шамоллар қанотида учи-иб кетгиси, учиб бориб ўз ҳовлисига кўнгиси ва «Она!.. Шабнам! Топдим, келинлар, топдим!» деб қувончдан ёрилиб кетмаслиги учун онаси ва хотинидан уялмай-нетмай ўйинга тушгиси келди.

– Баркашга миниб бўлсаям, майли эди! – деди у кўзлари севинчдан порлаб.

– Нима?! – деди Давлатов унинг гапига тушунмай ҳарсиллаб.

– Майли эди!.. Майли!.. Кетаман, ҳозирок етиб бораман!..

Бозор шундай деб ўзидан кўз узмай турган одамларни унутиб дарвоза томон юрди. Давлатов лапанглаб Раҳматовнинг ёнига борди.

– Тўхтатинг! Тўхтатсангиз-чи, савдойини! – деб директорнинг қўлидан тутиб силтади.

Раҳматов, «Жим!.. Секин! Ҳозир чақираман!» деган маънода бош ҳисобчини тинчлантирди, сўнг Бозорни чақирмоқчи бўлди – оғзини очди-юмди, очди-юмди, лекин овози чикмади...

## 24

«Топдим, Шабнам, суюнчини беравур, жоним, – деди Бозор севинчдан терисига сиғмай, – бу ёғи беҳа-

вотир, ҳаммаси яхшилиқка кўчади. Худо хоҳласа эсон-омон кутулсан – ўғил туғиб берасан, ўғил! Хотиржам яшаймиз. Фақат-чи, Шабнам, анави ваъда қилган нарсаларимни оберишга шоширмай турасан, хўпми, жоним?.. Обераман, завуддан кетмайман, Нарзиқул амак кетса кетавурсин, мен ҳеч кимдан, ҳеч нимадан кўрқадиган жойим йўқ, жоним – қаерда ишласан ҳам барибир айтганларимни обераман, шундай ясантирайки, ўғилчамизни елкамга миндириб, сен – ёнимда, Пахтақайнарнинг кўчаларидан ўтганимизда-чи, Шабнам, кўрганлар «ох» демаса отимни бошқа кўяман!.. Онам ҳам қариган чоғларида бошлари осмонга етади... Фақат-чи, Шабнам, менга қара, нега йиғлаяпсан, вой, жиннивойей, шу йиғлайдиган гапми, яхшилиқкаям йиғлайдими, одам?! Ўшанда кўрасан – огоҳлантирмай-нетмай Жийдабулоққа борамиз, шундоқ эшиқдан кириб борсак-чи, онанг танитай қоладилар, отанг бўлса...»

«Нимани топганингизни айтмайсизми, Бозор ака?..

«Одамлар-чи, ҳамма-чи... ўзидан кўрқадиган бўп қолган...»

Ўзим кимман, қандоқ ишлар қип юрибман дунёда, гуноҳим борми-йўқми, дуруст одамманми ёки туриштурмушим худою бандасига малолми, биров туйқус сўраб қолса, қисди-бастига олиб сўроққа тутиб қолса ўтакам ёрилмайдими, чўчимай-нетмай жавоб қайтара оламанми, йўқ, буларни ўйламайди. Ўйлашга кўрқади. Ўйлашга кўрқадиганлар бўлиб қолганмиз, Шабнам. Ўйловдан кўрққан одамнинг юраги чумчуқ пир этса адо бўлади. Кўрқоклигидан ўзининг куёнжораклигини яшириш пайида ўзганинг ташвишини тортаётган қилиб кўрсатади ўзини... Ўзгаларнинг ташвиши ортига яширинади. Тушунапсанми, Шабнам, ўзининг ғалваларидан қочади-да, паноҳни ўзганинг ташвишу ғалваларидан излайди!.. Давлатов худди шундай қилди ҳозир – ўзи қочарга жой тополмаяптию, бўласини суриштирганисуриштирган!.. Ўзининг бошига келаётган балони ўйла-са юраги ёрилади. Раҳматовга ўхшаб!.. Давлатовнинг аҳволини – довлараётганини кўриб директор ўзини ўйладию, телба бўлиб қолаёзди – тилдан қолди, банги девонадек типирчилади, майли, нима бўлгандаям,

ўзини билгани яхши-да, тўсатдан келгиндиларга рўпара келса – жавоби тайёр бўлса, юраги ёрилмайди, қанча савол бўлса – жавобни дўндиравади. Яхши-да... Ўзига яхши!.. Келгиндилар сўроққа тутгунича жавобга ҳозир бўлса ўзига осон эмасми?!» «Нимани топдим деб қувоняпсиз, Бозор ака, ўшани айтинг?...» «Айтаман... лекин сен мени бошқача тушунмагин, Шабнам, мен учар келгиндилар, ўша одамсимон махлуқлар келиб ҳамкишлоқларимизни истаганича сўроққа тутавурсин, бизни истаган кўйига солавурсин демоқчимасман, балки учар баркашда келадими-бошқа ёқдан пайдо бўладими – кимлигидан қатъи назар сўроққа тутгундай бўлса жавобга тайёр бўлайлик, шундай жавоблар қилайликки, терговчилар сену бизни саволга тутганига уялсин, номусларга қолсин!»

«Нега чўчиб тушяпсиз, Бозор ака?» «Нега қувонаётганимни айтаман, жоним, сенга айтмасам кимга ҳам айтардим!.. Мана, сен гуноҳинг борми? Сира гуноҳ иш қилганмисан?.. Майли, болалигингдами, кейинми?.. Мисол учун отангни ё онагни беҳурмат қилганмисан, одамларни алдаганмисан, бирон нарса ўғирлаганмисан? Ёки...» «Жиннимисиз?! Ўзингиз нега қалтираяпсиз?» «Нега кўрқяпсан, Шабнам? Нима, ота-онанг норозими, сендан? Ёки алдоқчимисан?.. Айт, Шабнам, нега нафасинг ичингга тушиб кетди?.. Нима, сира ўйламаганмисан шуларни?.. Ҳа-а, ана шуни топдим, жоним! Машмашаю ғалванинг боши шунда – ўзимизни сўроқ қилишга одатланмаганмиз-да!.. Завуднинг казо-казолари ҳам, Нарзиқул амак ҳам, қўшни қишлоқдагилар ҳам – ҳеч ким ўзини шу қабилда тергамаган. Тушундингми, Шабнам? Аминвойдек қашқир ҳам, қашқир эмас – тулки, тулки эмас – қари бўри ҳам хаёлига келтирмаган. Мени савол-жавобга тутадиган одам онасидан туғилмаган деб юраверган, Аминвойдақа калондимоғлар!.. Ия, тўхта!.. Соат неча бўлди?.. Худо урай дебдию!.. Мен кетдим! Идорага бораману қайтаман. Икки оғиз гапим бор – айтаману қайтаман... Эшитяпсанми, жоним, бораману қайтаман изимга... Ҳаммаси яхшиликка кўчади!..»

Шабнам яшиндек отилиб чиқиб кетаётган эрининг изидан «Ҳай-ҳай»лаганича қолди. Унинг мияси шишиб

кетган – тинмай гувиллар, оғзи қуриб ташналиқдан баттар ҳолсизланган, эрининг бу қадар эзма, овсарга айлашниши биринчи бор кўраётган, унинг айтганларини ўйлай деса, ақли етмаётган эди.

Орадан қанча фурсат ўтди – номаълум, Шабнам бир кўнгли этакдаги уйга боргиси, ҳеч нарсани ўйламай, онасидан-да меҳрибонроқ қайнонасининг ёнига кириб ётгиси келди, бир кўнгли эрини кутишни ихтиёр қилди – аллақанча вақт бир қарорга келолмай ўтирганида ташқаридан оёқ товуши эшитилди – Бозор худди бирров ташқарилагану, узилиб қолган гапини давом эттираётгандай – бояги оҳангда куйиб-ёниб жавраганича қайтиб кириб келди: «Айтдим-ку, қаттадан-кичик – бари юрак олдириб бўлган. Шуни Оқсоқолга тайинламоқчи эдим – идорага бордим. Котиба ўламан саттор ичкарига йўлатмайман деб туриб олди. «Кирай, бир чеккада ўтираман, мажлисга халал бермайман» дедим. «Йўк, рухсат йўк» деди. Кирмоқчи эдим – бир барзанги пайдо бўлли – «Чик» деди ўқрайиб. Ичкари – жим, фақат кимдир ғўнғиллапти. Қулоқ соллим – гапни англамадим. Сўнг, «хўп» кирмасам кирмабман-да, деб турдим-да, котиба билан барзангининг кўзини шамғалат қип туриб ўзимни эшикка урдим. Очдим учкарига кирдим, ҳеч зоғ йўк!.. Ҳайҳотдай хона – жимжит!.. Қатор-қатор юмшоқ курси қўйилган, холос... Чап томонда эшик бор экан – овоз ўшокдан эшитилди – югурдим. Оқсоқолни бирров кўрсам бас, айтадиганимни шартта-шартта бетига айтардим, «Ўзингиз сўроқдан кўркмайсизми?» дер эдим, чиқардим-кетардим – эшикни очдим – яна ҳеч зоғ йўк! Жимжит!..» «Айтсангиз-чи, нега қалтирайдиган бўп қоллингиз, Бозор ака?» «Бояги ғўнғиллаган товуш энди ҳайҳотдай хона томондан эштилди – қайтдим – яна одам қораси кўринмади – бир оғиз саволга бир уй одам қочиб юрса-я! – энди ичкари хонадан овоз келди – қарсақ чалинди-ғўнғиллаш давом этди – хайрон бўлиб тургандим, кимдир қўлимни орқамга қайирди, қарасам, бояги барзанги «Кимсан?!» деди. «Вой, шўрим!» «Кимлигингни ўзингдан сўраганмисан, биродар?» дедим пинагимни бузмай ўдағайлаб, – барзанги бақа бўп қолли – қўлимни бўшатди, «Ўзим чиқаман» дедим, «Оқсоқолингга айт,

Рахматовга, Опага, Раисга ҳам, муовинларига ҳам етказ – биронтаси ўзининг кимлигини билармикан ё умри бошқаларга амри фармон минан ўтавурадими? Ўзлари сўроққа тутилса, қочишга жой ахтариб қолишмайдими ишкилиб? Шунини махсус сўра, қулоғингда бўлсин, хўпми?» дедим, чиқдим-жўнадим, Шабнам». «Майли, кеч бўлди, ётақолинг, Бозор ака. Қоганини эрта айтарсиз, жо-он, Бозор ака». «Йўқ, бугун, ҳозир гаплашамиз... Сен ўйладингми, ўзингни тергадингми, Шабнам? Нега қалтираяпсан?» «Вой, ўзингиз қалтираяпсиз-ку...» «Ахир, мен бир ой, йўқ – икки ой, йўқ – уч ойдан буён ўзимни тергаяпман... саволларга кўмилиб кетдим Шабнам. Саволларга кўмилганим сайин бошқача бўлиб қоляпман-қўрқмайдиган одам бўп қоляпман, тушуняпсанми, қўрқмаяпман!.. Тасаввур қилгин – ичимдаги ваҳиманинг барини қувиб соляпман, сўнг, қўрқмайдиган одамга айланаман, қўрқув не эканини унутаман-да, одамга айланаман, одамга!..» «Бозор ака, юрагимни ёрманг, тинч ётинг, ётақолинг!..» «Гапимни бўлма, Шабнам, ичимни бўшатиб олай – ана ўшанда бутун Пахтақайнарда биринчи қўрқмайдиган одам деб овоза бўламан, яна миш-миш бошланади, яна саволлару-сўроқларга тутиламан – «Қандоқ қилиб қўрқмайдиган бўп қолдингиз, Бозорбой?» дея қисди-басдига оладиган бўлишади. Газитга чиқаради, радиёда гапиртиради. Қўшни қишлоқлардан сўраб-суриштириб кела...» «Бозор ака! Вой, ўлмасам!..» «Фақат-чи, Шабнам, сен ҳам сира қўрқмагин, одамга айлансанг, у-у, жонимиз кирарди-я! Осмондан тушадими, ердан чиқадими – сўроқчи зотидан чўчимайсан, негаки, жавобинг таъин бўлади. Тинчиймиз, сен тинчлансанг анави тинчланади, ана ўшанда у эсон-омон туғилади. Пахтақайнарда қўрқувни билмайдиган яна бир одам туғилади! Қўрқмайдиган одамларимиз кўпаяди. Оҳ, бунинг ажойиблигини тушунгин, хотин?! Фақат йиғлама – менинг юрагимни ўртама, Шабнам, кўзингни арт. Ке, ўзим артай Шабнам. Сен эсон-омон қутулсанг бутун қишлоқ тинчийди, жоним. Хўпми, Шабнам, шундай қилайлик, жоним...»

1991 йил.